


ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАИСЛИГИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИГА КАФОЛАТЛАНГАН ТУШУМЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

➔ 2.



**ТҲИЛАР
ДАБДАБАСИДАН
ҚУТУЛА ОЛАМИЗМИ?**

БУГУНГИ СОНДА:

3. Ёшлар академияси қандай вазифаларни бажаради?

6. Муаммонинг ечим топгани маъқул, аммо топмагани-чи?..

9. «Раис қачон ишда бўлади?»

10. Профилактика инспектори хизмат уида яшаяпти... (ми?)

12. Ўзгарган тўлов-контракт ҳамда 400 минг сўмга туширилган стипендиялар

18. Виртуал фирибгарлик жамият учун янги хавф

24. Нега дўппи киймай қўйдик?

29. АҚШ ва Афғонистон: тинчлик битими имзоланадими?

ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИГА КАФОЛАТЛАНГАН ТУШУМЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 11 сентябрь куни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳамда давлат бюджетига кафолатланган тушумларни таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан мутлақо янги тизим яратилмоқда. Тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги кўп қабатли бюрократик тўсиқлар бартараф этилмоқда.

Ушбу янги тизим яқинда ташкил этилган Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг мувофиқлаштирувчи роли остида Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш кабулхоналари, Бизнес-омбудсман, Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги, жойлардаги ҳокимларнинг биринчи ўринбосарлари бошчилигидаги иктисодиёт комплекси ташкилотларининг мазкур йўналишда ҳамжиҳатликда изчил ишлашнинг назарда тутилди.

Тадбиркорлик субъектларига молиявий кўмак бериш мақсадида уларга тижорат банклари ўзига хос бизнес-хамкор бўлишнинг таъминлаш бўйича янги концепция амалиётга жорий қилинмоқда.

Бундай тизимли амалий чоралар натижасида жорий йилнинг ўтган 8 ойида 70 мингта янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 баробар кўпдир.

Шу билан бирга, ҳудудларда ишлатилмаётган резерв ва имкониятлар етарли. Соҳани ривож-

лантириш бўйича янги тизим қандай ишлаши кераклигини жойларда кўпчилик раҳбарлар хали чуқур англаб етмайпти.

Бош вазир қабулхоналари ташкил этилганидан кейин ўтган уч ой мобайнида уларга 12 мингдан зиёд мурожаат келиб тушган, уларнинг асосий қисми кредит, ер ажратиш ва бошқа масалалар билан боғлиқ.

Мурожаатларнинг аксарияти Тошкент, Қашқадарё, Андижон, Самарқанд вилоятларига тўғри келган. Улардан 9 мингтаси ёки 75 фоизи жойида, шундан 40 фоизи бевосита туман даражасида ҳал бўлган. Бу ҳолат илгари кўйи бўлган раҳбарлари тадбиркорлик соҳасидаги муаммолар билан умуман шугулланмаганидан далолат беради.

Вазирлар Маҳкамасига Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги билан бирга Бош вазир қабулхоналарига тадбиркорлик субъектларидан тушаётган мурожаатларда кўтарилаётган муаммолар имкон қадар жойида ҳал этилишини доимий равишда муҳокама қилиб бориш топширилди.

Шунингдек, марказий идоралар ва вазирликлар раҳбарларидан иборат таркибда 6 та ҳудудий Ишчи гуруҳлар тузган ҳолда, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича янги тизимли мамлакатнинг бошқа туман ва шаҳарларида жорий этиш, жойларда бу борада ишлатилмаётган имкониятларини сафарбар қилиш юзасидан аниқ чоралар белгилаб берилди.

Жумладан, Ишчи гуруҳлари-га ҳар бир туман ва шаҳарнинг ўзига хос хусусиятлари ва салоҳиятини ўрганиб, уларни қайси йўналишларга ихтисослаштириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда шунга мос равишда янги инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини таъминлаш юқлатилди. Шунингдек, жойларда тадбиркорлар иштирокида уларни қизиқтирган масала ва муаммолар юзасидан очик мулоқотлар ўтказиб, мавжуд ғов-тўсиқларни бартараф этиш чораларини кўриб бориш топширилди.

Мажлисада бизнес муҳитини яхшилаш бўйича конуний асосларни такомиллаштириш ва аниқ йўналтирилган амалий чоралар кўриш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди. Жумладан, бизнес юритиш, лицензия ва рухсатномаларни олиш бўйича қиритилган янгилар амалиётда ҳали тўлиқ ишга тушиб қаматгани танқид қилинди. Хусусан, Давлат хизматлари ягона реестрига киритилган 693 та хизмат туридан атиги 103 таси ёки 15 фоизи Давлат хизматлари марказлари орқали ва электрон тарзда кўрсатиладиган, ҳоло, Бу эса тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган шахсларга қийинчилик туғдирмоқда.

Шунинг учун Адлия вазирлиги тадбиркорларга онлайн тизимда ахборот-маслаҳат хизматларини жорий этиш, қоғозда кўрсатиладиган барча давлат хизматларини электрон кўринишга ўтказиш бўйича бир ой муддатда тегишли қарор лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифаси топширилди.

Шунингдек, қурилиш ҳужжатларини келишининг ягона онлайн тизимини амалиётда

тўлиқ ишлатишни таъминлаш бўйича зарур чоралар белгилаб берилди.

Кўплаб чет мамлакатларда бизнес субъектлари 3 тоифага (кичик, ўрта ва йирик) бўлинган ва давлат томонидан ҳар бир тоифага нисбатан алоҳида қўллаб-қувватлаш сиёсати олиб борилади. Лекин Ўзбекистонда иктисодиёт ривожига алоҳида роль ўйнайдиган "ўрта бизнес" тушунчаси, афеуски, умуман йўқ.

Шуни ҳисобга олиб, Вазирлар Маҳкамаси ва тегишли вазирликларга ўрта бизнес тоифасини жорий этиш, кичик, ўрта, йирик бизнес мезонларини қайта кўриб чиқиш, уларни алоҳида механизмлар асосида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича уч ой муддатда аниқ таклифларни ишлаб чиқиш вазифаси юқлатилди.

Йиғилиш кун тартибидagi иккинчи масала – давлат бюджетига тушумларни таъминлаш ҳолати кўриб чиқилар экан, ўтган 8 ойида бу борадаги кўрсаткичлар прогнозга нисбатан юқори бўлгани алоҳида қайд этилди.

Даромадларни ошириш бўйича фойдаланилмаган захира-ларни ишга солиш, солиққа тортиладиган базани кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Яқка тартибдаги тадбиркорлардан ундириладиган қатъий белгиланган солиқ бўйича тушумларни таъминлаш, яширин иш ўринларини легализация қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Тошкент шаҳри, Сурхондарё ва Наманган вилоятларида кўп миллиард сўмлик солиқ қардорлиги ундирилмагани, қатор туман ва шаҳарлар раҳбарлари изланмай, йирик солиқ тўловчилар ҳисобига прогноз кўрсат-

кичларини бажаришда давом этаётгани танқид қилинди.

Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки экспертлари иштирокида тузилган Йирик солиқ тўловчилар билан ишлаш бўйича инспекция солиқ резервларини ўрганиш ва тушумларни кўпайтиришда муҳим омил бўлаётгани қайд этилди. Ушбу ишларнинг самарасини ошириш учун йирик солиқ тўловчиларни электрон ҳисоб фактураларига ўтказиш ва уларни бухгалтерияни компьютерда юритиш дастурларига боғлаш кераклиги таъкидланди.

Молия вазирлигига қўшимча қиймат солиғи ставкасини камайтириш бўйича аниқ асосланган таклиф қиритиш топширилди.

Бюджет тушумларининг 21 фоизини таъминлайдиган 20 та шаҳар ва туман билан бевосита ишлаш учун уларга мутасадди раҳбарлар бириктирилди.

Давлат бюджетининг даромадлар қисмини бажаришда сусткашликка йўл қўяётган ҳудудий солиқ идоралари раҳбарлари огоҳлантирилди. Президент прогнозини олдиндан тўлов ҳисобига бажариш қатъий ман этилишини таъкидлади.

Тадбиркорлар, экспертлар ва илмий-тадқиқот муассасалари вакиллари иштирокида ўтказилган муҳокамада билдирилган таклифларни инобатга олиб, Солиқ кодексининг янги тахрири лойиҳасини пухта ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасадди раҳбарлар ва ҳокимларнинг ҳисоботи ва таклифлари эшитилди.

ЎЗА

ТАДБИР

Ҳамкорлик лойиҳалари ёш авлодни чуқур билим олишга ундайди

Куни кеча Тошкент вилояти Янгийўл тумани «Қирсадоқ» маҳалласида жойлашган 34-умумтаълим мактабида Корея Республикасининг «Korea Minting, Security Printing & ID Card Operating Corporation» (KOMSCO) корпорацияси билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишга бағишланган тадбир ўтказилди. Унда корпорация вакиллари, тумандаги «Global Komsco Daewoo» МЧЖ хорижий корхонаси раҳбарлари, ота-оналар, устозлар, ўқувчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизга чет эллик сармоядорларнинг кенг жалб этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Қувонарлиси, яратилган қулай инвестицион муҳит боис хорижий сармоядорларнинг юртимизда тадбиркорликни йўлга қўйишга бўлган қизиқиши йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Мухтарам Юртбошимизнинг

ришни йўлга қўйган. Қувонарлиси, бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати нафақат юртимиз, балки жаҳоннинг энг илғор давлатларида ҳам эътироф этилмоқда.

Айтиш керак, мазкур корхона ҳар йили мамлакатимизда ўқув йилининг бошланishi муносабати билан турли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ўқувчиларни рағбатлантиришнинг яхши анъанага айлантирган. Эътиборлиси, бу йил «Global Komsco Daewoo» заводи томонидан тумандаги 34-умумтаълим мактабининг фаоллар залини таъмирлаш учун зарур маблағ ажратилди.

— Таълим масканимизда 430 нафар ўқувчига 29 нафар малакали педагог таълим-тарбия беради, — дейди Янгийўл туманидаги 34-умумтаълим мактаби дирек-



тори Маҳмадхўжа Фазнабоев. — Туманимиздаги «Global Komsco Daewoo» хорижий корхонаси билан мактабимиз ўртасида яқин ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Ушбу ишлаб чиқариш муассасаси томонидан 2015 ҳамда 2016 йилларда таълим масканимизга спорт анжомлари, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига ўқув қуроллари совға қилганлиги. Бу йил эса корхона мактабимизга яна хомийлик ёрдами кўрсатиш иста-

гани билдирди. Режага мувофиқ, билим даргоҳининг фаоллар зали тўлиқ таъмирдан чиқарилади. Ҳозирда қурилиш ишлари жадал олиб боришмоқда.

Ўйлаймизки, бу каби ҳамкорлик лойиҳалари ёш авлоднинг янада чуқур билим олишига яқиндан туртки беради, албатта.

Маратбек ПЕЙСЕНОВ,
«Global Komsco Daewoo»
МЧЖ хорижий корхонаси
бўлим бошлиғи.

Бугун ахборот технологиялари соҳасига жорий қилинаётган янги тизимлар, инсон турмушини энгиллаштирувчи кашфиётлар, умуман, илм-фан оламидаги ҳар қандай асосланган ғоя — бир пайтнинг ўзида ҳам интеллект маҳсули, ҳам мўмай даромад манбаига айланган.

Бу — эртага бугунги мавқеидан ажралишни истамаган, ўз даражасини яхшилашга интилган ҳар қандай жамият аъзоларидан янгича ёндашув ва қарашларни талаб қилади.

Юртимизда шу кунга қадар илмий тадқиқотларга ёшларни жалб этиш ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун алоҳида платформалар яратилмаганди. Мамлакат илм-фаннинг халқаро миқёсдаги рақобатбардошлигини таъминлаш, мавжуд илмий мактаблар салоҳиятини янада мустаҳкамлашни эса даврнинг ўзи тақозо этаётир.



Ёшлар академияси қандай вазибаларни бажаради?

АКАДЕМИЯГА ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАРИГА ЭГА ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ВА ТАЛАБАЛАР, 40 ЁШГАЧА БЎЛГАН ОЛИМЛАР ҲАМДА ТАДБИРКОРЛАРДАН ТАШКИЛ ТОПГАН ЖАМОАЛАР ТАНЛОВ АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 30 августдаги «Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори шу каби долзарб масалаларга эътибор қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Янги тузилма ёшларга нима беради?

Сиз ордан 20 йил ўтгач, ҳаётимиз қандай бўлиши ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? 2039 йилда Ўзбекистоннинг кифаси қандай бўлишини-чи? Бу саволларга жавоб топиш учун илмий асослар шарт эмас. Бунинг учун катталар фикри билан ҳисоблашмайдиган, ўз «мени»ни топа олмай, руҳий кечинмалар ичида адашиб қолган ўсмирлар дунёқарашини билан қизиқинг. Тинимсиз ўз устида ишлаётган, ахборот технологияларини чет тилларини сув қилиб ичиб юборган ёшларнинг дунёқарашига назар ташланг. Бойси шуларнинг ўзи Ўзбекистоннинг келажакдаги кифасини яратиш

учун старли. Чунки, ёш авлод эртага асосий ишчи кучига айланади, жамиятни бошқаради. Аслида, бугунги ислохотларнинг ўзини қай даражада оқлаши ҳам уларнинг хагги-харакатига боғлиқ.

Хўш, бу каби саъй-ҳаракатлар доим ҳам ижобий яқун топадими? Афсуски, йўқ. Натижа юз фозлик бўлиши учун ёшларнинг янги ғоя ва таклифлари аниқ йўналтирилиши, рағбатлантирилиши лозим. Хужжат билан ташкил этилажак Ёшлар академиясининг асосий мақсади ҳам шу.



молиялаштиришга йўналтирилади. Шу асосда илмий-инновацион акселератор ва бизнес-инкубаторлар фаолият бошлайди. Илгор технологик ишланмалар тайёрланади.

Эътиборлиси, ёшларни ривожланган давлатларнинг нуфузли илмий марказлари, университетлари, технопарклари ва ишлаб чиқариш корхоналарида малака ошириши, нуфузли илмий нашрларда мақолалар чоп этиши, шунингдек, хорижий ва маҳаллий патентлаш харажатларини қоплаш ҳам жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Янги жамоалар ташкил этилади

Академия аъзоларининг илмий-ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш, рағбатлантириш мақсадида 2020 йилнинг 1 апрелига қадар бир неча платформалар ташкил этилади. Хусусан, «Ғоялар генераторлари». Бу — ёшлар академиясининг асосий йўналишларига тегишли бўлган маълум бир муаммонинг ечимига қаратилган инновацион ғояга эга жамоалар платформасидир. «Стартаплар» эса ўз лойиҳаларини амалга ошириш бўйича аниқ режага эга жамоалар ҳисобланади. Фаолиятида илм-фан ва инновация ютуқларини қўллаган ва тегишли соҳада камида 1 йиллик тажрибага эга бўлган жамоалар платформаси — «Бизнес вакиллари», деган ном билан юритилади. «Бўлажак академиклар» эса юқоридаги платформаларда фаол иштирок этган, мамлакатнинг илм-фан ривожланишига катта ҳисса қўшаётган олимлардан ташкил топади.

Сирасини айтганда, Ёшлар академияси — изланувчан ва интилувчанлар учун катта имкониятлар тақдим этади.

Олимжон ТҮЙЧИЕВ,
Инновацион ривожланиш вазирининг фан, татлим ва ишлаб чиқаришни интeрация қилиш бошқармаси бошлиғи.

Академияга кимлар қабул қилинади?

Таълим муассасаларида интилувчан, ташаббускор, салоҳиятли ёшларимиз кўп. Аммо улар доим ҳам ўзини намёнэ этавермайди. Эндиликда бундай иқтидор эгаларининг маълумотлар базаси шакллантирилади. Уларнинг ўрта ва олий таълим муассасаларидан ташқари фаолиятлари назоратга олинади.

Республикаимизнинг чекка қишлоқларида истиқомат қилаётган ёшларнинг ҳам халқаро танловлар, олимпиадалар ва мусобақаларда қатнашишига ёрдам берилади.

Академияга ўзларининг инновацион лойиҳаларига эга иқтидорли ёшлар ва талабалар, 40 ёшгача бўлган олимлар ҳамда тадбиркорлардан ташкил топган жамоалар танлов асосида қабул қилинади.

Бу билан нима ўзгаради?

Академиянинг ташкил этилиши билан ёш олимлар маълум муаммо ечимини устида бош қотиради. Инновацион ғоялар яратади, стартап лойиҳалар ишлаб чиқади. Илм-фан ва инновацион ютуқлардан фойдаланиб тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш эса деярли 80 фозлик ижобий натижани


қафолатлайди. Турли соҳаларда тадқиқотлар ўтказишга шароитлар яратилиши илм-фанга кизиқувчилар сафини кенгайтирса, илмий-техник ижодкорликнинг қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида дастурлар ишлаб чиқилади.

Халқаро ва маҳаллий мутахассислар, илм-фан вакиллари ва тадбиркорлар томонидан мунтазам маҳорат дарслари, тренинглар ўтказилади. Қолаверса, юртимиз келажаги учун муҳим бўлган сунъий интеллект, қайта тикланувчи энергия манбалари, робототехника ва мехатроника, фармацевтика, биотехнология, дастурлаш саноат дизайни, 3D моделлаш каби истиқболли йўналишлар ўрганишининг асосий «объекти»га айланади.

Яна бир жамғарма иш бошлайди... (ми?)

Бундай кенг қўламли ишларни амалга ошириш учун, албатта, катта маблағ керак. Хўш, академияни ким ёки қайси ташкилот моддий қўллаб-қувватлайди?

Қарорга мувофиқ, бу вазибаларни бажариш учун Ёшлар академиясининг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилади. Унинг маблағлари инновацион, амалий ва стартап лойиҳаларини



МЕНДА САВОЛ БОР...

ХОРИЖДАГИ ЎЗБЕК ЁШЛАРИГА КИМ ЁРДАМ БЕРАДИ?

— Ўзбек ёшлари орасида хорижда таҳсил олаётган, ишлаётганлар кам эмас. Хўш, улар бирон муаммога дуч келса ким уларга ёрдам қилини қўзади?

Умид АБДУРАҲМОНОВ,
Жиззах вилояти.

Баҳром ИЛҲОМЖОНОВ,
Ёшлар Иттифоқи Марказий кенгашининг юридик хизмат раҳбари:

— Шундай кезларда уларга Ўзбекистон ёшларининг умумжаҳон ассоциацияси ёрдам беради. Ассоциация фаолиятини нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий давлатларда ҳам амалга оширади. Хусусан, унинг Россия Федерацияси, Корея Республикаси, Хитой Халқ Республикаси ва Қозғистонда ваколатхоналари очилган. Ушбу ваколатхоналар ташкилотнинг бир бўлаги сифатида тегишли мутасаддилар билан хорижда истиқомат қилаётган ўзбекистонлик ёшларнинг муаммо ва ютуқларини таҳлил қилади. Улар билан алоқа ўрнатиб, маълумотлар базасини шакллантиради. Шунингдек, хорижга чиқиб кетган ва чиқишни режалаштирган ёшлар учун хизматлар кўрсатади, маслаҳат беради. Чет элдаги фуқароларимизни Ўзбекистон тарихи, маданияти, ўзбек тили ва адабиёти, буюк аждодларимизнинг бой маданий мероси ва дунё тамаддунига қўшган ҳиссаси ҳақида маълумотлар билан таништириб боради.

«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси йилига 100 минг дона музлаткич экспорт қилади.

Хайрия тўйи ўтказилди

Хайр-саховат, меҳр-муруват каби туйғулар халқимизнинг қон-қонига, онгу шуурига сингиб кетган. Навоий шаҳар ҳокимлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Навоий шаҳар кенгаши ҳамда «Ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғини 4 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандининг хатна тўйини ўтказди.

Маҳалла аҳлининг бир ёқадан бош чиқариб ҳомийлик асосида бундай эзгу тадбирни амалга ошириши тўй-болалару уларнинг оила аъзоларига қувонч бағишлади.

— Маҳалламиздаги саховатли инсонлар кўмаги билан бу каби хайрли амаллар занжирини узилмайди, — дейди «Ҳаёт» маҳалласи раиси Мирсаид Маълонов. — Ўзгаларга ғамхўрлик қилиш, меҳр-муруват кўрсатиш, ҳар томонлама ёрдам бериш ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида ҳам катта аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, бундай хайрли амалларга гувоҳ бўлиб улғайган ўғил-



қизлар қалбида миллий ғурур, миллий кадриятларни давом эттириш шижоати уйғонади.

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»



505 та йиғиннинг энг фаоллари рағбатлантирилди

Эътироф — ҳар қайси соҳа вакилини руҳлантирувчи, янги марраларни забт этишга ундовчи рағбат. Бироқ унга эришиш ва муносиб бўлиш осон эмас. Муносиблар сафида туриш учун эса икки карра масъулият. Бунинг учун фаолият тизимли ташкил этилиши, натижалар эса мақтагулик бўлиши керак.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар кенгаши 505 та маҳалла орасидан мана шундай энг муносиблар рейтингини тузиб чиқди.

Хўш, қайси маҳаллалар фаолияти эътироф этилди? Улар аслида ҳам рағбатга муносибми? Рейтинг қандай мезонлар асосида тузилди. Тошкент шаҳар ёшлар марказида бўлиб ўтган тақдирлаш маросимида қатнашиб, шу каби саволларимизга жавоб олдик. Рейтинг тузишда аҳолини ишга жойлаштириш, чет элдаги фуқаролар билан манзилли ишлаш, жиноятчилик ва ажралишларга йўл қўймаганлик каби мезонларга эътибор қаратилган. Бу йўналишда энг яхши натижаларни кўрсатган маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари рағбатлантирилди.

«Баракасини берсин» лойиҳасида энг яхши натижа

Раҳимжон ИСРОИЛОВ,
Сергели туманидаги «Бунёдбод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Ишсизлик — маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи энг катта муаммо. Шунинг учун аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига ҳамипа алоҳида эътибор қаратиб келганмиз. Биргина август ойида 9 нафар фуқаромиз доимий иш ўрнига эга бўлди. Яқин ўн кун ичида яна 8 нафари иш билан таъминланади. Бу саъй-ҳаракатларимиз Тошкент шаҳар кенгаши томонидан эътироф этилгани бизни янада руҳлантирди. «Баракасини берсин» лойиҳаси доирасидаги ишларимизни бундан буён ҳам тизимли олиб борамиз ва янада жонлантирамиз.

Маҳалла — хориждагилар ҳаётидан ҳам хабардор

Садриддин САФАРОВ,
Яшнобод тумани «Бешарик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Айни пайтда маҳалламиздаги 285 нафар аҳоли чет элда. Уларнинг 80 нафари хорижда таълим олаётган ёшлардир. Маҳалла фаоллари билан бу фуқароларимизнинг оила аъзолари билан мунтазам хабарлашиб тура-миз. Турмуш ўртоғи, фарзандининг чет элдаги яшаш шароити, қандай юмуш билан бандлиги мониторинг қилиб борилмоқда. Бу хорижда меҳнат қилаётган ёки ўқиётганларнинг аҳолидан доимий хабардор бўлишимизда қўл келмоқда. Тизимли олиб борилган ишларимизнинг эътирофи бизга яна бир бор масъулият юклайди. Эндиликда натижаларимизни янада яхшилашга ҳаракат қиламиз.

Спортсеварлар маҳалласи жиноятдан холи

Фозил ЎСАРОВ,
Бектемир туманидаги «Иқбол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Инсонда бўш вақт бўлмаса унинг ҳаёли бошқа нарсаларга чалғи-майди. Жиноятга қўл урмайди, ажраллиш ҳолатлари учрамайди. Жорий йилда йиғинимизда биронта жиноят содир этилмади. Маҳалламиз ёшлари эса «Чарм тўп» мусобақасининг ажувий босқичида муносиб иштирок этди. Бу натижалар ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ, албатта. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, нотинч оилалар билан олиб борилган тушунтириш суҳбатларимиз самараси бу. Саъй-ҳаракатларимизга қарамай, маҳалламизда ажралиш оstonасида турган оилалар йўқ эмас. Уларни сақлаб қолиш, мустаҳкам оилалар сонини кўпайтириш учун янада фаол ишлашимиз, таъсирчан усуллардан фойдаланишимиз керак. Бугунги рағбат эса бу ишларни шиддат билан давом эттириш мажбуриятини зиммамизга юклайди.

Садоқат МАХСУМОВА
«Mahalla»

Маҳалла раислари спорт майдонида беллашди

Спорт бирдамлик ва дўстлик элчиси. Шунинг учун ҳам унга 7 ёшдан 70 ёшгача ҳамма қизиқади. Бугун маҳаллаларимизда ташкил этилаётган спорт мусобақалари мурасимсиз ўтаётгани, уларда минглаб иқтидор эгалари кашф этилаётгани спортсеварлар сафи кенгаётганини кўрсатади.



Аслида ҳаминша соғлом, тетик ва бардам юришни хоҳлаган инсон борки, спорт билан шуғулланади. Шу ақидага амал қилган Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ўртасида

футбол мусобақаси ўтказилди. Раислар эса волейбол майдонида ўз омадини синади. Фаолларнинг бу ташаббуси аҳоли орасида спортга қизиқувчилар сонини янада оширади.

Қодиржон ИСРОИЛОВ.

Маслаҳатчилар учун ўқув-семинар ташкил этилди

Маҳаллалардаги ижтимоий муҳит барқарорлигини таъминлашда нурунийларнинг ўрни катта. Уларнинг бой ҳаётий тажрибаси, ибрат мактабидан унумли фойдаланиш йиғинлар фаолияти самарадорлигини оширишда қўл келади.

Бу борадаги ишларни жонлантириш мақсадида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Хива шаҳар кенгаши томонидан фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари — кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчилари учун ўқув-семинари ўтказилди. Унда шаҳардаги маҳаллаларнинг маслаҳатчилари ва фаоллари қатнашди.

Машгулотларда оилавий ажралишларнинг олдини олишда нурунийларнинг ўрни салмоқли экани таъкидлан-



ди. Ўзаро фикр ва тажриба алмашиш майдонида айланган семинар сўнггида фаолиятни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Маҳаллаларда «Маслаҳат гуруҳлари» ташкил этиш бўйича ташаббус қўллаб-қувватланди.

Шохсанам НИШОНОВА.

«Буюк ипак йўли карвонсаройлари» лойиҳаси ишга туширилди.

Афв этилганлар тақдири қандай кечмоқда?

УЛАР ҲАҚИҚИЙ БАХТ ВА ҲАЁТ ҚАДРИНИ ЯНА БИР КАРРА АНГЛАБ ЕТИШДИ

Наманган шаҳар «Шодлик» маҳалласида истиқомат қиладиган Отабек Раҳмонов 2009 йилда экстремистик ва террористик оқимлар таъсирига тушиб қолгани боис озодликдан маҳрум этилган эди. Мана, орадан ўн йил вақт ўтди. Бу бир қарашда кичик фурсатдек туюлиши мумкин. Лекин инсон умри билан ўлчганда анча катта муддат. Буни айрилиқдан изтироб чеккан кўнгиллар, ота соғинчи билан улғайган мурғак гўдақлар жуда яхши билади.



Ораמידа бундай қалби ярим, озодликдан маҳрум қилинган яқин инсонини кўриш умиди билан яшаётган оилалар оз дейсизми. Бу ўз-ўзидан иқтимоий мухит ва фарзандлар тарбиясига ҳам таъсир кўрсатиши аниқ. Қолаверса, жазо ўтаётганлар орасида адашиб, хато йўлга кириб қолганлар ҳам анчагина. Шундай инсонларга яна бир қарра имкон бериш, камчиликларини тўғрилаш учун шароит яратиш билан жамиятда тўла-тўқис турмуш кечираётган хонадонлар сони янада ортади.

65 нафар фуқарога ишонч билдирилди

Халқимиз азалдан бағрикенг ва меҳрибонлиги билан эътироф этиб келинади. Буни бир неча йиллардан буён жазо муддатини ўтаётган маҳкумларни афв этилаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу йил ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 августдаги «Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги фармонига асосан, Муस्ताқиллик байрами муносабати билан 65 нафар фуқароларга афв эълон қилинди. Шу билан бир қаторда, мазкур фармонда жамоат ташкилотларига ушбу фуқаролар билан тизимли иш-

лаш, уларни жамият ҳаётига мослаштириш, муаммоларини ҳал этиш бўйича тегишли чоратадбирларни белгилаш вазифаси ҳам юклатилди.

— Ушбу фармоннинг ижросини таъминлаш мақсадида Республика маҳаллалар кенгаши томонидан афв этилган фуқароларнинг ҳолидан хабар олинди, оилавий шароити билан яқиндан танишиб, бандлигини таъминлаш борасида амалий чоралар кўрилоқда, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши раисининг ўринбосари Турғун Қирғизбоев.

— Бугунги кунга қадар ҳудудий кенгашлар томонидан афв этилган 48 нафар фуқаронинг манзилли рўйхати шакллантирилди. Ушбу фуқароларнинг уйига бориш, уларнинг ҳаётидан хабар олиш ҳамда муаммоларини ўрганиш ишлари амалга оширилди. Улар уй-эҳой билан ҳамда ўз мутахассислиги бўйича иш билан таъминлаш, имтиёзли кредит ажратилишида ёрдамлаш, ўқийгани тиклаш ва таълим кредити олишида қўмақлашиш каби масалаларда муурожаат қилинди. Ушбу масалаларни ўз вақтида ечиш учун маҳаллий ҳокимият ва сектор раҳбарларига тегишли тақдимномалар киритилди. Афв этилган фуқароларни тегишли

Юртимизда сўнгги уч йилда 7 марта афв эълон қилиниб, 3 минг 952 нафар шахс афв этилди.

тартибда тиббий кўрикдан ўтказиш, бандликка қўмақлашиш марказлари билан ҳамкорликда уларнинг бандлигини таъминлаш чоралари белгиланди.

Ушбу фуқаролар билан тизимли ишлашни ташкил этиш мақсадида уларнинг ҳар бирига ҳудудий ҳамда туман ва шаҳар маҳаллалар кенгашларининг масъул ходимлари бриктирилди ҳамда мунтазам равишда профилактик тадбирларни амалга ошириб бориш белгилаб олинди.

Чин кўнгилдан пушаймон

Афв этилганлар орасида Наманганлик Отабек Раҳмонов ҳам бор. Ўн йиллик айрилиқдан кейин у ўз оиласи бағрига қайтди. 3 нафар фарзандининг қувонч тўла кўзларига боқиб, ҳақиқий бахт ва ҳаёт қадрини яна бир қарра англаб етди. Келажақда у халол меҳнат қилиб, жамият ва юрт равнақи учун муносиб ҳисса қўшишга бел боғлаган.

— Наманган вилояти ҳудудида муқим яшаган 2 нафар фуқаро қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлгани ва тузалиш йўлига қатъий ўтгани учун оиласи бағрига қайтди, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Наманган вилояти кенгаши раиси ўринбосари Абдулло Ғофуров. — Уларнинг ҳолидан хабар олиб, амалий ёрдамлар кўрсатилди. Маҳалла фуқаролар йиғинининг тавсияси асосида

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

2019 йил 5 сентябрда кучга кирган «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган маҳкумларнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган янгилıklar жорий этилди.

Унга қўра, эндиликда иқтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этганилиги учун озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган маҳкумлар Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари сайловларида ва референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

бир марталик моддий ёрдам тули ажратилди. Шунингдек, чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, янги паспорт олишида қўмақлашилди.

Ҳар иккала фуқаро яшаш жойига мослашиб олганидан сўнг бир ҳафта муддатда Меҳнат бўлими билан биргаликда тавсия этилган бўш иш ўринлари орқали бандлигини таъминлаш чоралари белгиланди.

Олти йил умрим ва қизимни йўқотдим

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри «Батон» маҳалласида истиқомат қиладиган Нурбек Нурматов билан телефон орқали гаплашдик. Унинг сўзларидан қилган хатосидан афсусдалиги, берилган имкониятдан унумли фойдаланиб, ўз келажагини қуришга бўлган ишончи шундоққина сезилиб турарди.

— Ишлаш мақсадида чет элга бориб, диний оқим таъсирига тушиб қолдим, — дейди Нурбек Нурматов. — Етарли даражада билим ва кўникмага эга эмаслигим менга панд берди. Бу қалтис қадамим сабаб олти йил умримни жазонини ижро этиш муассасасида ўтказдим. Юртимизда биз каби инсонлар учун яратиб берилган имкониятдан бошимиз қўққа етди. Озодликнинг гашти нақадар ширин бўлишини буён ич-ичимдан ҳис қилдим. Фақат шу йиллар давомида менинг

ташвишим билан сочлари оқариб, юзларига ажсин тушган ота-онамни янада кексайишига сабаб бўлганимдан сиқилдим. Энг ачинарлиси, оила аъзоларим мен билан овора бўлиб қолиганидан қизимнинг ҳаётини сақлаб қолишининг имкони бўлмай қолди. Уни шифокорларга олиб боришганда, атиги бир-икки кун кечикишганини айтишибди. Бу қалбимда ўчмас бир доғ бўлиб қолди.

Инсон учун оиласи бағрида осойишта ҳаёт кечириндан ортик бахт йўқ экан. Мана, ишга жойлашдим, ҳар кўни кеч тушиб уйга қайтаман. Олдимга югуриб чиққан фарзандимни бағримга босиб, барча чарчоқларим чиқиб кетади. Энди шу кизим, ота-онам, оилам ва Ватаним учун астойдил меҳнат қиламан. Режаларим эса катта, аста-секин ўз талбиркорлигимни йўлга қўйиш ниятидаман. Энг муҳими, ҳар бир лаҳза ва кунимнинг қадрини билиб яшайман.

Кимнингдир тўтри ҳулоса чиқариши, ўз йўлини топиб халқи учун астойдил меҳнат қилиши кўзланган максалларнинг энг олийсидир. Зеро, умр ҳар бири-миш учун берилган жуда киска неъмат. Уни чиройли яшаш учун эса баъзан аччиқ сабоқларни ҳам бошдан кечиринишга тўғри келади.

Шахноза
РАХИМХЎЖАЕВА
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 августдаги «Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги фармонига биноан, 17 нафар шахс жазоси тўлиқ бекор қилинди, 13 нафари жазони ўташдан шартли равишда озод этилди, 20 нафарининг жазоси енгилроғига алмаштирилди, 14 нафар шахс озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазо муддати қисқартирилди, 1 нафар шахс эса озодликдан маҳрум қилиш жазо чорасидан озод этилди. Афв этилганларнинг 39 нафари таққиланган ташкилотлардаги фаолияти учун жавобгарликка тортилган эди. Афв этилганларнинг 1 нафари 60 ёшдан ошган, 4 нафари эса аёллардир.

МУАММОНИНГ ЕЧИМ ТОПГАНИ МАЪҚУЛ, АММО ТОПМАГАНИ-ЧИ?..

Навоий вилоятининг Навбахор туманидаги «Юқори Бешрабат» маҳалласи аҳолиси йиллар давомида ичимлик сувини тўрт-беш километр наридаги қўшни маҳалладан ташиб келарди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Навбахор туманидаги Халқ қабулхонаси вакиллари янги уйма-уй юриб, муаммоларни аниқлашни айнан шу маҳалладан бошлашди. Жараёнда аҳолининг тоза ичимлик суви масаласида қилган муурожаат орадан ҳеч қанча вақт ўтмай ҳал бўлди.



Муурожаатни йўллаш тартиби қандай?

— Аслида маҳалла, сектор, ҳокимлик миқёсида ҳал бўлмаган муаммолар, эътибордан четда қолган муурожаатлар Халқ қабулхонасига йўлланиши лозим, — дейди Президентининг Навбахор туманидаги Халқ қабулхонаси мудири Илҳом Раззоқов. — Аммо бу тартибни билмаган кўпчилик «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури бўйича кредит олиш, бандлик масалаларида бизга муурожаат қиляпти. Сўраб-суриштирсак, аввал маҳаллага, бандликка қўмақлаштириш марказига муурожаат қилмаган, тўғридан-тўғри Халқ қабулхонасига келган бўлади. Шу боис уйма-уй юришларимиз жараёнида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ҳаракат қиляпмиз, муурожаатни йўллаш тартиби ҳақида тушунча беряпмиз.

Дарҳақиқат, қондага кўра, кўйи идоралар томонидан ҳал

этилмаган муурожаатлар Халқ қабулхоналари иштирокида ўрганилади. Бунинг Халқ қабулхоналарига йўлланидан муурожаатлар тўғридан-тўғри «Ўзбекистон Республикаси Президентига» дея ёзилишида ҳам кўриш мумкин. Афсуски, айрим фуқаролар гуёки муаммони тезкор ҳал этиш максатидан ишни «баланддан», яъни бирагўла Халқ қабулхонасига муурожаатдан бошлашади.

Халқ қабулхонасига қилинган муурожаатларнинг ҳаммаси ҳам ҳал бўляптими?

— Ҳудудимиздан оқиб ўтувчи канал кўприги яроқсиз ҳолатга келиб қолган, бир неча йил аввал туман ҳокимлиги ва Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан кўприкдан фойдаланиш тақиқланган эди, — дейди «Юқори Бешрабат» маҳалласидан Ўғиллой Қўлатова. — Аммо кейин яна кўприк очиб қўйилди. Таъмир-таълаб кўприкдан ўтиб-қайтиш жуда хавфли. Кўприкни таъмирлашни сўраб туман ҳокимлигига бир неча бор муурожаат қилдик, ҳал бўлмади. Халқ қабулхонасидоғилар маҳалламизга келишганда ҳам шу масалани кўтардик, аммо натижа йўқ.

Ҳақиқатан ҳам, кўприк таъмир-таълаб аҳволда бўлиб, унинг учун тарзда туриши аҳоли, айниқса, мактабга катновчи болалар учун жуда хавфли. Хўш, нега бу муаммо Халқ қабулхонасига муурожаатдан сўнг ҳам ҳал бўлмади?

— Кўприкни янгидан, замонавий кўринишида қайта қуриш учун 2 миллиард сўм маблағ керак, — дейди Халқ қабулхонаси мудири И.Раззоқов. — Айни пайтда туман ҳокимлиги томонидан кўприкни қуриш учун нудратчи топиш мақсадида тендер савдоси эълон қилинган. Йил охиригача бу масалани ижобий ечамиз.

«Қоражон» маҳалласи аҳолисининг Халқ қабулхонасига кишлоқ врачлик пункти барпо этишни сўраб қилган муурожаатнинг ечим топиши кийин

бўлмоқда. Илҳом Раззоқовнинг таъкидлашича бу муурожаат юқори ташкилотга юборилган.

Маҳалла раиси Халқ қабулхонасини алдади... (ми?)

Жорий йил баҳорида кенг жамоатчиликка Навбахор туманидаги «Ғужбоғтепа» маҳалласидан ўтувчи зовур кўприги бузиб ташлангани натижасида болалар мактабга катнашда қийналаётгани ҳақида хабарлар тарқалган эди. Ўшанда биз ҳам касбимиз тақозосига кўра, масалага кизиқиб, маҳалла раиси Шахриддин Окбўтаев билан телефон орқали боғланган ва вазиятни сўраган эдик. Ўшанда раис кўприк аллақачон қайта қурилганини айтганди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Навбахор туманидаги Халқ қабулхонаси вакиллари ҳам шу мавзуда гап очиб, «аҳоли Халқ қабулхонасига муурожаат қилгач, кўприк қайта қурилди» дегач, биз ғужбоғтепаликларнинг Халқ қабулхонаси ҳақидаги фикрини билмоқчи бўлдик.

Халқ қабулхонаси вакиллари билан биргаликда «Ғужбоғтепа»га йўл оларканмиз,

шунчаки зовур устида қурилган йўлакчага ўхшайди. Тўсик ўрнатилмаган кўлбола кўприкдан ўтиш, айниқса, ёгингарчилик пайтида жуда хавфли эканлиги кўринишидан маълум.

Хамроҳларимиз, яъни Халқ қабулхонаси вакиллари бу ҳолатни кўриб, хайрон қолишди. — Биз муурожаатни ўрганиб, ҳал қилиш чора-тадбирини белгиллагандан сўнг, натижага тўғрисида маҳалла раисидан тушунтириши оламиз, — дейди Халқ қабулхонаси мутахассиси Абдор Қурбонов. — Оқсоқолга ишониб, кўприкни келиб кўрмаган эдик, алданганимизни энди билдик. Шу пайтгача ечим белгиланган ҳар бир муурожаат натижасини жойига бориб кўрмасдик. Энди бунга алоҳида эътибор қаратамиз.

Афсуски, шу кунги Халқ қабулхонаси вакиллари гувохлигида маҳалла раиси Шахриддин Окбўтаев билан юзма-юз гаплашишнинг имкони бўлмади. Йиғин масъул котиби Қаҳрамон Мирзасевнинг айтишича, у маҳалла раислари ўкувида экан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли муам-



ҳамроҳларимиз далил сифатида қўлимизга «Ғужбоғтепа» маҳалласида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар номидан ёзилган миннатдорлик хатини тутказишди. Манзилга етиб борганимизда эса...

Қарангки, кўприк аҳоли томонидан номингагина қайта қурилган ва маҳалла раиси Ш. Окбўтаев номидан бу ҳақда Халқ қабулхонасига ёзган билдириси ва аҳоли томонидан ёзилган миннатдорлик хати сохта экан.

— Болалар мактабга бориб-келиши учун ўзимиз, ўз кучимиз билан шу кўприкни ўрнатдик, — дейди маҳалла фаоли Шамсиддин Ҳидоев. — Туман ҳокимлиги ва Халқ қабулхонасига муурожаат қилгандик, аммо фойдаси бўлмади.

Шамсиддин ота «кўприк» дея атаётган бу жой аслида

молари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига кўра, муурожаатлар билан ишлаш, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш бўйича «маҳалла — сектор — Халқ қабулхонаси — маҳалла» принципи асосида ҳамкорлик тизими жорий қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Навбахор туманидаги Халқ қабулхонаси ҳамда «Ғужбоғтепа» маҳалласи масъуллари мазкур фармон асосида ўзаро ҳамкорликда мавжуд муаммонинг оқилона, қонун доирасидаги ечимини излаш ўрнида юқоридагича иш тутгани ачинарлидир.

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»

— Ичимлик суви масаласида бир неча марта «Сувоқова» идорасига, туман, ҳатто вилоят ҳокимликларига муурожаат қилдик, аммо бирор натижа бўлмаётгани, — дейди шу маҳаллада яшовчи Яхшимурод Ермеқбаев. — Халқ қабулхонаси вакиллари келиб, дардимизни эшитгач, теъдда ҳудудга қувурлар тортилиб, тоза ичимлик суви келди.

Туманнинг «Арабхона» маҳалласида ўтказилган ўрганишларда аҳоли Халқ қабулхонаси вакилларига мактабгача таълим муассасаси барпо этишда ёрдам сўраб, муурожаат қилганди. Айни пайтда ҳудудда давлат-хусусий шерикчилик асосида замонавий боғча қад ростламоқда.

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

6 МИНГДАН ЗИЁД МУУРОЖААТ ҚАНОАТЛАНТИРИЛДИ

Жорий йилнинг ўтган даврида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Навоий вилоятидаги Халқ қабулхонасига жами 8 мингдан ортик муурожаат келиб тушди. Уларнинг 6 мингдан зиёди қаноатлантирилди.

Вилоят Халқ қабулхонаси ташаббуси билан тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида вилоят марказидан 300–450 км. олисда жойлашган Томди туманининг «Томдибулоқ» ва «Керегетая» овуллари, Учқудуқ туманининг «Узунқудуқ» ва «Кўкпатас» овуллари ҳамда Зарафшон шаҳрига «Маърифат қарвони» ташкил этилди. У орқали Ўзбек, қозоқ ва рус тилларида жами 5 мингта китоб тарқатилди.

Сайёр қабуллар жараёнида электр энергияси таъминоти юзасидан тушган 62 та муурожаат жойида ҳал этилиб, 12 та трансформатор кўриқдан ўтказилди. Махсус жиҳозланган автобусда Давлат хизматлари агентлиги ҳудудий бошқармаси ва марказлари ходимлари 459 нафар фуқарога 25 турдаги давлат хизматлари кўрсатишди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг «Мобил поликлиника» автобуси, «Проскан» флюорография автомашинаси ҳамда мутахассис шифокорлар иштирокида жами 1582 нафар фуқаро чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди.

Пастдарғом туманида антик даврга тегишли хумлар топилди.

Рейтинг, баҳолаш тушунчалари, асосан, таълим соҳасида кенгроқ қўлланилади. Бироқ сўнгги йилларда рейтинг атамаси бошқа соҳаларда ҳам жорий этилмоқда. Хусусан, мамлакатнинг тинчлик, жиноятчилик, очлик даражаси ва бошқа йўналишлардаги рейтинг, спортчиларимиз, футбол термамининг жаҳон рейтингидagi ўрни...

Аммо бизда рейтинг натижаларига таълим тизимидан ташқари бирор соҳада жиддий назар билан қаралмаган.

Рейтинг баҳолари фақатгина рамзий маъно касб этган.



Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 августдаги «Фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими жорий этиш тўғрисида»ги қарорига рейтинг натижалари моддий манфаатдорликка ҳам таъсир кўрсатишига алоҳида эътибор қаратилган. Эндиликда рейтинг борасидаги янгилинишлар эпкини маҳалла ходимлари фаолиятига ҳам таъбир этилмоқда...

Қайси жабҳадаги кўрсаткичлар баҳоланади?

Мазкур қарор билан тасдиқланган Низомда маҳалла фаолиятининг 12 та йўналишдаги фаолияти алоҳида баҳоланиши назарда тутилган.

Эндиликда, фуқаролар йиғинларининг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, тадбиркорлик учун кредит олиш, иш билан таъминлаш каби масалаларга қўмақлашиш, оилавий ажралишлар, жиноятчилик, ўз жонига қасд ва суиқасд ҳолатларининг олдини олиш, эҳтижманд, кам таъминланган, нотинч оилалар билан ишлаш, томорка ер участкаларидан унумли фойдаланиш, хашар йўли билан дараклар ўтказиш сингари ишлари учун рейтинг баллари берилди.

— *Рейтинг баҳоларини белгилашда айнан ушбу йўналишларнинг таълаб олингани бежиз эмас, — дейди Фуқаро-*



РЕЙТИНГ: «РАҲМАТ» ДАН РАҒБАТГАЧА

МАҲАЛЛА ТИЗИМИГА ОИД БАЪЗИ ҲУЖЖАТЛАРДА ҲАМКОР ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ЎЗ ЗИММАСИДАГИ ВАЗИФАНИ БАЖАРМАГАН ТАҚДИРДА ҚЎЛЛАНИЛАЖАК ЧОРАЛАР АНИК БЕЛГИЛАНМАГАНЛИГИ БОИС УЛАР ИЖРОСИ ҲАМ ОЧИҚЛИГИЧА ҚОЛИБ КЕТМОҚДА

йўналишларнинг пойдевори ҳисобланади.

Қайд этиш жоизки, рейтинг баҳолаш ҳар ярим йилликда амалга оширилади. Бунда фуқаролар йиғинлари ҳар ярим йилликда амалга оширган ишлари бўйича ҳисоботларни шаҳар ёки туман кенгашларига тақдим этади. Маҳаллий кенгашлар ушбу ҳисоботлар ҳаққонийлигини тегишли масъул ташкилотлардан олинган аҳборотлар билан солиштирган ҳолда фуқаролар йиғини фаолиятини баҳолайди ҳамда рейтинг натижаларига кўра «намунали» деб топилган маҳаллаларни рағбатлантириш бўйича шаҳар ёки туман ҳокимлигига тақдим қилади. Шу тахлит ҳар олти ойлик якунлари бўйича «намунали» деб топилган фуқаролар йиғинлари туман ҳокимликлари томонидан, шунингдек, йил якуни бўйича энг «намунали» деб топилган ҳар бир худуддан биттадан фуқаролар йиғини

ранси ёки котиби, балки жамоатчилик асосида фаолият юритаётган раис ўринбосарлари, йиғин фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича доимий комиссиялар раислари ҳам «намунали» баҳосини олган тақдирда шаҳар ёки туман ҳокимлиги томонидан маҳаллий бюджетнинг орттирилган қўшимча маблағлари ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори — 1,75 баробаригача рағбатлантирилади.

— *Айнан ушбу жиҳат фуқаролар йиғинларида жамоатчилик асосида ишлайдиган фаоллар учун ўзига ҳос иштиққи ҳосил қилди, — дейди Ромитан туманидаги «Қоқништубон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Розия Рўзиева. — Негаки, шу пайтга қадар кексалар ва фахрийлар масалалари бўйича ўринбосарлардан бошқа йўналишдаги ўринбосарлар фаолияти беярли сезилмас эди. Эндиликда ушбу рағбат улар ва бошқа фуқаролар йиғинлари ходимлари ўртасида ўзаро мусобақалашув муҳитини келтириб чиқаради. Тўғри, моддий тарафлама соврин миқдори у қадар кўп бўлмастиси мумкин, аммо маҳалла муҳитидаги аксарият кишилар кўпроқ моддий манфаатдорликка эмас, эътироф қозонишига иштиққилади. Шу нуқтаи назардан ўзгалар олдида юқориқроқ погонани забт этиш илинжи уларни жадал ҳаракат қилишга ундайди. Қолаверса, «намунали» дея топилган фуқаролар йиғини фаоллари республика худудидagi санаторийларга бепул йўлланма бериш тартибининг ҳам жорий этилиши қўшимча иштиққи юзага келтиради.*



баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низоми содда, барча учун тушунарли тилда ёзилганлиги билан ҳам ажралиб туради. Унинг иловаларида рейтинг баҳолаш тартиби, рейтинг баҳолашга оид асосий кўрсаткичларни ҳисоблаш методикаси ҳамда методик тавсиялар аник ва тушунарли тилда баён этилгани, уни ҳамма ҳам ўқиб тушуна олиши боис ортикча шарҳ ва изоҳларга тўхталмадик.

Аммо... Аввало, ҳар қандай ҳужжат, қарор ижроси билан таъсирлидир. Шу нуқтаи назардан мазкур низомни ишлаб чиқишдан кўзланган мақсад фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини кучайтириш, яхши ишлаётган маҳалла ходимларини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш экан, у ҳолда бошқа давлат органларининг зиммасидаги мажбуриятларини бажармаган тақдирда қўлланилажак чоралар катъийлигини ҳам белгилаш зарур эди.

Негаки, маҳалла тизимига оид баъзи ҳужжатларда ҳамкор ташкилотларнинг ўз зиммасидаги вазифани бажармаган тақдирда қўлланилажак чоралар аник белгиланмаганлиги боис улар ижроси ҳам очиклигича қолиб кетмоқда.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 августдаги «Фуқаролар йиғинларида спортнинг футбол турини ривожлантириш ҳамда фуқаролар йиғинлари раисларининг ўринбосарлари — ёшлар ма-

салалари бўйича маслаҳатчиларни моддий рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Низомда Фуқаролар йиғинлари раисларининг ўринбосарлари — ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг фаолиятини баҳолаш ва моддий рағбатлантириш бўйича комиссияси томонидан ҳар бир туман ва шаҳардан уч нафардан ғолиб бўлган маслаҳатчиларга олти ой давомида энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари миқдорига моддий рағбатлантириш пули тўлаб борилиши, рағбатлантириш маблағлари Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жағфармаси ҳамда Ўзбекистон футбол ассоциацияси маблағлари ҳисобига амалга оширилиши белгилаб берилган.

Бироқ айнан таъсир чоралари белгиланмаганлиги туфайли ўтган давр мобайнида фуқаролар йиғинлари раисларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари мазкур йўналишда рағбатлантирилмади.

Аммо нима бўлганда ҳам фуқаролар йиғини фаолияти рейтинг баҳолаши ушбу тизим самарадорлигига янги кадам бўлди, десак муболага бўлмайди. Эндиликда барча ўзининг одатий иш тартибидagi стретитилдан ташқари қўшимча ташаббуси, изланишлари рағбатлантирилишини ҳис этади.

Қолаверса, халқимиз ориятли эл. Рағбатлантирилмаган тақдирда ҳам камига «Яхши» баҳосига илинади. «Қоникарли» ёки «қоникарсиз» баҳоларини қайд этишда маҳалла фаоллари, касбдошлар, туман раҳбарлари, энг асосийси, худуд аҳолисида уялади. Андиқна қилади.

Ақбар РУСТАМОВ
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ:

Фуқаролар йиғинлари фаолияти **100 баллик** рейтинг тизими асосида баҳолашиб, «намунали», «яхши», «қоникарли» ва «қоникарсиз» деб топилади. **85,0 — 100 балл** тўплаган фуқаролар йиғинлари фаолияти «намунали», **71,0 — 84,9 балл** тўплаган фуқаролар йиғинлари фаолияти «яхши», **50,0 — 70,9 балл** тўплаган фуқаролар йиғинлари фаолияти «қоникарли», **49,9 балл** ва ундан кам балл тўплаган фуқаролар йиғинлари фаолияти «қоникарсиз» деб топилади.

ларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Бухоро вилояти кенгашининг ташкилий-услубий шўъба мудири Сардор Давронов. — Тўғри, буғун маҳалла олдидаги вазифа, юмуши жуда ҳам кўп. Аммо юқоридаги ўн икки масала худуд ижтимоий-иқтисодий қиёфасини шакллантиришда энг асосий омиллардан бири ҳисобланади. Маълум маънода юқоридаги масалалар маҳалла фаолияти билан боғлиқ бошқа

вилоят кенгаши тақлифига, асосан, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши томонидан тақдирланади.

Жамоатчилик асосида ишловчиларга ҳам рағбат бор

Мазкур қарорнинг энг аҳамиятли яна бир томони шундаки, рейтинг натижаларига кўра нафақат фуқаролар йиғини

Хавотир шуки...

Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан тасдиқланган Фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини

Аҳоли муаммоларига ечим топишда ташаббус, изланиш ва фидойилик етишмаяпти

ЖОЙЛАРДА МАСЪУЛЛАР КАМЧИЛИКЛАРНИ БИЛСА-ДА БИЛМАСЛИККА, КЎРСА-ДА КЎРМАСЛИККА ОЛАЁТГАНИ АЧИНАРЛИДИР

Кейинги йилларда одамлар турмуш тарзини яхшилаш, фаровонлигини ошириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада аҳолининг ижтимоий-маънавий ҳаётида йиллар давомида тўпланиб қолган кўплаб муаммоларга барҳам берилмоқда.

Бандлик – долзарб масала

Айниқса, Президентимизнинг 2019 йил 2 апрелдаги «Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Таҳлилларга кўра, Фарғона вилояти Қувасой шаҳридаги муаммоларнинг асосий қисми, яъни 416 таси (38 фоиз) аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, уй-жой, имтиёзли кредит олиш, соғлиқни сақлаш, моддий ёрдам, мактабгача таълим, ичимлик суви, иссиқлик, электр энергияси ва йўл масалаларида муаммолар борлиги аниқланди. Албатта, бу муаммолар кеча ёки бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ. У йиллар давомидаги эътиборсизлик, масъулларнинг масъулиятсизлиги туфайли юзга келган. Фармон доирасида уларни ҳал этиш, зарур бўлган масалаларнинг амалий ижросини таъминлаш мақсадида тегишли ташкилотларга тавсиялар берилиб, унинг ижроси назоратга олинган.

— *Узоқ йиллардан буён ишсизман, бундан ташқари, ишлаш учун оилавий шартим ҳам йўқ эди, — дейди «Зийнат» маҳалла фуқаролар*

Ташаббус етишмайди

Фармонда илгари сурилган вазифалар, давлат дастурлари ижросини таъминлаш, аҳоли билан юзма-юз мулоқотлар ўтказиш, мавжуд муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва ҳал этиш ишларида маҳалла масъулларида ташаббус етишмаётгани, камчиликларни билса-да билмасликка, кўрса-да кўрмасликка олиш ҳолатлари кузатилаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Масалан, Қувасой шаҳридаги «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинида 4-, 17- ва 18-мактабгача таълим муассасаларини таъмирлаш, атрофни девор билан ўраш, «Мўян» маҳалла фуқаролар йиғинидаги 7-умумтаълим мактабига олиб боровчи йўл муаммоси масъулларнинг масъулиятсизлиги туфайли эътибордан четда қолган. Холбуки, маҳалла фуқаролар йиғини худуддаги бу муаммодан хабардор бўлган. Шунингдек, «Зийнат» маҳалла фуқаролар йиғинидаги 211- ва 217-кўп қаватли уй, Хамид Олимжон номли маҳалла фуқаролар йиғинидаги 3- ва 5-кўп қаватли уйларнинг том қисми ва иситиш тизимини таъмирлаш борасидаги муаммоларни ҳал этиш учун «Йўл харитасига киритиш ишлари шу пайтга қадар бажарилмаган.

— *Аксарият маҳалла фуқаролар йиғини раислари ўзига бириктирилган вазифалар*



МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Қувасой шаҳридаги 30 та маҳалла фуқаролар йиғинида бўлган 19 минг 588 та хонадонда уйма-уй юриб аҳоли билан олиб борилган очик мулоқотлар давомида 1077 та муаммо борлиги аниқланди. Эътиборли жиҳати, мазкур жараёнда ҳар бир масалани ўрганиш билан чекланиб қолмай, уларнинг амалий ечимларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

юқоридан кўрсатма қутиси, мутасаддилар «қоши-қовоғи»га қараб иш юритиш ҳолатлари барҳам топаётгани йўқ. Айни қунда мавжуд ҳолатларга барҳам бериш, фуқаролар йиғини раиси ва масъул котиблари учун ўқув-семинарлар ташкил этиши устида иш олиб бораёلمиз.

«Ўн бир йилда уйли бўлдим»

Қувасой шаҳар «Зийнат» маҳалла фуқаролар йиғинидаги аҳоли билан олиб борилган очик мулоқотда йиллар давомида ижарада яшаб келаётган Мархабо Хусановнинг уй-жойига бўлган эҳтиёжи ўрганилиб, амалий ечим топилди. Кексалик нафақасида Мархабо опа саратон касаллигидан азият чекади, қарамоғидаги ўғли ҳам ногирон. Фуқаронинг мурожаатидан сўнг «маҳалла — сектор — Халқ қабулхонаси — маҳалла» тизими асосида ишчи гуруҳи масалани ўрганиб чиққач, унга икки хонали уй қалити топширилди.

— *Ўн бир йилдирки, ўғлим иккаламиз ижарада яшардик, — дейди янги уй соҳибаси. — Ҳайрият, бизнинг дардимиз, оилавий муаммоларимизни ўрганиб, амалий ёрдам берувчи кишилар топилди. Барча қўлайликларга эга бўлган икки хонали уйга кўчиб ўтдик. Қолаверса, ўғлим ўзига маъқул ишга жойлашди.*

Ажабланирлиқ, Қувасойда эътибордан четда қолган, йиллар давомида ечимини кутиб турган муаммолар кўплиги ойдинлашди. Хусусан, «Хамдўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 2012 йилда туғилган Мадинабону Йўлдошевага жорий йилнинг 2 май санасида ФХДЭ томонидан туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома расмийлаштириб берилди. Сабаби, онаси Россияга чиқиб кетганлиги боис туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома олинмай қолган.

«Кокилон» маҳалла фуқаролар йиғинининг Юксалиш

кўчаси 1-уйда яшовчи, фуқаролиги йўқ О.Қаюмовга ишчи гуруҳининг амалий ёрдами билан фуқаролиги йўқ шахс гувоҳномаси берилиб, қарилқ нафақаси тайинланди. Холбуки, бир маҳаллада ёнма-ён яшаб келаётган оила муаммосига маҳалла фаоллари ўз вақтида эътибор қаратганида, ҳуқуқий маслаҳат, йўл-йўриқ кўрсатишганида кекса отахон 15 йил сарсон бўлмаган бўларди.

Ичимлик суви — оғриқли масала

Эътирофга молик ишлардан яна бири аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашдир. Ўтган саккиз ой давомида сектор раҳбарларининг ҳаракати ва «Сувоқова» ДУК корхонаси ташаббуси билан 5 километрдан зиёд тоза ичимлик суви тармоғи тортилди. Аммо бунга қарамагандан шаҳар аҳолисининг 7-8 фоизини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи ҳалигача ҳал этилгани йўқ. Айниқса, «Боғбон», «Полмон», «Бўстон», «Кўчқорчи», «Пакана» ва «Кокилон» маҳаллалари аҳолисини айни шу масалада кўплаб мурожаатлар бўлмоқда.

— *Ҳамма жойда ҳам маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан қайд этилган муаммоларни тешишли тартибда ўрганиш, уларнинг мурожаатида амалий жавоб бериш, камчиликларга ўз вақтида барҳам бериш ишларидан кўнгул тўлмайди, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қувасой шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Убайдулло Мамажонов. — Жўмладан, «Найман» маҳалла фуқаролар йиғини худудидаси*

Чароғон, Шинам, Қир йўли, Бодомзор кўчаларида яшовчи аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, Саодат кўчасида 2 километр жойдаги эски симёчларни алмаштириш «Найман», «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғини худудидаси ички йўллари асфальтлаш, кўча чироқлари ўрнатиш, «Хўвайдо», Алишер Навоий, Амир Темури номли маҳалла фуқаролар йиғинлари худудидаси кўп қаватли уйлари марказлашган иситиш тизимига улаш, атрофни ободонлаштириш каби 52 та ижтимоий объектада маҳалла фуқаролар йиғини раислари томонидан қайд этилган 91 та муаммо сектор раҳбарлари, ишчи гуруҳ аъзоларининг эътиборсизлиги билан ўз ечимини кутиб турибди. Чунки шаҳардаги айрим давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, секторларга бириктирилган ишчи гуруҳ аъзолари ўзларига юклатилган вазифалар ижросида эътиборсизлик ва лоқайдликка йўл қўётгани муаммоларни янада шиддат остига сабаб бўлмоқда.

Ўрганишлар жараёнида аниқланган муаммоларнинг амалий ижросини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан. Чунки ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдирини, кадр-қиммати туради. Афсуски, ҳамма масъуллар ҳам масаланинг бу жиҳатларига эътибор бераётгани йўқ. Шу боис сектор фаолиятида масъулиятсизликка йўл қўйган бир нечта мутасадди ўз вазифасидан озод қилинди. Шунингдек, яна бир қанча раҳбарларга нисбатан интизомий чоралар кўрилди.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

Қувасой шаҳридаги «Обод маҳалла» дастурига киритилган «Кўчқорчи», «Намуна», «Дўстлик», «Лашкар» маҳалла фуқаролар йиғинлари худудида республика бюджетини, халқаро молия институтлари кредит ва грантлари ҳамда сув таъминотини яхшилаш жамғармалари ҳисобидан 2 миллиард сўмлик маблағ эвазига 16 километр тоза ичимлик суви тармоқлари тортиш ишлари олиб борилмоқда.

йиғинида истиқомат қилаётган Айише Малаганиева. — *1 гуруҳ ногирони бўлган акам ва кекса онам билан ижарада яшардик. Топган даромадимиз кунимизга базур етарди. Маҳалламиз фаоллари, сектор ва Халқ қабулхонаси вакиллари билан бўлиб ўтган амалий мулоқот давомида уй-жой ва иш топишимга ёрдам беришларини сўраб мурожаат қилдим. Мурожаатим эътибордан четда қолмади, уй-жой беришди, ўзим шаҳар ободонлаштириш бошқармасига ишга кирдим. Иш, уй юмушларидан ортиб, яқинларим қорига яраётганимдан хурсандман.*

ижроси, қабул қилинган қонун ва фармонларнинг мазмун-моҳияти ҳақида етарли билим ва қўнқамга эга эмас, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қувасой шаҳридаги Халқ қабулхонаси мудири Таваккал Имомов. — Бу аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ижобий ечимини топишда ноқулайликлар, қийинчиликлар тўғрисида. Масалан, аксарият йиғин раисларида худуддаги муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимларини излаб топиш, ташаббус кўрсатиш, изланиш, имконият қидиришда фаоллик етишмайди. Хануз

Наманганда агросаноат кластери ташкил этилди.

Жиззах вилояти Зомин тумани «Пешагор» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Насиба Жуманова турмуш ўртоғи вафот этгач, рўзгор тебратишда анча қийналиб қолди. «Рўзгор – ёр» деганларидек, еб-ичишга топса, уст-бошга етмайди, кийимга топила, дори-дармонга пул йўқ. Қолаверса, 1 нафар фарзанди билан сарсон-саргардонликда яшаш уни чинаямига ҳолдан тойдирди. Бунинг устига Насиба узоқ йилдан буён жигар церрози хасталигидан азият чекади.

2018 йил фуқаронинг шароити атрофлича ўрганилиб, унга касаллик нафақаси тайинланади. Бироқ 2019 йил маҳалла раислигига қайта сайлов ўтказилгач, янги раҳбар томонидан нафақа тўхтатиб қўйилди. Насиба Жуманованинг бир неча бор қилган мурожаатлари эса мутасаддилар томонидан етарлича ўрганилмади. Шундан сўнг фуқаро ушбу масалада Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашига ёрдам сўраб мурожаат қилди...



«Раис қачон ишда бўлади?»

Шароит бор,
аммо натижа...

ЁХУД БУГУН ОДАМЛАР МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН РОЗИ...(МИ?)

Мамлакатимизда кейинги йилларда жамиятимизга дахлдор барча масалаларда маҳалланинг иштирокини таъминлаш, уни энг халқчил ҳамда одамлар дарди ва ташвиши билан яшайдиган тузилмага айлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, жорий йил 2 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Бироқ мавжуд имкониятларга қарамай, бугун баъзи маҳаллаларда фуқаролар йиғини раиси ва фаоллари томонидан аҳоли мурожаатлари етарлича ўрганилмаяпти. Жумладан, оилалардаги низолар юзаси кўриб чиқилаётгани, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга етарлича эътибор қаратилмаётгани, яқна тартибдаги мулоқотлар шунчаки қоғозларда қолиб кетаётгани фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётир. Энг ачинарлиси, одамлар ишонч билдирган айрим маҳалла раислари ўз фаолиятига доир қонун ҳужжатлари ҳақида зарур билимга эга эмас. Қолаверса, баъзи раҳбарларда мурожаатлар билан ишлашда етарли малака етишмайди. Натижада маҳалла тизимининг ўзида ҳал бўладиган, фуқаролар йиғини раисининг ваколат доирасида ечим топиладиган кўплаб

си» республика ўқув-услубий маркази директори Учқун Маҳмудов. — Бу жараёнда маҳалла жамиятимизда тинчлик-томулук, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, миллий урф-одат ва қадриятларни асраб-авайлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, аҳолининг қундалик муаммоларини ҳал этишда муҳим тузилма ҳисобланади. Шу боис фуқаролар йиғини раислари зиммасига юклатилган вазифа ва мазбуриятларни сидқидилдан бажариши, аҳоли дардига қулоқ тутиши, муаммоларни ўз вақтида бартараф этиши лозим. Бунинг учун, аввало, улар иш фаолиятига доир меъриёй-ҳуқуқий ҳужжатларни тушуна олиши ва уларни тўғри қўллаши, фуқаролар йиғинларининг фаолият йўналишлари, маҳалладаги ижтимоий-маънавий муҳит ва уни соғломлаштириш механизмларини яхши билиши, замонавий ахборот-технологиялардан самарали фойдалана олиши, энг асосийси, фидойи ва ҳалол бўлиши лозим. Қолаверса, танқидий-тахлилий фикрлаш, мустақил қарор қабул қила олиш, мавжуд муаммоларга ечим топиш ва бу жараёнда адолат тамойилларига риоя қилиш унинг бош мақсади бўлиши зарур. Агар маҳалла раиси янгликка интилувчан, вазмин, қатъиятли, мулоқотга киришувчан, зиддиятчи вазиятларни бошқара олиш қобилиятига эга бўлмас экан, ўз ортидан ходимлар ва маҳалла аҳлини эргаштира олмайди, фаолиятида ҳам ютуқларга эришолмайди. Афсуски, бугун айрим фуқаролар йиғинлари раисларида ана шу сифатлар етишмаяпти. Бунинг натижасида ҳудудларда кўплаб муаммолар йиғилиб, аҳоли норозилигига сабаб бўлаётир.

органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг ташкилий-услубий бўлими бошлиғи Элмурод Қариев. — Шу боис маҳалла институтининг аҳамияти ва ўрни, унга юклатилаётган масъулият ҳам кун сайин ортиб бормоқда. Бироқ фуқаролар йиғинлари томонидан аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қилинаётган кўплаб мурожаатларга ҳудудларда раҳбарлар томонидан бетисанд муносабатда бўлимоқда. Жумладан, фуқаролар йиғинлари давлат органлари ва бошқа ташкилот, муассаса ҳамда корхоналарга 2019 йилнинг ўтган даври мобайнида 24 минг 631 марта мурожаат қилган, аммо шундан 2 минг 983 та мурожаатни кўриб чиқиш мuddатлари узрли сабабларсиз бузилган. 3 минг 524 та мурожаатга эса мутлақо жавоб берилмаган. Мазкур ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Адлия вазирлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан биргаликда «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур қонун лойиҳаси орқали фуқаролар йиғинлари фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик ҳамда фуқаролар йиғини қарорини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини қатъий белгилаш мақсад қилинган.

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Ўтган 2018 йилда фуқаролар йиғини балансида бўлган, намунавий лойиҳалар асосида қурилган 24 та фуқаролар йиғинларининг хизмат бинолари туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан турли ташкилотлар, корхоналар ва тadbиркорларга асоссиз бериб юборилган.

чақирuvi резерви бўйича тушумлارни ундириши, металлوم йиғини бўйича тез-тез йиғилишлар ўтказилади. Қуни кеча туман ҳокимиятига ана шундай мажлислардан бирида қатнашиш учун маҳалла раисларини чақирди. Узоқ йўл босиб борсак, йиғилиш қолдирилганини айтишди. Ваҳоланки, мен ўша кунни йиғинимизда ажралли ёқасига келиб қолган ёш оилаларни яратишни мақсадида учрашув ўтказмоқчи эдим. Яна бир мисол. Август ойининг охирида туманимиздаги 23-умумтаълим мактабида маҳалламиз оқсоқолларини ҳаширга чақирди. 70-80 ёшга кирган 11 нафар кекса нуроний борсак, у ерда 150-200 киши тинимсиз меҳнат қилса ҳам тугамайдиган иш бор экан. Мен мактаб директорига «муаммоларинг бўлса, нега туман халқ таълими бўлими раҳбарига учрашмайсан», десам «мудир ҳеч қачон бундай жойларга келмайди», дейди. Мен ўзим фан докториман. Узоқ йил таълим соҳасида самарали фаолият юритганман. Тизим раҳбари ўз муаммолари билан қизиқмас экан, нега уни маҳалланинг гардонига ортади?

ДАРВОҚЕ...

Жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида фуқаролар йиғинлари томонидан қабул қилинган 7 мингдан зиёд қарорлар ҳудудлардаги ташкилот ва муассасалар томонидан мутлақо эътибор қаратилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган.

Муаммоларга фақат раислар айбдор...(ми?)

Шу ўринда бир гап. Маҳаллаларда фуқаро мурожаатлари билан ишлашда сансалорликка йўл қўйилаётганига биргина маҳалла раисларини айбдор қилиш ҳам адолатдан бўлмайди. Афсуски, бугун фуқаролар йиғинлари раисларининг аҳоли муаммоларини ҳал этиш бўйича давлат ва жамоат ташкилотларига қилган кўплаб мурожаатларига мутасаддилар томонидан етарлича эътибор қаратилмаяпти. Айрим раҳбарлар эса бундай мурожаатларни бутунлай жавобсиз қолдирмоқда.

— Бугунги кунда ҳаётимизда учраётган кўплаб муаммолар маҳалланинг бевосита аралашуви билан ижобий ҳал этилмоқда, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

«Фан доктори мактаб ҳудудини тозалаш керакми?»

Тан олиш лозим, кейинги вақтларда маҳалла раислари туман ва вилоят микросидаги тизимга алоқадор бўлмаган турли тadbирларга асоссиз равишда жалб этилмоқда, улар кераксиз ҳужжатларга «кўмиб» ташланмоқда. Бу каби омиллар соҳадаги муаммоларнинг янада илдиришига сабаб бўлаётир.

— Маҳалламизда 7500 нафар фуқаро истиқомат қилади, — дейди Тошкент вилояти Занғота туманидаги «Хонобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жўра Жалилов. — Афсуски, баъзи вақтларда аҳоли мурожаатлари билан ишлашда турли қийинчиликлар дуч келамиз. Хусусан, маҳаллий ҳокимлик ва давлат бошқаруви органларининг таъсири сабабли солиқ ва коммунал тўловлар, сафарбарлик

муаммолар республика даражасига олиб чиқилмоқда. Бу эса ортиқча вақтнинг йўқотилишига, маҳаллаларда носоғлом муҳитнинг пайдо бўлиши ва турли салбий ҳолатларнинг урчишига сабаб бўлаётир.

Раис қандай сифатларга эга бўлиши лозим?

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Хўш, фуқаролар йиғини раиси ўз ҳудудида соғлом муҳит ҳосил қилиши, аҳолини ўз ортидан эргаштира олиши, оилавий муаммоларни ҳал этиши, бир сўз билан айтганда, зиммасидаги вазифаларни сидқидилдан адо этиши учун қандай сифатларга эга бўлмоғи лозим?

— Бугун замон шиддат билан ўзгариб бормоқда, — дейди Маҳалла зиё-

Яқинда қизиқ бир воқеа бўлди. Маҳалламиздаги бир фуқаро қабулимга қатнайвериб, тоқати тоқ бўлганидан қозоғса «Раис қачон ишда бўлади?», деб ёзиб, эшигимга илб кетибди. Тўғриси, мен ана шу мурожаатни ўқиб, фуқаронинг норозилиги асоси деган хулосага келдим. Ўзингиз ўйланг, мажлисма-мажлис, йиғилишма-йиғилиш юрaversак, маҳалладаги муаммоларни қим ҳал қилади? Айбдорни кўрсатишга келганда эса яна маҳалла раислари балогардон.

Маҳалла — меҳр-оқибат, эзгулик ошаёни. Ундаги муаммолар эса барчамизга дахлдор. Шундай экан, тизимдаги камчиликларни бартараф этиш учун ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, бу йўлда бирлашишимиз даркор. Акс ҳолда бугунги эътиборсизлик, лоқайлик эртага қимматга тушиши мумкин.

Савдудло ТУРСУНОВ
«Mahalla»

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ХИЗМАТ УЙИДА ЯШАЯПТИ... (МИ?)

«ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ МАҲАЛЛАДАГИ ВАКИЛИ ЭМАС, АКСИНЧА, ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИНИНГ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДАГИ ВАКИЛЛАРИГА АЙЛАНИШИ КЕРАК»

Маҳаллани жиноятдан холи ҳудудга айлантириш, фуқаролар хавфсиз ва фаровон яшашини таъминлаш йўлида олиб борилаётган ислохотлар, соҳа ривожини йўлида яратиб берилган имтиёз ва имкониятлар бу борадаги ишлар салмоғини янада оширмақда. Бойси жиноятга қарши курашишдан кўра, унинг олдини олиш муҳим.

Шу мақсадда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимиздаги ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида хизмат кўрсатувчи профилактика инспекторлари учун хизмат уйлари қуриб берилмоқда. «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси ўрнига бевосита профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда иш олиб борувчи профилактика инспектори ёрдамчиси вазифалари жорий этилди.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, профилактика инспекторлари ички ишлар органларининг маҳалладаги вакили эмас, аксинча, фуқаролар йиғинларининг ички ишлар органларидаги вакилларига айланиши керак, деган устувор вазифа негизда ҳам, биринчи навбатда, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, соғлом, маънавий баркамол авлодни тарбиялашга кўмаклашиш, ёшларимизни турли зарарли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишларига йўл қўймаслик турибди.

Ҳамкорлик самараси сезилмаяпти

Жорий йилда Қашқадарё вилоятида мавжуд 768 та маҳалланинг 500 тасида умуман жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. 268 та маҳаллада эса жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 860 та жиноят содир этилган.

Оила-турмуш муносабатлари доирасида ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун 399 нафар фуқаро профилактика ҳисобига олинган. Фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик жиноятларининг сони 97 тани ташкил этган. Жиноят содир этишда иштирок этган хотин-қизлар 119 нафарни ташкил этган бўлса, 106 нафар фуқаро томонидан ўз жонига қасд қилиш ҳолати қайд этилган. Ёшлар ўртасида 14 та жиноят ҳолати қайд этилган бўлиб, шундан Ғузор, Косон ва Қамаш туманларида вояга етмаган ёшлар томонидан содир этилган.

Қайсидир жиноят турлари ойда-йилда бир содир этилса, айримлари доимийлик касб этган. Мисол учун, фоҳишалик, қўшмачилик, киморбозлик, гиёҳвандлик каби иллат домига тушганлар мунтазам учраётгани бу борада тупуштириш ишларини янги шакл ва мазмунда олиб боришни тақозо этади.

Афсуски, Қарши шаҳрида ҳам бу борада олиб борилаётган ишларни талаб даражасида деб бўлмайти. Шаҳардаги мавжуд 62 та фуқаролар

йиғинидан атиги 14 тасида жиноят содир этилмаслигига эришилган, ҳоло.

— Илгари «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбари бевосита биз билан ҳамкадам, бирга ишларди, — дейди Қарши шаҳридаги «Худойзод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шамси Набиев. — У ўзининг зиммасига юкланган жамоат тартибини таъминлаш, фуқароларнинг келиб-кетилиши ҳисобга олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оилаларда, қўни-қўшинлар ўртасида юзага келган келимовчиликларни бартараф этиш сингари вазифаларни адо этишдек масъулиятли вазифани бажарарди. Ҳозир посбон ўрнига тайинланган профилактика инспекторининг ёрдамчиси бевосита профилактика инспектори билан бирга ишлайди. Натижада ўзаро ҳамкорликда узлиши кузатишмоқда. Бу, ўз навбатида, йиғин ҳудудида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашишда салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Шоҳиста БОЗОРОВА
«Mahalla»

Инспектор ёрдамчиси ҳафталаб маҳаллага келмаса...

Ҳўш, ўтган вақт давомида соҳада амалга оширилаётган ишлар самараси қандай? Муаммо ва уларнинг ечимлари нималарда кўринади? Ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида Фарғона вилояти Қўштепа туманида бўлди. Жорий йилнинг 1 август ҳолатига кўра, тумандаги 16 та маҳалла фуқаролар йиғинида жиноят содир этилган бўлиб, уларнинг 8 тасида жиноятчилик билан боғлиқ кўринишлар ўтган йилгига қараганда 15,7 фоизга ортган.

— Жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олишда ҳамжиҳат бўлиб ишлаш жуда муҳим, — дейди Қўштепа туманидаги «Қийқи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Содиржон Йўлдошев. — Аммо ички ишлар профилактика инспектори ва уларнинг ёрдамчилари билан олиб борилаётган ҳамкорлик ишларидан кўнгилмиз тўлмаяпти. Бу маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган дегани эмас, албатта. Лекин хотиржамликка берилиш ҳам ярамайди. Жумладан, маҳалламиздаги аҳоли кундалик ҳаёт тарзи ва юмушларига бевосита дахлдор бўлган профилактика инспектори ёрдамчиси

Шоҳислом Раҳимов ҳафталаб маҳаллага келмайди. Ҳолбуки, унинг хизмат вазифасига жиноятчилик ва унга қарши курашишда маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда иш олиб бориш, уйма-уй юриб мавжуд вазиятларни аниқлаш, уларга қарши ҳамкорликда ишлаш белгиланган. Аммо у участка профилактика инспекторининг «чизган чизигидан чиқмайди».

Жиноятчиликка қарши самарали курашиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида профилактика инспекторлари учун хизмат уйлари қуриб берилгани айтиш мумкин бўлди. Биргина Қўштепа туманида шу кунга қадар 31 та ана шундай замонавий уй-жой фойдаланишга топширилди.

«Кичик бешка» маҳалла



фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтган катта йўл ёқасида ана шундай уй-жой қад кўтарди. Лекин хонадон олдидаги хуқуқ манзара, амалга оширилмаган ободончилик ишлари бу ерда ҳеч қим яшамасдан далолат бериб турибди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мўйдинжон Аҳмедов профилактика инспекторини бу уйда яшаётганини бот-бот такрорлади, аммо инспектор ёрдамчисининг исм-фамилиясини билмаслиги ўзаро ҳамкорлик алоқалари «муस्ताҳкам» эканини кўрсатиб қўйди.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

Профилактика инспекторларининг ёрдамчилари туман (шаҳар) ички ишлар органлари бошлиқларининг тавсиясига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ва Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Хизмат уйлари кўрк учунми?

Профилактика инспекторларига ўзларига бириктирилган ҳудудда хизмат уйлари қуриб берилиши ҳудудларда жиноий-криминоген вазиятларнинг олдини олиш, оёсайшталикни сақлаш ва барқарор муҳитни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бутун Бухоро вилоятида 416 нафар профилактика инспекторлари фаолият юритаётган бўлса, уларнинг 371 таси хизмат уйи билан таъминланган.

— Илгари маҳалла ҳудудида бирор жанжал ёки кўнгилсиз ҳодиса бўлса, инспекторни анчайин кутиб қоларди, — дейди Жондор туманидаги «Қалмоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Раҳимиддин Шафоев. — Про-

филактика инспекторига хизмат уйи топширилиши муносабати билан энди у ҳам қуну тун билан бирга. Шу боис бирор жанжал ёки бошқа вазиятларда «иссигида» шувулламанамиз. Айнан мазкур омилар, қолаверса, доимий тарзда олиб борилаётган профилактика тадбирлар туфайли маҳаллада жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бирор-та жиноят содир этилмаган.

Тан олиш керак, профилактика инспекторлари уйлари дизайни, кўриниши билан ҳудуд кифасига ҳам кўрк қўшмоқда. Бирок баъзи ҳудудларда ушбу уйлар фақат ҳудуд чиройига хизмат қилмоқда, ҳоло.

Хусусан, Жондор туманидаги «Янгиобод» маҳалласида қуриб битказилган хизмат уйи инспектор Акмал Азимовга тантанали равишда топширилган эди. Бирок бир неча ой давомида ушбу хонадонга одам оёғи етиб бормади. Уй хувиллаганича тураверди. Хизмат вазифасига совуққонлиги учун эса А. Азимов вазифасидан озод этилди.

Шунингдек, Бухоро шаҳридаги «Жўйбор» маҳалласида профилактика инспектори Шерзод Раҳматовга тегиш-

ли хизмат уйи кулфлоглиқ эканлиги аниқланди.

Хизмат уйи фақатгина жанжалли ёки жиноий ҳодисалар содир этилганда инспекторнинг тезкор ҳаракатланиши учун эмас, балки унинг ўзи хизмат қилаётган ҳудуд аҳолиси билан яқиндан танишиш, улар билан бирга бўлиш, ўй-ташвишларидан хабардор бўлишлари учун ҳам хизмат қилмоғи керак. Негаки, инспектор маҳалла муҳитидан тўлиқ хабардор бўлсагина мавжуд вазиятга мос тарзда жиноятчиликка қарши курашиш, ҳудудга хос бўлган ҳуқуқбузарликни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш борасида изланади.

Ақбар РУСТАМОВ
«Mahalla»

Яқинда ижтимоий тармоқларда келин-куёв тўйхонага олпоқ от миниб кириб келиши тасвирланган видеолар тарқалди. Яна бир тўйда эса келин-куёв устидан беҳисоб сочилган пуллар поёндоз қилинган! Бу лавҳалар юртдошларимиз томонидан танқид ва маломатлар билан қарши олинди. Чунки тўй тўйхонага от миниб келган ёки «пулпоёндоз» тўшалган келин-куёвларнинг эмас, балки миллатнинг рамзи эди. Ахир, эрта-индин бу иллат оммалашиб кетмаслигига ким кафолат беради? Афсуски, иллатларни тез ўзлаштириб, тўй ва оилавий маросимларда ўзимизни кўз-кўзлашдан, бир-биридан беъмани одатларни кашф этишдан нарига ўта олмаяпмиз. Ёмони, шу йўсинда ўтган тўйларни танқид қиламизу навбат ўзимизга келганда ёшларнинг орзу ҳавасига дахл қилолмаслик важи билан ўзимизни оқлаймиз. Қарабсизки, иллат илдиз отиб бораверади. Аммо қачонгача?!



Тўйлар

ДАБДАБАСИДАН ҚУТУЛА ОЛАМИЗМИ?

СЕНАТ ҚОШИДА ТУЗИЛГАН МАХСУС КОМИССИЯМИЗНИНГ ЎРГАНИШЛАРИ ТАХЛИЛИЙ НАТИЖАСИ ЯХШИ ҒАП, МУРОСА БИЛАН ТЎЙЛАРНИ ТАРТИБГА КЕЛТИРИБ БЎЛМАСЛИГИНИ, ЖИДДИЙ ЧОРА КЎРИШ ФУРСАТИ ЕТГАНINI КЎРСАТЯПТИ

Қонуний тартибга эҳтиёж бор

Дилшод МАХБУБОВ,

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши раисининг ташкилий ишлар ва услубий масалалар бўйича ўринбосари:

— Тўй ва оилавий маросимлар ҳақида кўп ва ҳўп гапирдик. Халқимизга баёнот, мурожаатлар билан чиқдик. Маҳаллаларда юриб тарғиботлар қилинди. Лекин вазирлик, давлат ва жамоатчилик ташкилотлари аниқ бир максадни белгилаб, ҳамкорликни тўғри йўлга қўя олмади. Тарғиботларимиз хўжакўрсинга ўхшаб қолди. Мавзу кўтарилганда бир овоздан маъқуллаб, иллатга қарши курашаётгандай бўламизу озгина фурсат ўтиб эсдан чиқарамиз. Бошлаган ишни охирига етказмаслигимиз муаммони ҳал этишга тўқсинлик қиялпти. Чунки биз ундай қилиш керак, бундай қилиш керак, деб бошқаларга насиҳат қилсак-да, фарзанди-

дан кейинги муаммолар илдизи никоҳнинг моддият билан боғлиқлигида.

Шу ўринда яна бир оғрикли нукта ҳақида айтиш керак. ФХДга ариза билан мурожаат қилган ёшлар ҳақида кўпгина маҳалла фаоллари беҳабар қолади. Ёш оилада муаммо бошлангач маҳаллани эслаймиз. Уларни яраштириш, оилани сақлаб қолишни ФХДнинг эмас, фақат маҳалланинг зиммасига юклаймиз. Назаримда, ФХДга ариза билан мурожаат қилган икки ёш ҳақида, уларнинг оиласи, психологик аҳволи ҳақида маҳалладан маълумот сўраши, бу шунчаки сўров эмас, жараёни ҳал этадиган кучга эга бўлиши керак. Демокриманки, маҳалла билан ФХДнинг қонуний ҳамкорлигини мустаҳкамлаш керак. Худди шунингдек, тўй ва оилавий маросимларни ўтказиш ҳақида ҳам қонуний ечим топишимиз лозим. Негаки, фақат тарғибот билан кифояланиш ўзини оқламайпти. Ваҳоланки, бундан

Тўй сабаб

қадриятларимизга ҳам, санъатимизга ҳам дарз кетаяпти

Иқболжон МИРЗОАЛИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг

Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси:

— Сенат томонидан тўйларни тартибга солиш бўйича махсус комиссия тузилганидан хабарингиз бор. Шу вақтгача комиссия аъзолари билан хизмат сафарларида юриб халқимизнинг хоҳиш-истакларини ўргандик. Қизиғи, юртдошларимиз таклифларимизни бир овоздан маъқуллади. Лекин амалиётда бошқача манзарага дуч келяпмиз.

Ҳар йили грипп деган касаллик тарқалади. Унга бу йил бир дори ўйлаб топсангиз, келгуси йили хасталиқнинг бошқа тури пайдо бўлади. Тўйларимиз ҳам худди шундай касалликка айланаб қолди. Биз бир иллатга даво топсак, бу томондан «ижодкор»ларимиз янги-янги гуялар билан чиқиб келяпти. Аслида тўйнинг моҳияти — ҳалол, қонуний оилага қадам қўйганини халққа маълум қилиш. Лекин халқимиз орзу-ҳаваси деб маънавиятимизга, қадриятларимизга зид қарашларнинг ортидан эргашиб кетаяпти. Тарқалган лавҳаларда жазавага тушиб ўйнаётган аёлларни кўряпмиз. Лекин уларнинг атрофидаги ўғил-қизларимиз-чи?! Улар нимага ҳавас қиялпти? Улар қанча пул сочса, дабдаба қилса, тез танилар экан, деган тушунча билан улғаймайдими?

Тўй дегани илгари дийдорга тўйинч, деган тушунчани берган. Энди бу жондан тўйинч деган нарсага айланаяпти. Ўрганишларимиз шуни кўрсатяптики, айнан мана шу дабдабали тўй қилган оилалар кўпроқ муаммога дуч келмоқда. Дабдабали тўй билан никоҳдан ўтган оилаларда кўпроқ ажримлар кузатиляпти. Яна бир оғрикли нукта бор: тўйларимиз санъатимизга ҳам салбий таъсир кўрсатяпти. Тўйга борган

санъаткорларимиз асл санъатимизни унутиб қўйишмоқда.

Маҳаллага, кўни-кўшилларнинг бир-бирига бўлган муносабатига ишониб шунча тарғиботлар қилинди. Лекин ўзини хурмат қилмаган одам маҳалла фаолларининг ҳам, кўни-кўшилларнинг ҳам гапига кулоқ тутмас экан. Сенат қошида тузилган махсус комиссиямизнинг ўрганишлари тахлилий натижаси яхши ғап, муроसा билан тўйларни тартибга келтириб бўлмаслигини, жиддий чора кўриш фурсати етганини кўрсатяпти.

ман, деб қарзга ботган бўлади. Қарздан қутулишга тиришиб, ўзини ўтга-чўкка уради. Энди қарздан халос бўлай деганда яна бир фарзандини уйлантириш ёки узатиш фурсати етади. Тан олиш керак, тўй-ҳашамлар билан боғлиқ ортиқча харажатлар неча-неча оилаларнинг иқтисодий ахволига салбий

Йўғ-э...

Бир йил давомида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган тўйларга 3 миллиард доллар сарфланади.

Пул-ку топилар, лекин бой берилган вақт ва соғлиқ-чи?!

Алишер ҲАМРОЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Қадимда никоҳ маросимига яқин қариндошлар, ёр-дўстлар, маҳалла аҳли чакирланган. Макссад тўй сабабчилари бўлган икки ёшнинг бир-бирига маҳрамлигини билдириш бўлган. Шу сабабли никоҳ маросиминда гувоҳлар бўлиши шарт ҳисобланади. Никоҳ ўқилиши, Қуръон тиловати эса бу риштаннинг муқаддаслигидан, ахлоқ доирасида тузилаётганидан далолатдир.

Афсуски, бугун тўйларни дабдабага айлантириб юборяпмиз. Никоҳ тўйлари қазо-қазо хонанда ва раққосалар, икки-учталаб тасвирга олувчи ҳамда европача «чиройли» удумлар билан шу қадар безатилляптики, бу тантана тўй эгаси ва унинг оиласининг «стақдимиотига» айлана қоялпти. Бунинг ортидан оилавий можаролар, низо-жанжаллар, ажралишлар, қудалар ўртасида совуқчилик кўпайиб борапти. Оддий мисол: ён-атрофимизда соппа-соғ юрган айрим одамлар хали қаришга улгурмай, қон босимининг кескин ошиб кетиши, юрак хуружи ёки бошқа шунга ўхшаш касалликни орттиришган. Уларнинг касаллик тарихини ўргансангиз, қатта тўй қила-

таъсир кўрсатяпти. Пул-ку, топилар, лекин бой берилган вақт, асаб, соғлиқни на сотиб, на топиб бўлади.

Тўй фақат бир оиланинг ширин ташвиши эмас, у жамиятда шаклланган муносабатлар маҳсули — ижтимоий ҳодисадир. Тўйни қачон ва қандай ўтказиш ҳар кимнинг ўз иши деган қараш нотўғри, деб ўйлайман. Шу жиҳатдан тўй ва оилавий маросимларни тартибга соладиган меъёрий ҳужжатга эҳтиёж бор.

Хулоса ўрнида

Ўтган 2018 йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн бешинчи ялпи мажлисида сенаторлар оилавий тадбирларни миллий қадриятларимиз асосида, камҳарж, дабдабалардан холи ўтказишни кенг жамоатчилигимиз ва ҳар бир инсон онгли равишда англаб етмоғи лозим, деган қарорга келган эди. Шу билан Сенатнинг «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси тасдиқланмади. Бугун бу мавзу халқ муҳокамасига сабаб бўлаётган экан демак, муаммога қонуний ечим топиш фурсати етган.

Боборовшан ҒОЗИДИНОВ
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 129-моддасига асосан, ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи ёки авария ҳолатини келтириб чиқарадиган гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишда қатнашиши базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Ҳозирги кунда бу миқдор 669.000 сўмни ташкил қилади.

мизнинг тўйида фалон сўмлик дастурхон тузаб, қўша-қўша машинаю хонандаларни хизматга айтяпмиз.


Илгари йигитлар қизнинг ота-онаси, насл-насаби, хулқи ҳақида сўрарди. Бугун эса ота-онасининг мансаби аҳамиятди. Сўнг мол-мулки ҳақида сўраб-суриштиришади. Чунки йигитлар турмуш ўртоғим қандай инсон бўлади эмас, балки уйга нималар олиб келади, деган савол билан банд. Аслида тўй-

юз йил аввал Абдурауф Фитрат тўйлар миллат тараққиётининг тушови эканини тушунтирган, Абдулла Авлоний эса «Ўзбек халқини тўй балосидан қутқаринг!» дея бонг урган эди.

Дарҳақиқат, ота-боболаримиз доим исрофгарчиликдан, манманликдан қайтаришган. Афсуски, бу ўғитларга тўла амал қилмаяпмиз. Бу қонуний тартибга эҳтиёж борлигини билдиради.

Тест имтихонларидан муваффақиятли ўтиб, минглаб ёшлар орасидан талаба бўлиш бахтига эришган ўғил-қизлар бугун олдиларига қўйган улкан мақсадлар билан илк ўқув йилини бошлаб олди. Эндиликда, уларни белгиланган контрактни ўз вақтида тўлаш масаласи ўйлантираётгани, шубҳасиз. Аммо ортиқча ташвишга ўрин йўқ. Чунки энди юртимизда талабаларга яратилган стипендияли ва стипендиясиз тўлов-контрактни тўлаш имконияти кўплаб ёшларга бу борада энгиллик туғдиради.

Ушбу қўшимча Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг олий таълим муассасалари учун 2019-2020 ўқув йилидаги контракт миқдорини белгиланган вақтида киритилди. Унга кўра, мазкур ўқув йилидан бошлаб бакалаврият, магистратура ва иккинчи мутахассислик бўйича кундузги таълим шаклида тўлов-контракт асосида тахсил олаётган талабалар контракт миқдорини стипендияли ёки стипендиясиз ҳолда тўлашлари мумкин.



Ўзгарган тўлов-контракт ҳамда 400 минг сўмга туширилган стипендиялар

Янги тартиб қандай? Талабаларнинг ОТМлардаги ўзгаришларга муносабати қандай?

Янги тартиб қандай?

Хўш, стипендияли ва стипендиясиз контракт тўлови деганда нима назарда тутилади? Гап шундаки, талаба эндиликда, ўқиш давомида стипендия олиш ҳисобига олий ўқув юрти томонидан белгиланган контракт суммасини тўлиқ тўлаши ёки унга берилган стипендиядан воз кечиш орқали уни контракт пулидан чегириб ташлаган ҳолда тўлаши мумкин бўлади. Яъни, стипендиясиз қиймат миқдорлари, ҳар ойлик талабага тўланиши белгиланаётган 400 000 сўм, бир йилда жами 4 800 000 сўмни чегириб ташлаш ҳисобига шакллантирилади. Масалан, бакалавриятнинг педагогика таълим йўналиши бўйича тўлов-контракт асосида тахсил оладиган талаба 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб стипендия билан — 10 792 960 сўм (мехнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан 17 баробар) тўласа, стипендиясиз — 5 992 960 сўм (10 792 960 сўм — 4 800 000 сўм) тўлайди. Эслатиб ўтамиз, мехнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори 2019 йил 1 августдан бошлаб 634 880 сўм этиб белгиланган.

— *Стипендияли ва стипендиясиз контракт тўлови жорий этилганини эшитиб, очиги хурсанд бўлдим. — дейди Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети журналистика факультетининг магистратура босқичида тўлов-контракт асосида ўқишга кирган Хайридинмурод Абулфайзов.* — *Ўзим давлат нашрларидан бирда ишлаганим бос, стипендия олишга у қадр эҳтиёжим йўқ. Шунинг учун стипендиясиз тўлов контрактни амалга оширмақчиман. Бу қалайлик менга ўқиш пулини тезроқ тўлаш имконини беради.*

Контракт тўловлари борасидаги саволларга батафсил жавоб бериш учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ахборот ва оммавий коммуникациялар анжумани

лар залида матбуот анжумани ўтказилди. Унда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўринбосари Сарвар Бузрукхонов 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб тўлов-контракт қиймати миқдори икки хил кўринишда — «стипендияли» ва «стипендиясиз» этиб белгиланган талабаларга тўловни амалга оширишда қулайлик яратиш билан бирга, аҳолининг кенг қатлами учун олий таълимнинг ҳаммабўлигини таъминлашни таъкидлади.

400 000 сўм нимага етади?

Талабаларга берилган бу имконият яхши, албатта. Аммо аҳолини стипендиясиз контрактдан чегириб ташланганидан пул миқдори нега айнан 400 минг сўм экани, бу сумма талабанинг бошқаларига кўра берилган олий таълимнинг келиб чиқиб белгиланадими ёки барча учун бир хил нарх жорий этиладими, деган ҳақли саволлар кизиктирмоқда.

Маълумки, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги контракт тўловини белгилаш жараёнида талабаларга стипендия тўлаш тартибини ҳам ўзгартирди. Унга кўра, давлат гранти асосида ўқувчи талабаларга стипендия аввалгидек табақаланган коэффициентларни қўллаган ҳолда талабаларнинг рейтингига боғлиқ равишда тайинланади. Аммо тўлов-контракт асосида тахсил олаётган талабалар энди табақаланган ҳолда эмас, барча учун белгиланган бир хил 400 минг сўм миқдордаги стипендияни олади.

Аввалги тартиб бўйича стипендия миқдори талаба семестр мобайнида ўқиган фанлари якунида олган баллари ёки баҳолари асосида белгиланади. Яъни, сессияни 5 баҳога якунлаган талаба 750 000 сўм, 4 баҳога «ёшган» талаба 550 000 сўм, 3 оладиган талаба эса 380 000 сўм олар эди. Янги тартиб бўйича барча талабаларнинг стипендиялари

деярли «кучлик»ка тенглаштириб қўйилди.

Мутасаддиларнинг таъкидлашича, юртимиз олий таълим муассасалари талабаларининг ўртача 62 фоизи «уч» баҳога ўқийди. Табиийки, амалдаги тартибга кўра, қоникарли баҳо учун 380 минг сўм атрофида стипендия тўланади. Олий таълим муассасалари жамоатчилик кенгаши берган хулосаларга асосланган ҳолда эндиликда давлат гранти ва тўлов-контрактда ўқийдиган барча талабаларга бир хил 400 минг сўм стипендия берилди. Лекин яхши ўқиган, илмий ва жамоатчилик ишларида фаол қатнашган талабаларга ОТМ ректорлари томонидан стипендиянинг 50 фоизигача (200 минг сўмгача) миқдорда қўшимча рағбатлантириш тартиби жорий қилинади. Бундай қўшимча стипендияни кимга беришни ректорлар хал қилади.

— *Талаба 400 000 сўмни ойлик эҳтиёжларига етказиши қийин, — дейди Тошкент молия институти 2-босқич талабаси Аббос Холбердиев.* — *Чунки йўл пули ва тушиқдан ташқари, талабанинг кутубхонага бориши, қўшимча маълумотлар олиш учун интернетдан фойдаланиши ҳамда ўқиш жараёнида тайёрланадиган реферат ва бошқа материаллари учун, шубҳасиз, маблағ зарур. Ҳозиргача «бешлик» — 750 000 сўм стипендия олардир. Энди бу пулнинг 400 000 сўмга тушиши эҳтиёжларининг қисқаришига олиб келиши мумкин.*

Ақсарият ёшлар янги тартиб факат контракт-тўлов асосида ўқийдиган талабаларга жорий этилгани, давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинган ўғил-қизлар эса стипендияни аввалгидек олишдан норози. Аммо вазирлик мутасаддилари давлат грантида ўқийдиган талабалар агар семестр якунида 30 фолдан ортқ фанлардан 3 баҳо олса, келгуси семестрда стипендия олиш ҳуқуқидан

махрум бўлишини маълум қилди. Президент стипендияси ва номдор стипендияларни олган талабалар учун эса стипендия миқдори сақлаб қолинади.

Ўқишга бўлган қизиқиш сўнадими?

400 000 сўм стипендия талабанинг ойлик харажатларини қоплашга етиш-етмаслиги масаланинг бир томони. Асосий муаммо, факат баҳо учун ўқийдиган ёшларнинг ўқиш коэффициентини пасайиб кетиши мумкинлигида. Шу кунгача ақсарият талабалар кўп миқдорда стипендия олиш учун «жон куйдириб» ўқигани ҳеч биримизга сир эмас. Энди-чи, ўқишнинг ҳеч кимга аҳамияти бўлмай қолади?

— *Аслида, талабалар стипендияси миқдорининг баҳолашга боғлиқ бўлмаган тарзда тенглаштирилиши ўқишдаги соғлом рақобатни шакллантиради, — дейди ЎзЖОКУ ўқиувчиси, мустақил изланувчи Санобар Жуманова.* — *Бу*

жараёнда аввалгидек, юқори стипендия олиш учун баҳоларни сунъий тарзда ошириши ва баҳолаш жараёнидаги ноҳилликларга йўл қўйилмайти. Энди талаба баҳо учун эмас, билим олиш учун ўқийди.

Бугун ёшлар орасида «5 олдим нимаю, 3 олдим нима, барибир 400 минг сўм стипендия берилар экан», дея ўз дангасалиги, ўқишга бўлган лоқайдлиги пул билан боғлаётганлар ҳам йўқ эмас. Ваҳоланки, олий ўқув юртини қизил дипломга тамомлаётганларнинг ҳаммасини ҳам малакали кадрлар деб бўлмайди. Қўшпирнок ичидаги аълочи талабаларнинг айримлари амалиётда кўпича нўнок мутахассис эканини билдириб қўяди. Фанларни ўртача баҳога «ёпса-да», дарс машғулотларидан ташқари вақтда ҳам мустақил ўқиб-изланадиган, баҳо учун эмас, билим учун ўқийдиган ёшлар эса келажакда ўз соҳасининг етук мутахассисларига айланади.

Ирода ТОШМАТОВА,
журналист.

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Қайси давлат талабалари бойроқ яшайди?

Франция: ушбу мамлакатдаги олий таълим муассасаларининг катта қисми давлатга тегишли ҳисобланиб, уларда таълим олиш бепул ёки рағбат тўлов эвазига амалга оширилади. Аммо бу ерда барча талабалар учун умумий стипендия белгиланмаган. Шунга қарамай, ҳукумат ижтимоий стипендияларни жорий қилган. Талабалар ота-онасининг даромадидан келиб чиқиб, йилига беш ярим минг еврогача стипендия олишлари мумкин. Шунингдек, ўқишда алоҳида нағижаларга эришган талаба қўшимча маблағлар билан ҳам таъминланади. Ҳукумат ҳар йили 562 минг нафар стипендия олувчи талабага жами 2 миллиард евро тўлаб беради.

Германия: немисларнинг талабаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурлари ҳам Францияникига ўхшаш. Стипендиянинг энг юқори миқдори ойига 670 еврони ташкил қилади. Аммо талаба ўқишни тамомлаганидан сўнг 20 йил ичида бу маблағларнинг ярмини қайтариши керак.

Дания: мазкур мамлакат талабалари дунёда энг бой яшайдиган ёшлардан. Стипендиялар учун Дания йилига 1,4 миллиард евро миқдорда пул сарфлайди. Мамлакатда ҳар бир талаба 70 ой мобайнида (агар мазкур даврда узлуксиз ўқишни давом эттирса) давлатдан стипендия олиш ҳуқуқига эга. Агар талаба ота-онаси билан яшаса, у 380 евро, алоҳида истиқомат қилса 770 евро стипендия олади.

Кўчада яшаб университетда ўқиб бўлмайд

Биз ўқиб юрган пайтларда талабалар тураржойига жойлашиш учун бир неча ҳужжат талаб этиларди. Навбат кутиб ўн, ўн беш кунни сарсон-саргардонликда ўтказиб юборардик. Шундан кейин ҳам кимдир жой олиб қоларди, кимдир эса ижара уйларининг эшигини қоқишга мажбур бўларди. Хўш, айна пайтда вазият қандай? Эҳтиёжманд талабалар тўлиқ жой билан таъминланаяптими? Бу тизимда қандай оғриқли нуқталар бор?

— *Ўттизинчи август кун*и Тошкентга келдим, — дейди И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ (Миллий тадқиқот университети) университетининг Тошкентдаги филиали биринчи курс талабаси Мансур Алимов. — *Ўттиз биринчи санада эса, талабалар тураржойига бориб жойлашдим. Мен билан телефонда бошланган таълим муассасаси ходими ўқиш бошланишидан олдин — 2 сентябрга қадар ётоқхонага жойлашмасам ўринлар тўлиб қолиши ҳақида огоҳлантирган эди. Ростки, университетга ўқишга қабул қилинганимни эшитганимда қувончдан бошим кўкка етди, аммо катта шаҳарда яқинларимдан узоқда бўлиш биров хавотирга солди. Ўқиш бошланишидан бир неча кун олдин талабалар тураржойидан жой олгач ҳамда бу ердаги шарт-шароитларни кўргач хавотирим йўқолди. Тиниқиб дам олиб, ортиқча ўй-хаёлларсиз 4 сентябрда ўқишга бордим.*

Ушбу талабанинг сўзларини эшитиб, ростки ҳавасим келди. Бугун барчаси ўзгарганми, бошқа таълим муассасаларида вазият қандай? Ана шу саволларга атрофлик жавоб топиш мақсадида ўқиш бошланганининг эртасига Талабалар шаҳарчаси томон йўл олдик.

— *Кеча келганингизда ҳаммасига ўзингиз гувоҳ бўлардингиз, — дейди Исло Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети дарвозаси ёнида турган қашқадарёлик Астанокўл Аллаёров.* — Талабалар шаҳарчаси мен каби оғир сумкаларни елкасига ортган ота-оналар, напка тутган ёшлар билан тўлиб-тошган. Барча ота-оналар ўғил-қизига талабалар тураржойидан жой олиб бериш учун навбатга туришганди.

Бироқ кеча деярли ҳеч ким талабалар тураржойига жойлаштирилмади. Боламини ётоқхонага жойлаштирмаю уйга қайтаман, деб келган ота-оналар фарзандлари билан шаҳарчадаги курсларда тунни ўтказишди. Бир-икки кун ичида жой олишга кўзи етмаганлар эса, ижарага квартира, баъзилари меҳмонхоналардан жой олишга мажбур бўлди. Мен эса, икки кундан буён битта аризага қўл кўйдиролмай ҳалакман.

Қашқадарёлик акамизнинг сўзларини тинглаб, нега Губкин филиали каби бошқа университетларда ҳам ўқиш бошланишидан олдин жой муаммосини ҳал қилиш мумкин эмас, деган савол туғилди. Айтишингиз мумкин, у ерда талабалар сони аттиги 200-300 тани ташкил этади, айрим таълим муассасаларида эса, 10 мингдан ортиқ ёшлар таҳсил олади. Лекин нега кам сонли талабаси бор университет ўқиш бошланишидан бир неча кун олдин талабаларни жой билан таъминлашга қирришди. Аммо бошқа таълим даргоҳлари тўртинчи сентябрда ҳам ётоқхонага одам қабул қилишни бошламади.

— *Талабаларни жойлаштиришни кеча бошлаганимиз, — дейди Исло Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетига қарашли 57-талабалар тураржойи раҳбари Райҳон Набиева.* — *Кўриб турганингиздек барча ҳужжатларини тайёрлаб келган талабалар муаммосиз жой олишмоқда. Сўралган ҳужжатларини олиб келишга қанча вақт сарфлаётганини билмайман, аммо хона олишлари учун ярим ёки бир соат вақт етарли.*

Шу ўринда савол туғилади, аслида талабалар тураржойига жойлашиш тартиби қандай? Ётоқхонага жойлашиш учун қандай ҳужжатлар талаб этилади?

Ўқиб бўлмайд

Ёхуд олий таълим тизимининг оғриқли нуқтаси



Аниқ Низом ёки йўриқномага эҳтиёж бор

Ёхуд талабалар тураржойига жойлашиш учун тиббий маълумотнома нега керак?

Маълумотларга қараганда, талабаларни тураржой билан таъминлаш бўйича аниқ бир низом ёки Вазирлар Маҳкамаси қарори эълон қилинмаган. Бугунги кунда бу тизимда коррупциянинг кучайиши, турли муаммоларнинг юзга келаётганини инобатга олсак, айнан шундай ҳужжатга эҳтиёж бор. Хўш, айна пайтда қандай асосга кўра талабалар сараланиб, ётоқхонага қабул қилинмоқда.

— *Талабаларни жой билан таъминлаш ректор буйруғи ва махсус кенгаш қарори билан амалга оширилади, — дейди Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университетининг Ёшлар билан ишлаш бўйича проректори Наҳмиддин Қодиров.* — *Талабалар тураржойидан хона олиш учун факультет декан ўринбосари имзоси билан ариза, олти дона сурат, паспорт нухаси, ҳарбий гувоҳнома нухаси, университет талабаларига қарайдиган оилавий поликлиникадан соғлиги тўғрисидаги маълумотнома, талабанинг оилавий шароитини тасдиқловчи ҳужжат (ногиронлик ҳақида, ўлим ҳақида, кам таъминланганлиги ҳақида) ҳамда ижара тўлови чеки талаб этилади. Тавқидлаш керак, айна пайтда кўпгина таълим муассасалари каби бизнинг университет ҳам тураржойга эҳтиёжи бор барча талабаларни тўлиқ жой билан таъминлай олмайди. Шу боис ҳам, аввало, чин етим ва биринчи, иккинчи гуруҳ ногиронлари бепул жой билан таъминланмоқда. Кейин эса, кам таъминланган, тўлиқсиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари ҳамда биринчи курс талабаларини жой билан таъминлашга ҳаракат*

қилинмиз.

Проректор санаган ҳужжатлар эътиборимизни тортиди. Хусусан, улар орасида ортиқча овозагарчиликка йўл қўядиган қарори эълон қилинмаган. Қарайдиган оилавий поликлиникадан соғлиги тўғрисидаги маълумотнома, ҳарбий гувоҳнома нухаси нима учун сўрालиши тўғрисидаги саволимиз очик қолди.

Ҳужжатларни тўлиқ тайёрлаш учун икки-уч кун вақт талаб этилар экан. Бунга декан ўринбосари эшиги олдидаги узундан-узун навбат, поликлиника ва тўлов кассалари гавжум эканини кўргач амин бўлдик. Бизнингча, ким талабалар тураржойидан жой олиши мумкин ёки мумкин эмаслиги тўғрисида аниқ бир тартиб йўқ, ортиқча ҳужжатбозлик авж олган экан бу тизимда ҳолисликни сақлаб бўлмайд. Йўқса, ўқитувчиларнинг талабалардан пора олишга уриниши, биринчи бўлиб амакиси ёки тоғасининг ўғлини талабалар тураржойига қўймоқчи бўлаётгани хақидаги миш-мишлар урчимасди.

12 минг талабага 2 мингга яқин ўрин етарлими?

Кейинги йилларда олий маълумотли кадрлар сонини ошириш мақсадида олий ўқув юртига қабул квоталари сезиларли даражада оширилди. Турли имтиёз ва имкониятлар орқали баъзи тоифадаги ёшларга алоҳида квоталар жорий этилди. Қўшимча контракт, кечки ва сиртки таълимнинг очилиши ҳам олий таълим муассасаларидаги талабалар сонининг ортишига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, олдиндан муаммо бўлиб келган талабаларни жой билан таъминлаш ишлари янада оғирлаштирди. Босиш борда янгиликларга, деярли катта

ишга қўл урилмади.

— *Университетимизда 12 мингга яқин талаба таҳсил олади, — дейди Исло Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети*нинг Ёшлар билан ишлаш бўйича проректори Мурод Атамбаев. — *Хусусан, жорий йил қабул квотаси ўттиз фойзага оширилди, яъни 2300 дан 3 000 нафарга етказилди. Ушбу талабалар тураржойидан жой олишга квотасидан ҳам оз, 2408 тани ташкил этади. Бу йил 72-талабалар тураржойининг «а» блоги капитал таъмирланаётгани, шунингдек, университет қошидаги академик лицей ўқувчилари, малака оширишга келганларни ҳам жой билан таъминлашимизни ҳисобга олсак, бу сон янада қисқаради. Кўриб турибсизки, тураржойлар талабаларнинг 20 фойзига ҳам етмайди. Биз эса, қўлдан келганича талабалар тураржойига энг эҳтиёжманд ва иқтидорли талабаларни жойлаштиришга ҳаракат қилинмиз. Аммо барча четдан келган талабалар ётоқхонадан жой олишни истамади. Бу эса, норозиликнинг ошишига сабаб бўлмоқда.*

Маълумотларга қараганда бошқа университетларда ҳам вазият оғир. Хусусан, Ўзбекистон жаҳон тиллари университетининг тўртта талабалар тураржойи биноси мавжуд. Уларнинг бири таъмирланаётгани учун жорий йил талабалар қабул қилинмаяпти. Учтасининг сифими эса, минг нафарга ҳам етмайди. Ваҳоланки, университетда ўн мингга яқин талаба таҳсил олади.

Агар талабалар тураржойига жойлаштиришининг аниқ бир тартиби, низомни ишлаб чиқилмас, талаб ва эҳтиёж тўлиқ қондирилмас экан муаммолар катталашиб бораверади.

Санжар ЭШМУРОДОВ
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

Бугунги кунда Ўзбекистонда 189 та ётоқхона бинолари мавжуд. Бу 50 мингга жой демакдир. Ётоқхонага бўлган эҳтиёж эса айна дамда 80 мингтани ташкил этади. Демак, рақамларга кўра 30 мингга яқин талабада ётоқхона учун талаб бор.

Маъжур эҳтиёжни қоплаш учун 3.5 триллион сўм микдорда пул талаб этилади.

Айна пайтда талабалар учун фақатгина 7 та ётоқхона қурилиш жараёнида. Шунингдек, олий таълим муассасаларини Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида бугунги кунга қадар фаолияти тугатилаётган касб-хунара коллежлари ва лицейларнинг 77 251 ўринли ўқув бинолари, 3 минг ўринли талабалар тураржойлари қўшимча қувват сифатида олий таълим муассасаларига ўтказиб берилди, аммо бу амаллар эҳтиёжи бор талабаларни тўлиқ жой билан таъминлаш имконини бермади.

Контакт суммаларини ойма-ой бўлиб тўлаш имконияти берилади.

Мамлакатимизда иқтисодийни ривожлантириш, ижтимоий муаммоларни бартараф этиш ва халқимизнинг фаровон турмуш кечиришини таъминлаш мақсадида стратегик ривожланиш йўли ишлаб чиқилган. Аммо баъзи бир кимсалар халқ манфаати ва давлат тараққиёти учун хизмат қилувчи стратегик чора-тадбирларни кейинги ўринга қўйиб, ўз нафси йўлида хизмат ва мансаб мавқеидан фойдаланганча моддий наф кўриш учун ноқонуний ишларга қўл урмоқда. Бу эса мамлакатда коррупция жиноятининг ривожланишига олиб келиб, давлат ва жамият тараққиётига тўқсизлик қилмоқда.

Коррупцияга қарши кураш натижалари қандай?

Хукукий пойдевор яратилди

Энг аввало, тарихий давлатчилигимизни мустаҳкамлаш ҳамда уни барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳамда Президентимизнинг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қондаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш қонунчилиги ва суд-хукук тизимидаги қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатида Коррупцияга қарши курашиш ва суд-хукук масалалари кўмитаси ташкил этилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон коррупцияга қарши курашиш бўйича бир қатор халқро ҳужжатларга ҳам қўшилган. Хозирда мазкур ҳужжатлар юртимизда коррупцияга қарши курашишнинг хукукий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

7 ойда 480 та жиноят

Бугун ушбу қонун ва қарорда белгиланган вазибалар ижросини таъминлаш мақсадида республикамизнинг барча коррупцияга қарши курашувчи органлари томонидан жиддий кураш олиб борилмоқда. Биргина Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Коррупция ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ҳамда ҳудудий тизимлари томонидан жорий йилнинг ўтган 7 ойи мобайнида коррупция ва иқтисодий соҳасида содир этилган, ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлардан 480 таси аниқланди. Мазкур жиноятларнинг 60 таси порахўрлик, 36 таси тов-

ламачилик, 185 таси фирибгарлик, 90 таси валюта қондасини бузиш, 5 таси қалбаки пул ясаш, 48 таси ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш ҳамда 56 таси бошқа турдаги жиноятлар билан боғлиқ.


Аниқланган жиноятлар кўрсаткичларини ўтган йилнинг мос даври билан таққослайдиган бўлсак, мазкур йўналишдаги жиноятлар 20,1 фоизга, яъни 121 тага камайганини кўришимиз мумкин. Қувонарлиси, жиноятлар натижасида етказилган моддий зарарнинг 22 млрд. сўмдан зиёди ундирилди.

Ўқитувчи нега жиноятга қўл урди

Ижтимоий соҳалардаги коррупция билан боғлиқ ҳолатлар энг глобал муаммолардан бири ҳисобланади. Биргина таълим соҳасини оладиган бўлсак, ушбу соҳада юз берадиган порахўрлик жинояти бутун миллат тақдирига салбий таъсир этиши мумкин. Негаки, ҳар бир давлат ўз келажagini ўсиб келаётган ёшлар сиймосида кўради. Агарки ана шундай умидли ёшлар коррупция эвазига ўқишга кирса ёки пора бериш орқали таълимни яқунласа келажақда қандай қилиб давлат тараққиёти ва халқ фаровонлиги учун хизмат қила олади?!

Афсуски, таълим тизимида ўз нафсининг қулига айланган ўқитувчилар ҳамон учрамоқда. Шулардан бири Жиззах политехника институти ер усти транспорт тизимлари кафедраси ўқитувчиси Ж.А.дир. У танишлари ёрдамида Б.И. исмли қизни ўқишга киритиб қўйиш мақсадида Б.И.дан Жиззах шаҳри И.Каримов кўчасида 3.000 АҚШ долларини олган вақтида ички ишлар органлари ходимлари томонидан қўлга олинди.

Яна бир шундай ҳолат Фарғона политехника институти ўқув-услубий бошқармаси бошлиғи М.А.нинг хизмат хонасида юз берди. М.А. фуқаро Н.К.дан ушбу институтдаги қурилиш факультетининг 1-босқичида таълим олаётган келини К.К.нинг ўқишини



ДАРВОҚЕ...

2018 йилда 1 минг 177 нафар мансабдор шахс коррупция жиноятини содир этгани учун жиноий жавобгарликка тортилди.

иқтисод факультетига кўчириб бериш учун 1500 АҚШ доллари олган вақтида далилий ашёлар билан ушланди. Ҳар икки ҳолат юзасидан ҳам жиноят иши кўзғатилган.

Ҳокимлик вакили пора олса...

Кейинги пайтларда маҳаллий ҳоким ва ҳокимлик вакилларининг ўз ваколатини сунистеъмол қилиб, коррупцияга қўл ураётган ҳолатлар ҳам фош этилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 19 февраль кун Ташкент тумани ҳокимиятининг қурилиш бўлими ходими Н.А. ўзининг хизмат хонасида У.У.дан тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун ер-жой ва кадастр лойиҳасини тайёрлаб бериш ҳамда текширув вақтида ёрдам бериш эвазига 3000 АҚШ доллари миқдоридида пулларни олган вақтида ушланган.


Шунингдек, 3 май кун Хоразм вилояти Урганч шаҳар ҳокимияти вакили У.Б. Урганч шаҳри Хива кўчасида Д.Қ.дан 3 миллион сўм миқдоридида пулларни олган вақтида қўлга тушган. У Урганч шаҳрининг Галаба ва Термиз кўчалари оралигидаги сув қувурини

жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш бўйича 3 та талабгор хусусий корхоналари ўртасидаги тақлифлардан Д.Қ.га тегишли тақлифини маъқул деб топиб, тақлифлар кўрсатилган рақобат varaғини имзолашни ваъда қилган. Ҳар иккала ҳолат бўйича жиноят иши кўзғатилган.

Инсон нафсининг қулига айланган, ўзига берилаётган бор ризқдан ҳам маҳрум бўлиши тайин. Шунинг учун бирамиз ҳалол меҳнат ва қонунга итоаткорлик билан меҳнат қилсак, келажақдаги барча мақсадларимизга эришамиз. Бунинг учун бир озгина сабр қилиш ва нафсини жиловлай олишгина кифоя.

Дониёрбек САЙДАХМЕТОВ,
Ички ишлар вазирлиги
ЖКББ Коррупция ва иқтисодий
жиноятларга қарши курашиш
бошқармаси ходими.

Коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг ҳудудлар кесимида (жорий йилнинг 7 ойи мобайнида)



МАЗЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

► Қонунчилигимизда пора олганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Ушбу жиноят оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилганда 10 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади.

► Пора олиш-беришда воситачилик қилганлик учун эса энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача миқдорда жаримадан 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилишгача жазо белгиланган.



АСЛИДА...

«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунда коррупцияга қуйидагича таъриф берилган: Коррупция — шахсининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш.

«Нукус» эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида Президент фармони қабул қилинди.

Вазифани тўлиқ бажардик, деб айта олмаймиз...

АГАРКИ ЧЕККА ТУМАНЛАРДАГИ АҲОЛИНИНГ УЗОҒИНИ ЯҚИН ҚИЛМАСАК

Хар бир соҳада юқори сифатли хизмат кўрсатишни йўлга қўймасдан туриб ривожланиш ҳақида гапириш мумкин эмас. Шу маънода Транспорт вазирлиги босқичма-босқич равишда соҳадаги хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаб боришни мақсад қилган. Вазирлик ташкил этилганидан буён бу борада талай ишларга қўл урилди. Биргина йўловчи ташиш хизматини яхшилаш учун қисқа муддатда катта лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди.

65 км. йўл учун 10 минг сўм

Сир эмас, йўловчи ташиш хизматининг яхши йўлга қўйилмагани сабаб хорижга бориб-қелаётган юртдошларимиз билан боғлиқ айрим кўнгилсизликлар содир бўлди. Бу соҳани тубдан янгилаш, талаб ва тақлифларни ўрганиб хизмат кўрсатишни мунтазам ривожлантириб бориш эҳтиёжи борлиги ҳам ойдinлашди. Ана шу эҳтиёж самараси ўларок Президентимизнинг 2018 йил 5 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ташқарисига транспортда чиқиш вақтида хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2018 йил 6 мартдаги «Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинди. Мазкур қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш мақсадида Транспорт вазирлиги томонидан «Uzavtotrans Service» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Жамият ташкил этилганидан хозирга қадар Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган 168 та замонавий «YUTONG» русумли автобуслар сотиб олинди. Натижада 18 та маҳаллий ва 4 та халқаро қатнов йўлга қўйилди. Бу вилоятлардан пойтахтимизга келиб-кетадиган юртдошларимизга қулайлик яратди. Биринчидан, автобус нархи поезд чиптасидан ҳам, йўналишсиз такси хизматидан ҳам арзон. Замонавий автобуслар эса сифатли хизмат кўрсатиш имкониятини беради. Уларнинг юришдаги юмшоқлиги, бортидаги — телефонни қувватлаш, телеви-

зор, иссиқ-совуқ ҳаво ҳайдаш тизими ва хожатхона каби қўшимча имкониятлар юртдошларимизга манзур бўлди ва бу йўловчилар томонидан ҳақли равишда эътироф этилмоқда. Рақамларга қарайдиган бўлсак, бугунги кунга қадар қорхона томонидан жами 84 мингдан ортиқ йўловчи манзилига етказилди.

Шунинг ўзи билан чекланиб қолмасдан, халқимизга янада қулайлик яратиш мақсадида нафақат вилоят марказлари, балки йўловчи оқими катта бўлган туманларга ҳам мунтазам автобус қатновлари ташкил этиляпти. Жумладан, жорий йилнинг 6 сентябрдан Фарғона водийсида шаҳарлараро мунтазам автобус қатновлари йўлга қўйилди. «Uzavtotrans service» қорхонаси «Фарғона — Андижон», «Фарғона — Наманган», «Фарғона — Олтиариқ» (Тинчлик шаҳри орқали) «Қўқон — Бешариқ» йўналишлари учун 14 та «YUTONG» русумли автобусларни олиб келди. Мунтазам қатнайдиغان автобусларда йўлқира нархининг арзонлиги барчага манзур бўлди.

Жумладан, Фарғона вилоятдан Андижонга қатнайдиغان автобус 65 км. йўл юради. Чипта нархи атиги 10 минг сўм. Намангандан Фарғона вилоятига бораётган йўловчилар эса 12 минг сўм эвазига манзилига етиб олиши мумкин бўлди. Бундай имконият, албатта, юртдошларимиз қувончига сабаб бўляпти.

Сўнгги йилларда хорижга сафар қиладиган юртдошларимиз билан бир қаторда, юртимизга қелаётган сайёҳлар ҳам ортиб бормоқда. Бу халқаро йўналишда ҳам қатновларни йўлга қўйиш кераклигини кўрсатяпти. Шу сабаб «Uzavtotrans service» қорхонаси томонидан халқаро қатновлар ҳам йўлга қў-



йилди. Шу билан бирга йўналишларни янаям кенгайтириш борасида амалий ишлар давом этиляпти.

Олис туманларда аҳвол қандай?

Тан олиш керак, бугун айрим олис туманларда автобусда йўловчи тапиш қоникарли даражада эмас. Муаммонинг масофага нисбатан доимий қатнайдиغان йўловчиларнинг камлиги каби бизга боғлиқ бўлмаган жиҳатлари ҳам бор. Аммо барибир мамлакатимизнинг чекка туманларида истикомат қилаётган юртдошларимизнинг олисини яқин қилмасдан вазирамизни тўла бажардик деб айтолмаймиз. Шу сабабли юртдошларимизга арзон, сифатли ва қулай автотранспорт хизматини кўрсатиш, мамлакатимиз вилоят ва туманларини жамоат транспорти хизмати билан қамраб олиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

2018 йилнинг 28 август куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Авто-мобиль транспорт агентлиги раҳбарлари билан бўлган мулоқотда қатор вазибаларни белгилаб берган эди. Ушбу кўрсатмалар ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда аҳолига автотранспорт хизматларини кўрсатувчи жами 13 та унитар қорхона ташкил этилди. Шу кунгача ушбу қорхоналар томонидан 290 та «ISUZU» автобуслари сотиб олинди. Ушбу автобуслар вилоят ва туман ҳокимликлари томонидан берилган тақлифлардан келиб чиққан ҳолда чекка кишлоқларни туман марказлари билан боғловчи янги йўналишларга қўйилмоқда. Зеро, мақсадимиз сифатли, арзон ва хавфсиз хизмат кўрсатишдир.

Катта улуш тadbиркорлар хиссасига тўғри келади

Юртимизда тadbиркорларга яратилган шароитлар ва имкониятлар самараси ўларок, барча тармоқларда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорларнинг улуши ортиб бормоқда. Соғлом рақобат муҳити яратилган жойда тadbиркорлар ўз устида кўпроқ ишлайди, янгиликка интилиб, замон билан ҳамнафас яшайди. Бу, ўз навбатида, улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ошишига, янги ишчи ўринларининг яратилишига ва халқ фаровонлигига хизмат қилади. Бугун мамлакатимизда автомобиль транспортда юк ва йўловчи ташиш соҳасидаги хизматларнинг деярли юз фоизи хусусий тadbиркорлар

ДАРВОҚЕ...

Президентимизнинг 2018 йил 6 мартдаги «Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан 2018-2021 йилларда 437 та янги йўловчи йўналишларини ташкил этиш ҳамда 84 та автовокзал ва автостанцияни қуриш ва реконструкция қилишнинг прагноз кўрсаткичлари тасдиқланган. Шундан жорий йилда республика бўйича 25 автостанция ва автовокзаллар таъмирлаш ва янгилашни қуриш режалаштирилган.

томонидан амалга оширилмоқда. Демак, мазкур соҳада фаолият юритаётган тadbиркорлар хизматлар сифатини ошириш, янги сервис хизматлари турларини жорий этиш мақсадида доимий изланишда эканини кўрсатади. Бу балид-парвоз гаплар эмас. Тadbиркорларимиз катта лойиҳаларни амалга оширишга қўл уряпти. Мисол учун, Бухоро вилоятида ташкил этилган «Алихан транс сервис» масъулияти чекланган жамияти қорхонаси мамлакатимиз Мустақиллигининг 28 йиллик тантаналари арафасида Хитой Халқ Республикасидан «Asia star» русумли 65 та автобус олиб келди. Энг сўнгги русумдаги замонавий автобуслар аини дамда Бухоро шаҳри аҳолиси ва хорижлик меҳмонларга хизмат кўрсатишни бошлади.

Хулоса ўрнида

Бугун баъзи юртдошларимиз йўловчи ташиш хизматида қоникмаётгани ёки бу борада камчиликлар борлигини ҳақли равишда таъкидлаётди. Вазирлигимиз фидойи юртдошларимиз кўмагига таяниб, уларнинг тақлифларини ўз вақтида ўрганиб, мавжуд муаммоларни ижобий ҳал этишни ўз олдига мақсад қилган. Қолаверса, юртимизда йўловчи ташиш хизматини йўлга қўймоқчи бўлган тadbиркорларга зарур имконият яратилган. Уларнинг фаолияти қонун билан мустаҳкамланган. Демак, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, яратилган имконият самараси ўларок йўловчи ташиш хизмати янаям ривожланиб боришига шубҳа йўқ.

Руслан РЎЗИМЕТОВ,
Транспорт вазирлигининг Авто-мобиль ва дарё транспортини ривожлантириш департаменти бошлиғи.

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Буюк Британияда автобус хизматларга ҳақ тўлаш ва қатнов жадваллари 1985 йилда қабул қилинган «Транспорт тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинган. Қонунда хизматнинг сифатини яхшилаш, соҳага тижорий ёндашувни рағбатлантиришга эътибор қаратилган. Натижада автобус хизматларининг қарийб 80 фоизи тadbиркорлар хиссасига тўғри келади. Бу эса соғлом рақобат муҳитини яратади. Операторлар йўловчиларга имкони борича кенг тармоқли хизматларни тақлиф этишга уринади. Бироқ шунга қарамастан британияликлар доим ҳам автобус хизматидан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Аиниқса, айрим чекка ҳудудларда кечқурун ёки дам олиш кунлари харажатларни қоплаб бўлмаслиги эвазига автобус қатнови тўхтайдди. Ана шундай мураккаб вазиятда маҳаллий ҳокимликлар ўз фуқароларига ёрдам қўлини чўзади. Улар автобусларга бўлган эҳтиёжни ўрганиб, маълум йўналишларни молиялаштиради. Шу йўл билан истеъмолчининг ҳам, тadbиркорнинг ҳам ҳақ-ҳуқуқига даҳл қилинмайди. Давлат томонидан молиялаштирилмаган хизматлар учун маҳаллий ҳокимликлар ким ошди савдоси орқали энг арзон ва сифатли хизмат кўрсатувчи операторни танлаб олади.

ЁШ КЕЛИН НЕГА ФАРЗАНДИНИ ИККИНЧИ ҚАВАТДАН УЛОҚТИРДИ?

ЁХУД РАЗИЛ ЖИНОЯТНИНГ АСЛ САБАБИ НИМАДА?

Бу ёруғ оламда ҳар бир инсон ўзидан зурриёд қолдириш орзу-умиди билан яшайди. Шунинг учун оила қуради, меҳнат қилади. Афсуски, ушбу эзгу ниятига етиша олмай, «тирноққа зор» ўтаётганлар ҳам бор. Яна, минг афсуски, Аллоҳ берган неъмат – фарзанд қадрига етмайдиганлар ҳам учраб туради. Лекин кун кеча Наманган тумани туғуруқхонасида юз берган аянчли воқеа оналик шаънига доғ туширган аёлга нисбатан барчада нафрат уйғотди, десак муболаға бўлмайди.

Тошбулоқда қонли тонг отди

Тошбулоқ шаҳарчасида одатдаги тонгни қаршилаб, ишга, ўқишга отланган киши борки, 9 сентябрь куни катта йўл ёқасида жойлашган туғуруқхона биноси олдида бир тўхтаб олди. Бойси, эрталабдан бу ерда ички ишлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимлари фаолият олиб боришгаётган, одамлар ўртасида «чакалокни юқоридан улоқтириб юборишибди» деган «миш-миш» таркаганди.

Кейинроқ интернет тармоқларида айнан шу воқеанинг дастлабки тафсилотлари очикланди. Маълум бўлишича, шу кун тонги соат тахминан 04:30 ларда Наманган тумани тиббиёт бирлашмасининг туғуруқ комплексига қарашли бинонинг орқа ҳовлисидан 2 нафар киз чакалок тиббий ёрдамга муҳтож ҳолда топилган. Ғўдаклар зудлик билан мазкур шифохонанинг жонлантириш бўлимига ётқизилган, бироқ шифокор-



лар томонидан кўрсатилган тиббий ёрдамга қарамастан, чакалоқлар вафот этган.

Прокуратура нима дейди?

Хўш, ҳали ҳаёт деб ағалмиш бебаҳо неъматдан баҳра олиб улгурмаган бу жажжилар билан боғлиқ қандай воқеа содир бўлди? Бу саволга Бош прокуратуранинг тезкор хабаридан жавоб топамиз. Маълумотга кўра, «9 сентябрь, соат тахминан 03:30 ларда фуқаро Д.Х. шу йил 2 сентябрда туккан фарзанди ётган палатага ки-

риб, унинг «оёқлари нотекистик (нуксонли) туғилганлигидан аччиқланган». Шундан сўнг, чакалоқдан қутулиш мақсадида у ўз чакалоғи билан биргаликда шу хонада ётган М.Т.нинг боласини ҳам олиб, уларни туғуруқ комплексининг 2-қавати дераза ойнасида пастта улоқтириб юборган. Оқибатда чакалоқлар оғир тан жароҳатлари олган ва жонлантириш бўлимида вафот этган.

Дастлабки ўрганишларга кўра, аёл аввалига ўз чакалогини деразадан улоқтириб юборгач, «келгусида содир этаётган қилмиши фош бўлиб

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Чакалоқларнинг харидори ким?

Бош прокуратура ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти органлари маълумотларига кўра 2018 йил мобайнида одам савдоси билан боғлиқ



ҳолатлар бўйича йигирмадан ортиқ жиноят фош этилган. Жиноятлар ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда Андижон, Жиззах, Хоразм, Тошкент вилоятларида биттадан, Навоий ва Фарғона вилоятларида 2 тадан, Қашқадарёда учта, Сурхондарё вилояти ва Тошкент шаҳрида 5 ҳолат кузатилади.

Одам савдоси турлари орасида чакалоқларни сотиш ҳолатлари кўпроқ кузатилаётганда. 2018 йилнинг 10 ойи мобайнида жами 15 мартаба ана шундай жиноятлар қайд этилган. Вояга етмаган ёш болалар савдоси бўйича тўртта, чет давлатга фоҳишалик учун сотиб юбориш бўйича битта, чет давлатга ноқонуний ишга, яъни қулликка сотиб юбориш бўйича битта жиноят фош этилган.

Ушбу жиноятлар аёллар томонидан 17 мартаба, эркеклар томонидан эса тўрт марта содир этилган.

қолишининг олдини олиш мақсадида» иккинчи чакалоқни ҳам шундай бешафқат тақдир дучор қилади. Фаринша каби бегуноҳ ғўдакларнинг жонига қасд қилиш учун инсон қанчалик тубан, жирканч бўлиши керак? Воқеадан хабар топанлар бу саволга жавоб тополмай ҳайрон.

бора ўрганиб чиқмоқдамиз.

Таъкидлаш жоизки, барчани жунбушга солган мазкур ҳолат юзасидан Наманган тумани прокуратураси томонидан фуқаро Д.Х.га, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмасига қарашли туғуруқ комплекси масъул шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Айни пайтда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Маҳаллада ҳаммаёқ тинч...(миди?)

— Бу мудҳиш фожиа сабабчиси бўлган аёл бизнинг маҳалладан эканлигини эшитиб, ҳайратда қолдик, — дейди Наманган туманидаги «Кумкўрғон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Одилай Жўраев. — Гарчи бошқа маҳалладан келин бўлиб тушган бўлса-да, ҳозирга қадар бу оилада жиддий муаммо борлиги сезилмаган. Никоҳ тўйлари 2016 йилда бўлиб ўтган, туғилган чакалоқ анги оиланинг ilk фарзанди эди. Қайнота педагог бўлиб ишлаган ва оиладаги тарбиявий муҳит ҳам шунга яраша. Кўёв йигит эса мўмин-қобил характерга эга, устачилик билан шуғулланади. Келин уй бехаси ва энг муҳими, бу оиланинг на иқтисодий, на маънавий жиҳатдан бирон етишмовчилиги, каму кўсти йўқ эди. Ҳозирда фаоллар иштирокида ушбу оила аҳволини яна бир

Чакалоқ ногиронмиди?

Гувоҳларнинг айтишича, фарзанди ногирон туғилганидан аччиқланган аёл шу қабих ишга қўл урибди. Наҳотки, ҳали ҳаётга келганини англаб улгурмаган ғўдак, етти қуллик чакалоқ бундай ҳукмга лойиқ бўлса?! Лекин, бир ҳақиқат борки, ўйламай қўйган қадами ёш онанинг бутун ҳаётини барбод қилди. У, албатта, қонуний жазосини олади. Лекин норасида ғўдакларнинг ноласи қотилликка қўл урган онанинг қулоқлари остида бир умр жангалаб туриши шубҳасиз. Унинг учун бундан ортиқ жазо бўлмаса керак. Зеро, булук мутафаккир Абдулла Авлоний бундан юз йил муқаддам айтганидек, «Ғазабнинг аввали жиннилик, охири пушаймонликдир».

Илҳомжон РАХМАТОВ
«Mahalla»

МЕНДА САВОЛ БОР...

Қиз болага раҳм қилишмаганди...

— Исламдан аввалги даврларда чакалоқлар, жумладан, қиз фарзандга нисбатан ўта шафқатсиз муносабатда бўлигани тўғрисида эшитганмиз. Шу тўғрисида батафсил маълумот берсангиз.

Наргиза ЭРМАТОВА,
Фарғона вилояти Олтиариқ тумани.

Жасурбек РАУПОВ, Тошкент шаҳри Яшнобод туманидаги «Ислом ота» жоме масжиди имом-хатиби:

— Дарҳақиқат, жоҳилият даври (исломгача бўлган давр)да Арабистон ярим ороли қабилалари, умуман, дунёда киз фарзандлар аёлларга нисбатан буюм, отасига ор келтирадиган зурриёд сифатида қаралган. Исламда эса туғилган фарзанд киз бўлса, қувончини бўрттириброк кўрсатиш, яъни ўғил дунёга келганидан кўра кўпроқ шодланиш тавсия этилади. Бу жоҳилият амалига қарши иш юритиш учундир. Чунки мазкур даврда оилада киз фарзанд туғилса, мотам тутилар, хафа бўлинар ва хатто кизларни тириклай кўмиб юборишгача борилар эди.

Аллоҳ таоло Таквир сурасида марҳамат қи-

лади: «Ва вақтиги, тириклай кўмилган киздан сўралса: «Қайси гуноҳ учун ўлдирилган?»... (8-9-оятлар).

Ушбу оятда мушрикларнинг бу иши қаттиқ қораланмоқда ва қиёмат куни бу ҳақда савол-жавоб бўлиши таъкидланмоқда.

Табиики, қиёмат куни фақат шу нарса ҳақидагина савол-жавоб бўлмайди. Балки заррача, мисқолча амал ҳақида ҳам савол-жавоб бўлади. Аммо айнан қиз болани тириклай кўмиб юбориш иши ҳақида алоҳида таъкидланмоқда.

Уша давр одамларининг гувоҳлик беришларича, киз болани 4-5 ёшларга етгандан ота уни кўмиб ташламоқчи бўлса, онасига: «Қизимизни ясантириб бер, ўйлатиб келай», дер экан. Бечора она «ўйлатиб келиш» нима эканини яхши билса ҳам, жоҳилият қонунига қарши чиқа олмас, жигаргўшасини бешафқат эрига ясантириб беради. Махлук эса кизини овлоқроқ жойга олиб бориб, унга ўйинчоқ берар. Ўйлатиб қўйиб, ўзи чуқур қазир эди. Чуқур тайёр бўлганда кизни ўшанга тушиб ўйнашга амр этар ва чуқурда ўйнаб ўтирган ғўдакни ўйинчоғи билан шафқатсизларча кўмиб ташларкан.

«Олов тутган одам» номли асар тақдимоти бўлиб ўтди.

Қадим замонлардан одамлар меҳнат қилмасдан оддий тошни олтинга айлантириб, бадавлат яшашни орзу қилади. Бу борада бутун бир ёлгон фан — ал-кимё ҳам ўйлаб топилган. Мазкур фириб илми «алломалари» асрлар давомида одамларга ялтироқ металлларни тилла сифатида тақдим қилиб, чув туширган. Буни қаранпки, «замонавий алкимёгарлар» бугун Ўзбекистонда ҳам бор экан. Улар энг сўнгги русумдаги принтерлар орқали 50, 100 минг сўмлик купюраларни сохталаштирган. Яқинда иқтисодий тармоқлар орқали тарқатилган видеотасвирлар ҳам буни тасдиқлайди. Тасвирларда сохтакорлар томонидан муомалага киритиб юборилган қалбаки юз минг сўмлик ҳақиқийсидан қанчалар фарқлиниши аниқ акс эттирилган.

ҚАЛБАКИ ПУЛЛАР МУОМАЛАДАМИ?

ИҚТИСОДИЁТИМИЗГА ЎТА ЗАРАРЛИ ТАЪСИР ЭТУВЧИ СОХТАКОРЛИК ИЛЛАТИГА БАРҲАМ БЕРИЛАДИМИ?

Хўш, иқтисодимизга ўта зарарли таъсир этадиган бу иллат авж олиб кетмаяптими, жиноятчилар жазога тортилганми? Сохта пуллардан қандай химояланиш мумкин? Мазкур саволлар билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги маъсул ходими Шерзод Абдусаматовга мурожаат қилдик.

Биргина жиноий гуруҳ 30 миллион сўм сохта пуллари муомалага киритиб юборган

— Дарҳақиқат, мамлакатнинг иқтисодий ахволи пул-молия тизими билан чамбарчас боғлиқ, — дейди Ш.Абдусаматов. — Афсуски, жамият учун энг зарарли ҳисобланган мазкур жиноят баъзи ҳолларда республикамизда ҳам учраб турибди. Зеро, ҳозирда қозғоқ пуллари сохталаштириш қийинчилик туғдирмайди. Илгари қалбаки пул ясаш учун рассомлик сирларини ўрганиш, керакли таркибга эга бўёқлардан фойдаланишни билиш зарур эди. Шу боис бу турдаги жиноятлар кам кузатиларди. Сохта пул учраганида эса гумондорлар рўйхати тезда аниқланарди. Афсуски, ҳозирда баъзи фуқаролар замонавий технологиялардан ғараз ниятда фойдаланаётгани бу турдаги жиноятларнинг кўпайишига олиб келмоқда. Бугун сохтакорга қалбаки пул тайёрлаш учун замонавий принтердан фойдаланиш услубларини ўзлаштириш кифоя. Албатта, бундай қозғоқлар аслидагидек кўринишига эга бўлса-да, эътибор билан қаралса, уларнинг қалбаки

эканини аниқлаш қийинчилик туғдирмайди. Шу боис жиноятчилар сохта пуллари, асосан, тунгги пайтларда ўтказишга уринишади.

Сохта пуллари муомалага киритишга уринишлар ўтган йили кўп учради. Рўйхатга олинган ҳолатлар 50 тадан ошди. Жиноятчилардан 5000 АҚШ доллари, 5000 Россия рубли ва 5 миллион 356 минг сўм сохта пуллар далилий ашё сифатида олинган. Қалбаки пул тайёрлаш билан боғлиқ ҳолатларнинг аксарияти — жами 33та ҳолат Тошкент шаҳри ва вилоятига тўғри келмоқда. Шунингдек, Самарқандда 6 та, Наманганда 5 та, қолган вилоятларда эса биттадан шу қаби жиноятлар аниқланган.

Масалан, Тошкент вилоятида қўлга олинган жиноий гуруҳ аъзолари ўтган йили бир неча ҳафта давомида, асосан, 50 минг сўм қийматидаги қалбаки купюраларни Тошкент шаҳри ва унинг атрофида муомалага чиқарган. Улар қўлга олинган, дастлаб 30 миллион сўм миқдордаги қалбаки пуллари одамлар кўп тўпланадиган, жумладан, тонг сахарда бўладиган чорва моллар бозори, кундалик эҳтиёжлар товарлари сотиладиган жойларда муомалага киритишгани аниқланди. Аммо бу ҳаракатлар жиноятчилар учун фақат тайёргарлик, вазиятни синаб кўриш бўлган, ҳолос. Улар тез орада юзлаб миллион қалбаки сўмларни муомалага киритиб юбориш режасини иштиёт юрган. Чўнтақни қаппайтиргач, танаффус қилиб, жиноий фаолиятини номаълум муддатга тўхтатиб туришга қелишиб олишган. Ях-

ши-ки, сохтакорларнинг йирик миқдорда пуллари одамларга ўтказиб юборишларининг олди олинди. Жиноятчилар тегишли жазога тортилди. Аммо улар томонидан муомалага киритиб юборилган қалбаки пуллар ҳамон одамлар қўлида сақланиб қолган бўлиши мумкин. Шу боис аҳолидан пул муомаласида эътиборли бўлишни сўраб қоламиз.

Чет элда тайёрланган қалбаки сўмларни Ўзбекистонга олиб киришолмади

Афсуски, бу ҳолат ягона эмас. Сохтакорлик билан боғлиқ жиноятлар тез-тез учраб турибди. Бу баъзи инсонларда ўзи меҳнат қилмай, жамият ҳисобидан яшаш истаги илдиқ отиб кетганидан содир бўлмоқда. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасининг Қораўзақ туманида яшовчи фуқаро 26 та 10 минг сўмлик қалбаки пул эвазига ун сотиб олаётганда қўлга тушди. Ёнидан сохта 2826 дона 10000 сўмлик ва 29 дона 100 АҚШ доллари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Тергов-тезкор тадбирлари давомида гумонданувчи ушбу қалбаки пуллари Қозғоғистон Республикаси-



МУШТАРИЙ МИНБАРИ

Тўйлардаги «бойваччалар»да ВАТАН ТУЙҒУСИ ЙЎҚМИ?

Республикамизнинг айрим ҳудудларидаги тўйлар, маросимларда жуда хунук бир одат бор. Пул топиб ақлини йўқотган «бойваччалар» санъаткорлар, келин-куёв ёки бошқа бирор обрўлироқ инсон устидан пул сочишади. Бу ҳаракатлари билан мазкур шахсга нисбатан хурматининг қиймати қанча эканини билдиришмоқчи бўлади. Гўёки устидан минг сўмлик пул сочилган инсоннинг обрўси — минг сўм, юз минг сўмлик сочилганининг қиймати эса юз минг сўмдек. Кейин барча бирдек ана шу пуллари тепкилаб рақс тушади. Гапиринга оғиз жуфтласанг, «пул ўзимники, сенинг чўнтагиндан олмадим. Билганимни қиламан» тарздаги жавобни эшитишинг муқаррар.

Масаланинг маънавий, иқтисодий зарарлари тўғрисида гапирмайман. Зеро, бойлик кеккайтирган айрим шахсларга бу гаплар зигирча таъсир этмаслиги аниқ. Мен масаланинг ватанпарварлик жиҳатида эътибор бермоқчиман. Миллий валютаимиз — давлатимиз рамзларидан бири. Уларда гербимиз, муқаддас қадамжоларимиз акс эттирилган. Биламизки, қонуңчилик бўйича давлат рамзларига беҳурматлик жавобгарликка сабаб бўлади. Аммо пулга нисбатан бундай норма қўлланилмаган. Қонуңчиликка сўмга нисбатан беҳурматлик қилиш, уни қасддан топташ, йиртиш ёки бошқа бирор тарзда зарар етказиш ҳолатларини олдини олишга қаратилган меъёрлар киритилса, айна мудоао бўларди.

Жамшид ЭРҒАШЕВ.
Фарғона вилояти Данғара тумани.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Сохта сўмларни қандай ажратиб олиш мумкин?

— Улгуржи савдо билан шуғулланаман. Кейинги пайтларда сохта пуллар, айниқса, йирик қалбаки купюраларни ўтказишга уриниётган шахслар тўғрисида эшитаямиз. Кўп миқдордаги пуллар орасидан қалбақисини қандай ажратиб олиш мумкин?

Сухроб ҲАСАНОВ.
Сурхондарё вилояти Денов тумани.

Фазлидин БОЗОРОВ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки департаменти директори:

— Дунёдаги ҳар бир купюра ўзига хос химоя белгиларига эга. Жумладан, ўзбек сўмини ҳам қалбақлаштиришнинг имкони мавжуд бўлмаган катор хусусиятлари бор. Шу боис сохта пулни

ҳақиқийсидан ажратиб олиш осон. Масалан, сўмдаги сув белгиси, қиялик бурчагига қараб ҳаракатланадиган химоя ипи, тасвирларнинг бўртиб туриши ва арканинг тагида ок рангли бўёқда босилган Ўзбекистон Республикасининг харитаси орқали тезда аниқлаб олиш мумкин. Банкнотнинг пастки қисмидаги нақшда яширин тасвир мавжуд бўлиб, бу лотин ёзувидаги UZ сўзидан иборат. Бу ҳам маълум қиялик бурчагидега бемалол кўринади. Компьютер ва принтер воситаси орқали ушбу элементларни кўчириш имконияти мавжуд эмас.

Кўп миқдорда нақд пул билан ишлаганда, асосан, йирик купюраларни текширишдан ўтказиш керак. Зеро, сохтакорларнинг майда пуллари қалбақлаштириш ҳолатлари жуда кам учрайди.

да яшовчи шахс билан биргаликда ясагани ва юртимизга ўтказиш мақсадида олиб кирганини аниқланган. Бу борада фуқаронинг мазкур ҳаракат Ўзбекистон иқтисодиётига жиддий зарба бериши мумкинлигини англамагани ачинарлидир.

Навоний вилоятининг Кармана туманида истиқомат қилувчи бошқа шахс эса 5 дона қалбаки 100 долларликлар тайёрлаб, шундан тўрт юзини таниши орқали «номалум шахсларга сотган. Қолган қалбаки 100 АҚШ долларини сотишга уринаётган пайтда қўлга олинган. Бу каби ҳолатларни яна санаш мумкин.

Бузоқнинг югургани сомонхонагача

Хуқуқ-тартибот органларида

сохтакорларни аниқлаш юзасидан ўзига хос замонавий услублар қўлланилади. Махсус методология ва тадбирлар режаси ишлайди. Бундай жиноятга қўл урган инсонлар тезда аниқланиб, қўлга олинади. Шу билан бирга, тарқалган қалбаки купюраларни йиғиштириб олиш тартиблари ҳам муқаммал ишлайди. Демак, сохта пуллари муомалага кўп миқдорда тарқалиб кетиши эҳтимоли жуда кам эканини таъкидлаш зарур. Замонавий технологиялардан ғараз ниятда фойдаланиш иштиёқидега юрганларни эса аввалдан огоҳлантириш зарур, албатта. Зеро, жиноятчини қамагандан кўра, жиноятнинг олдини олган афзал.

Улугбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»

Кейинги вақтларда жамиятимизда содда одамлар ишончига кириб, уларнинг ҳалол йўл билан топган молларини фирибгарлик орқали ўзлаштириш ҳолатлари тез-тез учрамоқда. Айниқса, интернет тармоғининг имкониятлари кенгайгани сари ушбу жиноятнинг турли кўринишлари пайдо бўлмоқда. Жумладан, янги замоннинг янги тақдиди — виртуал фирибгарлик бугун кўплаб инсонлар бошига ташвиш келтираётир.

Қиморга сарфланган хайрия пуллар

Ўтган йилги мия фаолиятидаги ҳасталик туфайли оғир вазиятга тушиб қолган, шу боис яхшилар кўмағига муҳтожлик сезган кашкадарёлик ёш шoirа Бахтинисо Махмудова (мархума) ноодатий фирибгарлик қурбонига айланган эди. Ушунда узок вақт тўшаққа миҳланиб, юрломмай қолган бемор қизга кўпчилик юртдошларимиз ёрдам қўлини чўзган ва жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун керак бўлган пул маблағини йиға бошлаган эди. Қолаверса, Бахтинисо ўзи иштирок этган танловларда берилган пул мукофотларини ҳам чет элда даволаниш учун мисқоллаб тўплади. Бирок 1990 йилда Фарғона вилоятида тузилган фуқаро А.Д. хайрия акциясидан хабар топиб, кўнглига шум ният оралайди. У шундоқ ҳам кўмакка муҳтож бўлган Бахтинисонинг ишончига кириб, унинг банк пластик карта ҳисобига хайрия пули ўтказмоқчи экани, бунинг учун пластик карта уланган телефон рақамга махфий рақам юборилганини айтади. Афсуски, А.Д.нинг қинғир режаларидан мутлақо беҳабар бўлган бемор махфий рақамни унга айтади. Шундан сўнг, Фарғона Геофизика экспедициясининг 3Д-партияси ишчиси А.Д. махфий рақамни киритиш орқали «OSON» мобил иловаси ёрдамида Махмудовага тегишли банк пластик картасига тўлик эғалик қилиш имкониятини қўлга киритади. У ҳисоб рақамда мавжуд бўлган қатта миқдордаги пул маблағини бошқа пластик картага ўтказиб, интернет орқали ўйналадиган қиморга сарфлаб юборади. Айтиш лозим, унга нисбатан Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ хузуридаги Тергов бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси бўйича жиноий иш кўзгатилиб, тегишли жазо тайинланди.

— Жорий йилнинг 7 ойи давомида мамлакатимизда содир этилган жиноятлар сони 18 миң 23 тани ташкил этган бўлса, улардан 1 миң 954 тасини фирибгарлик жинояти ташкил этди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар бошқармаси ходими Мирзо Улугбек Мадалимов. — Маз-

Виртуал фирибгарлик жамият учун янги хавф

ОНЛАЙН ПУЛ ЎТКАЗМАЛАР, ИНТЕРНЕТ ВА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ФИРИБГАРЛАГА ЎЗЛАРИНИНГ ҚИНҒИР ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШЛАРИ УЧУН ҚЎЛ КЕЛМОҚДА



МАЗЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Фирибгарлик — иқтисодийёт соҳасидаги жиноятлар сирасига кириб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддасида ушбу жиноятга таъриф берилган.

Унга қўра, фирибгарлик, алдаш ёки ишонччи суиистеъмом қилиш йўли билан ўзганинг мулкни ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқини қўлга киритишдир.

кур рақамлар ўтган йилнинг шу даври фаолияти натижалари билан таққосланса, умумий жиноятлар сони 6 миң 57 тани, унинг таркибида фирибгарлик жинояти 13 миң 544 тани ташкил этган эди. Фуқароларимизни огоҳлантириш мақсадида бу каби ҳолатлар Ички ишлар вазирлигининг расмий сайтида мунтазам чоп этиб келинмоқда. Аммо қарс ички қўлдан чиқади деганларидек, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари тишимсиз тартибда ишларини олиб боришига қарамай, айрим юртдошларимиз фирибгарлар тузоғига илинмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда интернет, хусусан, ижтимоий тармоқлар орқали виртуал фирибгарлик авж олди. Натижада кўплаб инсонлар ўзларининг соддалиги, ишонувчанлиги туфайли қийин вазиятларга тушиб қолаётир. Айтиш лозимки, бу каби ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бирмунча мураккаб бўлиб, масалани ҳал этишда фуқароларнинг кўмағи жуда муҳим. Тарғибот

бўлса-ю, тегишли тавсия ва кўрсатмаларга амал қилинмаса, бу борада бирор ижобий натижага эришиш қийин.

«Пластик картангиз рақамини айтинг, пул ташлаб юбораман»

2019 йил 22 июль. Шу кунги Навоий шаҳар Толстой кўчасида яшовчи 25 ёшли А.Г. исмли аёл ИИБга муурожаат қилиб, номаълум шахс интернет тармоғи орқали «OLX» сайтига стол-стулдан иборат уй жиҳозларини сотиш мақсадида берган эълони билан танишганини, сўнг +7905036**** ва +7905036**** рақамларидан кўнғироқ қилиб, ўзини «Сергей» деб таништиганини ва берилган эълондаги буюмларини сотиб олмақчилигини айтиди. Шундан кейин пулларни А.Г.нинг пластик картасига ўтказиб беришини айтиб, унинг номда бўлган пластик картасининг рақамларини олиб, картасидан 14 миллион 600 миң сўм пулини ечиб олганини маълум қилади. Айни пайтда ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

— Виртуал фирибгарлик жамият учун янги хавф, — дейди Мирзо Улугбек Мадалимов. — Агар интернет сайтлардаги янгиликларга эътибор қаратсак, чет мамлакатлардаги банкларни хакерлар ёрдамида ўмарини зарарли компьютер вирус дастурлари ёрдамида бошқа компьютерларни шикастлаш ҳолатлари, турли ютуқли

ўйинларни таклиф этиш орқали одамларнинг пулларини алдов йўли билан ўзлаштириб олувчи дастурлар яратилганининг гувоҳи бўламиз. Шунинг таъкидлаш лозимки, мазкур жиноят жой, вақт ва макон танламайди. Виртуал фирибгарликни масофадан туриб ҳам бемалол амалга ошириш мумкин. Шу боис юртдошларимиз интернет тармоғидан фойдаланаятганда, қолаверса, онлайн пул ўтказмаларини амалга ошираётганда эҳтиёткор бўлишлари лозим.

«Like bos!»

Бундан бир неча йиллар илгари интернетда бир-биридан «гаройиб» фирибгарликлар авж олган эди. Жумладан, «Сиз сайтимизнинг миллионинчи аъзосисиз» дея пул ютиб олганингизни айтишарди. Мукофотни олишингиз учун бутун бошли шахсий маълумотларингиз (паспорт, қўл телефонингиз рақами, яшаш манзилингиз, иш жойингиз, исм-фамилиянгиз ва бошқани) киритишингиз ва кўрсатилган рақам билан боғланишингиз ёки бўлмаса, кўрсатилган почтага кириб, буюрилган ишларни бажаришингиз талаб этиларди. Аммо мукофотга келганда мум тишлаб қолаверардингиз.

Хозирги кунга келиб, ижтимоий тармоқларнинг янада тараққий этиши бундай фирибгарликларни авж олишига сабаб бўлмоқда. «Сармоясиз иш, +++ ёз», «Like bos!» акциялари, «Сармоя кирит ва уч ой ичида Стив Жобсдек бойиб кет» каби алдов рекламалар шулар жумласидан.

— Интернетнинг чексиз имкониятлари, ижтимоий тармоқларнинг қўлайлиги виртуал фирибгарларга анчайин қўл

келмоқда, — дейди Жанубий Кореянинг Yonsei университети тадқиқотчиси Шухрат Сатторов. — Фирибгарлар турли кўзбўямачиликлар, алдов лойиҳалар, акциялар орқали содда одамлар ишончига кириб, уларнинг қатта миқдордаги моддий бойликларини ўзлаштириб олмақда. Жумладан, бугун кўпчилик Facebook ижтимоий тармоғидаги «Сармоя кирит ва уч ой ичида Стив Жобсдек бойиб кет» номли алдов реклама ҳақида яхши билади. Унда реклама устига компьютер сичқончаси босилганда фойдаланувчидан исми, Е-почтаси ва телефон рақамини киритиш сўралади. Орадан 1-2 кун ўтгач, чет давлат рақамидан кўнғироқ қилиб, ўша одамга қимлиги, ёни, қаерда ишлаши ва бирор-бир инновацион маҳсулот ёки Bitcoinларга пул тикиши тавсия этилади. Сўнг улар тикилган маблағ бир йилда фуқаронинг ўзига бир неча баробар бўлиб қайтишини айтиб, ишонтиришига уринади. Мабодо ўша инсон пули йўқлигини айтса, қанларидан қарз олишни, кейинчалик бундан сира афсусланмаслигини уқштиришади. Бир сўз билан айтганда, фирибгарлар имкон қадар «ўзаси»дан нимадир ундириб қолишга уринишади. Қарабасизки, даромад туғул, ўз пулингиз ҳам «қўлогини» ушлаб кетади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, фирибгарликнинг қайси тури бўлмасин, унинг асл илдини ишонччи суиистеъмом қилиш билан боғлиқ. Шундай экан, бундай қимсаларнинг тузоғига илинмаслик, алдовга учмаслик учун инсон, энг аввало, ҳушёр ва сергак бўлиши лозим. Айниқса, бугунги ахборот асрида хар қачонгиданда оғоҳ бўлиш турли кўнғилсизлик ва хавфу хатарларнинг олдини олишга замин яратади. Акс холда...

Саъдулло ТУРСУНОВ
«Mahalla»

Доим содир этилган бирор жиноят таҳлил қилинар экан, хаёлан унинг сабабларини излашни бошлаймиз. Кимдир муҳтожлик туфайли, яна бирор тўқликка шўхлик қилиб, ўз тақдирига қора доғ туширади. Нима бўлганда ҳам бу йўлни танлаган кимсани ҳеч қандай ваз билан оқлаб бўлмайди. Самарқанд вилояти Жомбой туманида истиқомат қиладиган Пўлат Шаропов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам алдаш ва ўзгалар ишончини суийстеъмом қилиш йўли билан бойлик орттиришни мақсад қилади. Унинг бу хатти-ҳаракатларини қайсидир маънода умрнинг қадрини англаб етмаслик ҳамда борига қаноатсизликка йўйиш мумкин.



тексирувларсиз, бир қараида аниқлаи қийин.

Шундай бетсандлик, ўз ҳуқуқларини билмаслик билан фуқароларимиз гараз ниятли кимсалар учун ўзлари имкон яратиб беришаётганини тушуниши вақти келди. Агар жамиятда ҳар ким ўз қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини тўла тушуниб етса, ҳозир содир бўлаётган жиноятлар деярли 90 фоизга камайган бўларди.

Ҳақиқатан ҳам, ҳушёр одамни алдаш мушкул иш. У ўзи учун нима кераклигин, фойда ва зарарни жуда яхши билади. Шахсий фикрга эга бўлмаган, бошқалар йўриғига юриб ўрганганлар эса шундай жабрдийдага айланади қолаверди.

Унинг қарашлари ўзгарармикан?

Ҳалол меҳнат билан топилган луқманинг қадри ва беракиси баланд бўлади. Шунинг учун ҳам халқимиз қадимдан бола тарбиясида шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратиб келган. Лекин гуруч қурмакис бўлмаганидек, орамизда Пўлат каби кимсалар ҳам учраб туради. Унинг қилмишлари бошқаларга ибрат бўлиши учун очик суд мажлисида муҳокама қилинди. Судланувчининг айбига тўлиқ икромлиги, содир этган қилмишдан чин кўнгилдан пушаймонлиги, ёши, оилавий шароити, жабрланувчиларга етказилган зарарлар тўлиқ қоплангани, жабрланувчиларнинг унга нисбатан ҳеч қандай даъволари йўқлиги инobatга олиниб, қатъий ўташ учун 2 йил 8 ой 25 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Кимшини ўйлантирадигани эса кўрилган чоралар билан унинг қарашлари ўзгарармикан? Қилган хатоларини англаб етармикан? Икки марта қирган кўчасига қайтиб йўламаслик учун етарли сабоқ олдимикан?

Назаримизда, бунинг учун унинг атрофидоғлар ҳам астойдил ҳаракат қилиши керак. Айниқса, тўғри йўлни танлаб олиши учун шароит ва имкон яратиб беришда маҳалла мутасаддилари, профилактика инспекторлари зиммасига катта вазифалар юклатилган. Биз эса фақат яхши натижаларга умид боғлаб қоламиз.

Шахноза
РАХИМЎЖАЕВА

«Mahalla»
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди
Матбуот хизмати билан
ҳамкорликда тайёрланди.

Тўққиз кишини чув туширган фирибгар

ЎЗГАЛАР ИШОНЧИНИ СУИЙСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ БИЛАН ТОПИЛГАН БОЙЛИК ҲЕЧ КИМГА ТАТИМАЙДИ

Қилмишидан тўғри хулоса чиқармади

23 ёш — айни қатта ҳаёт бўсағасида ўз тақдир йўлини танлайдиган маҳал. Пўлат Шаропов эса умрининг шундай даврини қайта ва қайта қинғир йўлларга кириш билан беқорга соураётгани жуда ачинарли ҳолат. У илгари ҳам жиноятга қўл уриб, бир йилу олти ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтган эди. Афсуски, бундан тўғри хулоса чиқармаган йигит яна қинғир йўлни танлади. У 2018 йил март ойининг бошларида Жомбой тумани «Ногоҳон» маҳалласи, Хурми кишлоғида яшовчи фуқаро Саломат Каримованинг уйига келиб, унга бир дона тилла узук олиб беришни ваъда қилади. Шу мақсадда ундан жами 650 минг сўм пул олиб, ўзининг эҳтиёжлари учун ишлаб юборади.

Текин ошининг мазаси ёқиб қолгач, у бу ишларини янада кенгрок қамровда давом этти-

ришни бошлайди. Шу мақсадда таниши Жомбой тумани «Холвой» маҳалласи, Холвой кишлоғида яшовчи фуқаро Карима Ҳакимованинг уйига келиб, эски тилла тақинчоқларни қимматбахо тилла тақинчоқларга алмаштириб беришни ваъда қилиб, баҳоси 1 миллион 400 минг сўм бўлган бир жуфт тилла зиракни қўлга киритади.

Пўлат Шаропов шу зайдда бир йилга яқин муддат давомида бир қанча аёлларни ишонувчанлигидан фойдаланиб, уларга моддий зарар етказди. Масаланинг қизик жиҳати эса жабрланувчиларнинг кўпчилиги деярли бир туманда истиқомат қилади. Шундай бўлишига қарамай, ҳаммаси бир одамнинг алдовлари қурбонига айланади.

Хўш, нима учун бир жойда тақоран содир этилаётган жиноятнинг очилиши қийин кечди? Бу ҳолатдан маҳалла мутасаддилари, профилактика инспекторлари нахотки беҳабар қилинган бўлса? Аслида айни

меҳнат қилиб, жамият учун фойда келтирадиган ёшда бу йигитни жиноятга қўл уришга нима ундади?

— Пўлат коллежда ўқиб юрган кезлариданоқ онаси билан бирга бозорда тилла буюмлари савдоси билан шуғулланарди, — дейди Жомбой тумани «Сарчаиша» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Улугбек Нодиров. — Биз бир неча марта онасида-гиларга унинг ўқилиш, билим олиши кераклигини тушуништиришга ҳаракат қилсак-да, уришчиларимиз фойда бермади. Кейинчалик бу ишни у ўзи мустақил равишда давом эттирди. Фойдодан кўра, зарари кўпайиб кетгач, қалбаки маҳсулотлар билан ўзгалар тулини ундиришни бошлади. Бу ҳақда фуқаролардан бирин-кетин мувожабатлар тулигандан кейингина билдик. Лекин унинг ўзи бу вақтда Тошкентга ишлаш учун кетиб қолган эди. У ердан келгунга қадар ишқот қилиб келувчилар сони янада кўпайди.

Биз бу ҳолат бўйича унинг

оила аъзолари билан бир неча маротаба тушуништириш ишлари олиб бордик. Онаси фуқароларга келтирилган зарарни қоплаб бериш тўғрисида тил-хат ҳам ёзиб берди.

Аслида бу йигитнинг бирор нарсага муҳтожлиги йўқ. Оила-си ҳам ўзига тўқ. Лекин иунга қарамай, у жиноятга қўл урди. Бу тарбияда йўл қўйилган камчилик, эътиборсизлик натижаси, албатта. Шундай вақтда биз маҳалла мутасаддилари зиммасига ҳам жуда катта масъулият юклатилди. Бундан буён унинг ҳаётда ўз ўрнини топиб кетиши, ҳалол меҳнат қилиши учун астойдил ёрдан берамиз.

Ўзинга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма!

Бирор мавзу муҳокама қилинар экан, унинг туб илдиизига етиб бориш учун, албатта, ҳар тарафлама фикрлаш талаб этилади. Жиноятчилик ҳақида сўз кетганда эса кўпроқ шу ишни содир қилган кимсани қоралашга ўрганиб қолганмиз. Жабрланувчи эса доим кўз ўнгимизда ҳеч бир айбисиз одам қиёфасида гавдаланади. Аслида унинг камчилиги шу ишга имкон яратиб берганида эмасми?

— Бу ҳолат бўйича 2019 йил 6 август куни очик суд мажлиси бўлиб ўтди. Унда судланувчи билан бирга 9 нафар жабрланувчининг ҳам фикрларини тингладик, — дейди Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти Жомбой тумани суди раиси Мамаюсуф Шерийитов. — Назаримда, инсон, аввало, ўз ишга пухта бўлиши керак. Шу 9 нафар киши нима учун қимматбахо буюмни ҳеч қандай қафолат беролмайдиган шахсдан харид қилишди. Тилла маҳсулотлари сотиладиган маҳсуле дўқонлар, савдо мажмуалари кўп-кў! Улар маҳсулот сифатига ҳам қафолат беришади. Ҳозирги кунда тилла билан оддий тақинчоқни маҳсу-

МЕНДА САВОЛ БОР...

Кимлар шартли озод қилинади?



— Мустақиллик байрами арафасида бир неча фуқароларнинг жазосини ўтайдиган муддатидан илгари шартли озод қилингани ҳақида эшитдим.

Яқин дўстим ҳам ҳозирда жазосини исжро этиши муассасасида. Унинг ҳам муддатидан аввалроқ озод этилишига умид қилаямиз. Айтингчи, бу имконият айнан кимларга берилади?

С.КАЛОНОВ,
Тошкент шаҳри.

Зафаржон ФАЙЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси:

— Озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазони ўтайдиган муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши мумкин. Уларнинг кўрсатилган жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлгани ҳам инobatга олинади. Бу Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддасида белгилаб қўйилган.

Шунингдек, жазони ўтайдиган муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш маҳкум:

а) ижтимоий ҳафти қатта бўлмаган ёки учта оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини;

б) оғир жинояти учун, шунингдек, қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини;

в) ўта оғир жинояти учун, шунингдек, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинган ёки жазоси енгилроғи билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан икки қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилиши мумкин.

Жазони ўтайдиган муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этган шахсга нисбатан суд Жиноят Кодексининг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди.

Кўзи ожиз болалар мактаб-интернатларига махсус ўқув қуроллари (прибор ва грифель) топширилди.



«ҲЕЧ КИМ ҚАҲРАМОН БЎЛИБ ТУҒИЛМАЙДИ»

«ОДДИЙ ДЕҲҚОН ФАРЗАНДИНИНГ КИЧИК ХИЗМАТИНИ
БУГУН КАТТА ЭЪТИРОФГА ЛОЙИҚ КЎРГАН
ВАТАНДА ЯШАЁТГАНИМДАН, ШУ ЮРТНИНГ ҒАМУ
ҚУВОНЧИГА ШЕРИК БЎЛГАНИМДАН ЖУДА БАХТИЁРМАН»

Халқнинг дарду ташвиши билан яшаш осон юмуш эмас. Бу — шахсий муаммоларингдан кечиб, ўзгалар дарди билан яшаш дегани. Бундай инсонлар, аввало, ён қўшиларига ёрдам қўлини чўзади. Бу орқали ўз маҳалласида обрў-этибор қозонади ва айна пайтда ўша қавм ундан маслаҳат оладиган, йўл-йўриқ сўрайдиган бўлади. Бу бир ниҳолнинг униб-ўсиб ҳосилга киришидек табиий жараён. Шу сабаб қаҳрамонлар тайинланмайди, аксинча танилади. Нафақат вилоятимиз, балки республикаимизда обрў-этибор қозонган Ҳасан Нормуродов ҳам том маънода халқ таниган Қаҳрамон!

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев самарқандлик фаоллар билан мулоқат чоғида Ҳасан Нормуродов ҳақида алоҳида тўхталиб: «Хар бир раҳбар бугун ўзига мен жамиятга нима наф келтиряпман, халқимнинг яхши яшаш учун нима қила олдим, деган саволини бериши керак. Даврни тушунган, давлат сиёсатини, ўз бурчини тўғри англаган, виждонига қулоқ солган ҳалол, покиза инсонларгина ўзига шундай саволини бера олади. Мен Ҳасан Норбековични ана шундай инсон сифатида қадрлайман. Бундай одамлар ёнимда кўпроқ бўлишини истайман», деб бежиз айтмаган эди.

Эл меҳридан қувват олиб...

Президентимизнинг 2019 йил 28 август куниндаги «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида»ги фармони билан «Нуроний» жамғармасининг Самарқанд вилояти бўлими раиси Ҳасан Нормуродовнинг шундай олий мукофотга муносиб қўрилгани ҳақидаги хабарни самарқандликлар катта қувонч билан қарши олди. Ўша кун тонгадэк Самарқанд шаҳрининг «Теракзор» маҳалласида жойлашган мўжазгина хонадон отахоннинг фарзанду набиралари, шогирдлари, кўни-кўшилари, яқинлари билан тўлди. Дастлаб вилоят раҳбари, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Самарқанд вилояти кенгаши раиси Эркинжон Тур-

димов бошчилигидаги жамоатчилик вакиллари қаҳрамонни кутладилар.

— *Сиз нафақат вилоятимиз, балки юртимизнинг фахрисиз, — деди Э. Турдимов. — Мухтарам Президентимизнинг бу эътирофлари саксон йиллик умр йўлингиз, заҳматли меҳнатларингиз ва халқимизга қилган фидокорона хизматларингизнинг маҳсулидир. Самарқандликлар сиз билан ҳақиқ равишда фахрланади.*

— *Ҳасан ака маҳалламизнинг том маънодаги ҳақиқий жонқуяри, гамхўри, фидоийсидир. — деди «Теракзор» маҳалласи раиси Шавкат Ғуломов. — Чунки маҳалладаги барча мароқалар, тўй ва маросимлар, жамоат ишларида у киши ҳамisha ёнимизда, барчага бош-қош. Баъзи чигал масалаларда Ҳасан аканинг маслаҳатлари жуда қўл келади. Устозни эл меҳри, одамларнинг муҳаббати ҳамisha қўллаб туради.*



МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Ҳасан Нормуродов 1939 йилнинг 11 ноябрида Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон туманида таваллуд топган. Дастлаб Самарқанд давлат университетининг филология факультети, кейин эса Москвадаги Ижтимоий фанлар академиясида таҳсил олган.

Меҳнат фаолиятини 1956 йилда Каттакўрғон туманидаги 14-мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. Сунгра Каттакўрғон шаҳар ёшлар иттифоқи кўмитасида йўриқчи, шаҳар партия кўмитасида бўлим мудири, вилоят партия кўмитасида йўриқчи, Жомбой тумани партия кўмитаси иккинчи котиби, вилоят партия кўмитасининг мафкура бўйича котиби, Нарпай тумани партия кўмитасининг биринчи котиби, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи вазифаларида фаолият кўрсатган.

2003 йилдан то ҳозирга қадар «Нуроний» жамғармасининг Самарқанд вилоятидаги бўлими раиси сифатида ишлаб келмоқда. У киши «Меҳнат шухрати», «Эл-юрт ҳурмати» ва «Дўстлик» орденлари соҳибидир.



гапини тинглаб, кўнглини билгач, кейин муносабат билдиради, ўзининг хулосаларини айтади.

ДАРВОҚЕ...

Фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майдаги «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини белгилаш ва олий нишон — «Олтин юлдуз» медалини таъсис этиш тўғрисида»ги қонуни ҳамда шу қонун билан тасдиқланган «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвон тўғрисидаги низом асосида мазкур унвон билан тақдирланади. Ушбу низомнинг 6-моддасида «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвон билан тақдирланган шахслар ойлик иш ҳақига ёки пенсияга қўшимча равишда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорига ой сайин тўланадиган устама мукофот оладилар», деб белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари юртимиз ҳудудида давлат пассажир транспортининг барча турларида (таксидан ва бошқа транспорт турларининг бюртма рейсларидан ташқари) текин юриш ҳуқуқига эга.

«Мақбул йўл шахсий ибрат кўрсатиш»

— *Инсонни тарбиялаш учун унинг камчилиги, хатосини юзга солиш шарт эмас, — деди Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳасан Нормуродов. — Энг мақбул йўл унга шахсий ибрат*

кўрсатишидир.

Ҳасан ака доим шу ақидага риоя қилиб яшайпти. Албатта, бошқаларга ибрат бўлиш учун инсон тинимсиз изланиши, илм ўрганишдан тўхтамаслиги керак. Қаҳрамонимиз ҳам ҳар кун китоб, газета ўқийди. Инсонлар дарду ташвишига қулоқ тутарди. Уларнинг ҳаёт йўлидан ибрат олади. Хулосаларини эса бошқалар билан баҳам кўради.

Ҳ.Нормуродовнинг хотираси шу даражада қучлики, у киши вилоятнинг ҳар бир кишлоғи, овули, маҳалласи номини, у ердаги нуроний отахону онахонларнинг исмини ёддан билади. Улар билан боғлиқ бўлган ўтмишдаги воқеаларни ҳам айтиб бера олади.


— *Шу ёшида вилоят ҳокимлиги қошида тузилган жамоатчилик назорати гуруҳининг раҳбари сифатида кишининг қаҳратонлиги эзининг жазирасида ёшлар қатори у кишининг маҳаллама-маҳалла, хонадонма-хонадон юриб,*

одамлар билан дилдан мулоқот қилишига ҳавас қиламан, — деди вилоятнинг «Зарафион» ва «Самарқандский вестник» газеталари бирлашган тахририяти бош муҳаррири Фармон Тошев. — Ҳасан ака билан дилдан суҳбатлашсангиз, у кишининг ҳаётини мулоқоти, фалсафий хулосаларидан кейин ўзингизни улгайгандек ҳис қиласиз. У киши юртимиздаги ислохотлар, ўзгаришлар ҳақида шундай мулоҳазалар юритадики, бундан фикрингиз, тасаввурингиз теранлашади.

Ҳасан ака ҳақида истаганча ижобий фикр билдириш мумкин. Аммо қаҳрамонимиз ўз шаънига айтилган мактовларни хушламайди. Камтарликни камолат сари етаклашини дилдан ҳис этади. Бежиз бундай демаяпмиз. Чунки олтимиш уч йиллик меҳнат фаолиятининг эллик беш йилни раҳбарлик лавозимларида ҳалол ва пок ўтказиб қолган қаҳрамонимиз бир сотих ер майдонида жойлашган оддийгина уйда яшайди.

— *Ҳеч ким онасидан қаҳрамон бўлиб туғилмайди, — деди Ҳасан ака. — Инсон учун энг катта унвон бу — элнинг, одамларнинг эътирофи, эътиборидир. Одий деҳқон фарзандининг кичик хизматиши бугун катта эътирофга лойиқ кўрган Ватанда яшаётганимдан, шу юртининг ғаму қувончига шерик бўлганимдан жуда-жуда бахтиёрман.*

Ёрмат РУСТАМОВ
«Mahalla»



Маҳалланинг жонкуяри

У киши билан гурунглашиб қолсангиз, суҳбатнинг дастлабки уч-тўрт дақиқаси одатдагидек бошланиши, кундалик турмуш ва маиший мавзуларда кечиши мумкиндир. Аммо гап айланиб, барибир, маҳалла мавзусига бориб тақалади.

Ўринбосари Гулнора Йўлчиева. — Мазкур соҳада раҳбарлик лавозимларида узок йиллар меҳнат қилганлар. Аммо давлат ва жамият бошқарувида маҳалла тизимининг ўрни бекиёсди, ушбу ноёб институтни ривожлантиришга бўлган фидойиларча иштиёқ сабаб соҳага кириб келганлар ва бор кучи, маҳоратини кадрдон тузилманинг шаклланиши, ривожланишига сафарбар этганлар. Ҳатто, тунларни тонларга улаб меҳнат қилган кезларида ҳам Нигматилла Абдуллаевни чарчок енголмас, доимо янги ғоялар билан банд бўлардилар.

Дарҳақиқат, ана шу фидойилик, беминнат маслаҳатлар туйғули соҳада малакали кадрлар, олим уфан докторлари сафи ҳам кенгайди. Бугун ушбу тизимда меҳнат қилаётган қай бир раҳбар кадрни олманг, ҳаммаси Нигматилла Абдуллаев номини хурмат билан тилга олади, эъзозлайди.

Газетамизнинг илк сонинан чиққан кеча...

«Маҳалла» хайрия жамғармаси ташкил этилган, 1996 йилда унинг асосий нашри — ҳафталик газетасини чоп этиш режаси ҳам туғилди. Ўша пайтдаги жамғара раҳбарияти йиғилишида газетанинг асосий йўналишлари, нечта саҳифадан иборат бўлиши, 1-сон учун қандай мақолалар тайёрлаш кераклиги муҳокама қилинди. Шунда ҳалигача ҳал бўлмаган бир савол: «Газета қандай номлангани маъқул?» сўроғи яна кўндаланг бўлди. Турли номлар таклиф қилинди, фикрлар билдирилди, аммо нимадир кетмакдек туюлаверди.

— «Маҳалла» бўлса-чи?! Келинлар, миллий кадрларимиз маскани бўлган маҳалламиз фаолиятини ёритувчи нашрни одамлар дилига энг яқин бўлган ўз номи «Маҳалла» билан атайлик!

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари Нигматилла Абдуллаевнинг бу таклифи барчага бирдек ёқди, ҳамма қўллаб-қувватлади. Ана шундан кейинги ташаббусни ҳам раис муовини ўз қўлига олди: мақолаларга мавзу ахтарини, руҳ танаши, саҳифалар, расмларни жойлаштириш ва ниҳоят бунёк хиди анқиб турган илк сон

қўлга олмагунча тиним билмади. Ўшандаги хаяжонни эса қахрамонимиз ҳали бугунгача, яъни сеvimли нашрининг ҳар янги сонини қўлига олганида тақрор хис қилади. Ҳа, Нигматилла Абдуллаев сеvimли газетамиз учун ҳам кадрдон ва эъзоли инсон.

Йигитлардек шижоатли, ҳамма учун ибратли

Яқинда Н.Абдуллаевнинг 80 ёшга тўлиши муносабати билан Фукарларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши раҳбарияти у кишини раис ўринбосари сифатида фаолият юритаётган Учтепа туманидаги «Кўкча-Октепа» маҳалласига бориб, у кишини тақдирлашди. Ана шунда «йигитлардек шижоатли», «хаммамиз учун ибратли» иборалари жуда кўп ишлатилди.

— Н.Абдуллаевнинг оилавий ҳаёти, фарзандларига берган тарбиядан ҳам ўрнак ола арийдим, — дейди «Кўкча-Октепа» маҳалла фукарлар йиғини раиси Собитжон Имомов. — Турмуш ўртоқлари Шоирахон ая билан биргаликда бир ўғил, икки қизни тарбиялаб, олий маълумотли қилиб ўстиришди, эл қорига камарбаста инсонлар этиб, юртга қўшишди. Айни пайтда 12 набира, 5 эваранинг тарбиясидан ташқари, маҳалламиздаги жами ўғил-қизнинг камолоти учун қайғурмоқда. Фарзанд тарбиясида кексаларнинг ўрнини оширишга доир йирик ижтимоий лойиҳа ишлаб чиқиб, махсус грантни ютиб олдилар. Мазкур лойиҳа доирасида йиғинимиздаги ўсмирлар кексаларнинг панд-насихати, эътибори, ғамхўрлиги таъсирида камолга етишмоқда.

Таваллуд қунари нишонланадиган санада уни шоғирдлари, маҳалласи фаоллари, камоллини ўйлаб қайгургани — кўча-оқтепалик болалар даврасида кўриб, шунга амин бўлдики, Нигматилла Абдуллаев маҳалла учун жуда кадрли. Фукарлар йиғинлари фаолияти такомиллашуви, одамларга янада яқинлашуви, адолат тарозусига айланиши учун Нигматилла Абдуллаевдек инсонларнинг билими, тажрибаси, ғайрат-шижоати ҳали кўп асқатади.

СЕМИНАР



Маҳалла ишида кексаларнинг иштироки, фаоллиги сезиляптими?

Фукарларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ташаббуси билан ўтказилган амалий семинарда ушбу саволга жавоб изланди.

Пойтахтимизнинг Сергели туманида Ички ишлар вазирлиги ҳамда «Нуроний» жамғармаси иштирокида ташкиллаштирилган «Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий мухитни барқарорлаштириш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда кекса авлод вакилларининг ўрни» дея номланган ушбу тадбирда кексалар учун яратилаётган қулайликлар, имкониятлар эътироф этиларкан, бундай ғамхўрликка маҳаллалардаги қариялар қай даражада жавоб беришга тиним таҳлил қилишди.

Кексалар бор жойда ҳамжихатлик бўлади(ми?)

Ёши улуғларнинг ақлу заковати, ҳаётий тажрибаси, салобати қўллаб ижтимоий муаммоларга ечим топади. Аммо, афсуски, ҳамма жойда ҳам бундай деб бўлмайди.

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида пойтахтдаги 508 та маҳалланинг 370 тасида 1037 та жиноят содир этилган, оилавий ажримлар ўтган йилнинг 6 ойига солиштирилганда 2223 та кўрсаткич билан 174 тага ортган. Нотинч оилалар рўйхати 1022 тани ташкил қилиб, ўтган йилги натижадан 222 тага камайса-да, айрим маҳаллаларда бу борадаги рақамлар юксалгани ачинарли. Фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган ота-оналар, ноқобил оилаларга доир фактлар ҳам, таассуфки, қўллаб йиғинларнинг ютуқларига соя солмоқда. Хўш, ушбу йиғинларда нима учун кексалар ва фахрийларнинг иштироки сезилмаяпти? Тадбирда бу борадаги фикр ва мулоҳазаларга кенг ўрин берилди.

Кексалар ҳар чоракда бир марта мактабга боришади

Муҳтарам Президентимиз нуронийларимизга алоҳида ҳурмат ва ишонч билан қарайдилар. Ҳаттоки, давлатимиз раҳбари томонидан: «Ёши улуғ кексаларимиз ҳар чоракда бир марта мактабга бориб, ўзларининг бой ҳаёт йўли ва ибратли тажрибаси, амалий билим ва кўникмаларини ёшларга ўргатса, бу ҳар қандай сабоқдан кўра фойдалироқ бўлади», дея қимматли кўрсатма ҳам берилган. Шундан келиб чиқиб, Фукарларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши Халқ таълими вазирлиги ҳамда «Нуроний» жамғармаси билан биргаликда ижтимоий лойиҳани шакллантирмоқда. Унга кўра, маҳаллаларнинг энг ибратли, ижтимоий фаол кексаларидан 18196 нафарининг рўйхати тузилди. Ушбу лойиҳа амалга ошса, кексаларимизнинг бой ҳаётий ва касбий тажрибаси таълим-тарбия жараёни учун қимматли манба бўлиб хизмат қилади, албатта.

Семинар якунида давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини жонлантириш, оилаларни ижтимоий-маънавий мухит барқарорлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олишда кекса авлод вакиллари олдида муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Саҳифани Юлдуз ХОЖИЕВА тайёрлади.

Хусусий нотариал идоралар жорий этилади.

Кўхна кентда байрам шукуҳи

ХУНАРМАНДЧИЛИК ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТАЁТГАН КЎҚОН ШАҲРИДАГИ ХУДОЁРХОН ЎРДАСИ ВА УНГА ТУТАШГАН МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОХАТ БОГИГА КЕЛГАН КИШИ УСТА ХУНАРМАНДЛАРНИНГ ҚАЛБ ҚЎРИ, МЕХРИ БИЛАН ТАЙЁРЛАНГАН ТУРФА ХУНАРМАНДЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАНИШИШ ИМКОНИГА ЭГА

Кўхна Кўқон шаҳри бугун ҳар қачонгидан-да гавжум ва файзли. Нафақат мамлакатимиз, балки дунёнинг турли гушаларидан келган энг сара хунармандлар бир маконда бир мақсад йўлида бирлашган.

Президентимиз ташаббуси билан илк бор ўтказилаётган Халқаро хунармандчилик фестивали халқимизнинг қадимий тарихи, маданий ҳаётини ҳар томонлама кенг тадқиқ этиш, кўп қиррали ўзбек миллий хунармандчилик анъаналарининг ноёб намуналарини бутун дунёга тарғиб этиш, ўзаро тажриба алмашиш, дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, хунармандчилик анъаналари ва мактабларини сақлаш, қайта тиклаш каби эзгу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятли.

Шуни таъкидлаш жоизки, кўқонликлар ушбу нуфузли тадбирга пухта ҳозирлик кўрди. Жумладан, хорижлик меҳмонлар ва фестиваль иштирокчилари ташриф буюриши кўзда тутилган 12 та тарихий обида, 20 дан ортиқ миллий хунармандчилик намоёндаларининг уй устaxonалари, 4 та маданий дам олиш максани таъмирланди.

Халқаро эътироф

Мазкур халқаро тадбирнинг Кўқон шаҳрида ўтказилаётгани бежиз эмас.

ДАРВОҚЕ...

Халқаро хунармандлар фестивали кўплаб кўнгилочар маданий тадбирларга бой бўлмоқда. «Худоёрхон ўрдаси» майдонида саҳна ва амфитеатр барпо этилди, Марказий майдон ён-атрофида хунармандчилик санъатига доир турли кўргазмалар, қадимий хунармандчилик дастгоҳлари ва маҳсулотлари яратиш жараёнлари, хунармандчиликка оид бадиий ва ҳужжатли фильмлар, китоб, альбом ҳамда фотосуратлар намойиши ва уларнинг сотуви ташкил этилди. Шунингдек, миллий либослар кўргазмаси, аския ва қизикчи, дорбоз ва фольклор жамоаларнинг чиқишлари фестивалга кўтаринкилик бахш этмоқда.

Бонси шаҳар қадим-қадимдан хунармандчилик ривожланган маданий марказ сифатида эътироф этиб келинади. Бу ерда халқ амалий санъатининг турли йўналишлари юксак даражада тараққий этган. Бугунги кунда ҳам устоз-шоғирд анъаналари давом этиб, хунармандларнинг оилавий сулодалари унинг сир-асрорларини авлодларга етказиб келмоқда. Хусусан, ёғоч ўймакорлиги, коғозгарлик, чилангарлик, заргарлик сингари ўнлаб хунармандчилик турлари тараққий этиб, ривожланиб бормоқда. Шу боис ҳам Жаҳон хунармандчилик Кенгаши эътирофига кўра, Кўқон шаҳрига ёғоч ўймакорлиги бўйича Хунармандчилик шаҳри мақоми берилди. Шу кунгача жаҳоннинг турли мамлакатларидаги 35 та шаҳар мазкур

мақомга сазовор бўлган бўлса, Кўқон шаҳри МДХ давлатлари ичида биринчи бўлиб ушбу рўйхатга киритилди.

— *Қадимий Кўқон ва унинг ўтмиши, бугунги кун ҳақида турли манбаалар орқали оз бўлса-да, маълумотларга эга эдим, — дейди германиялик сайёҳ Карен Макротер. — Бу ерга келгач, уста хунармандлар юрти ҳақида тасаввурларим янада бойиди. Тўғриси, ҳаммасига ҳавасим келяпти. Чунки бу ердаси хунармандчилик анъаналари,*



тайёрлаш усуллари бетақор ва нафис. Фестиваль жуда катта байрамга айланиб кетади деб ўйламаган эдим. Ўзбек халқининг хунармандчилик, халқ амалий санъати борасида имкониятлари жуда бой экан. Биз бу ишларнинг амалдаги кўринишларини кўриб, бир олам завқ ва таассуротлар олдик.

Хунармандлар маҳорат дарслари орқали ўзаро тажриба алмашмоқда

Фестиваль бўлиб ўтаётган бош майдон — Худоёрхон ўрдаси ва унга туташган маданият ва истироҳат боғига келган киши уста хунармандларнинг қалб кўри, меҳри билан тайёрланган турфа хунармандчилик маҳсулотлари билан танишиш имконига эга. Бу ерда республикамизнинг 153 та шаҳар ва туманларидан келган мингдан зиёд хунармандларнинг 34 та йўналишдаги амалий ишлари кўргазмага қўйилди. Қолаверса, ёшлар иштирокида маҳорат дарслари ўтказилмоқда. Фестиваль ишида 78 та хорижий мамлакатдан келган икки юз нафардан зиёд хунармандларнинг иштироки кўхна ва умрбоқий



АЖАБО...

Халқаро фестивалда Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидан келган хунарманд Нилуфар Жўраева ўзи яратган дунёдаги энг катта сўзана билан иштирок этмоқда. Сўзаниннг узунлиги 21 метр, бўйи 5,5 метр бўлиб, ўзига хос нақшлар асосида тайёрлангани билан кўпнинг эътиборини тортмоқда.

хунармандчилик анъаналарини ривожлантириш, ўзаро тажриба алмашиш, тинчлик ва миллатлараро тотувлик, ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятли.

— *Хунармандларнинг биринчи халқаро фестивалида қорақалпоқ элининг миллий хунармандчилик анъаналари, ўтмиши ва тараққий этган бугунги даврини бор буй-басти билан кўрсатиб бераймиз, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси «Хунарманд» уюшмаси бошқарув раиси Дилфуза Алламбергенова. — Чунки қорақалпоғистонликлар ҳам миллий хунармандчилик анъаналарини ривожлантириш ишларига алоҳида эътибор қаратади. Айни кунда 4 минг нафардан зиёд хунарманд кўхна ва миллий қадриятларимиз мужассам бўлган бенасир хунармандчилик анъаналарини ривожлантириб бормоқда. Бугунги халқаро хунармандчилик фестивалида улар ичидан саралаб олинган 46 нафар хунарманд ўз маҳсулотларини намойиш қилиши билан бирга, маҳорат дарслари ва семинар-тренингларда иштирок этмоқда.*

авайлаш, ривожлантириш борасида ўзига хос «Уста-шоғирд» мактаблари шаклланган. Ана шундай уста бешик-созлардан бири Шайх Саъдий номли маҳалла фуқаролар йиғинида умргузаронлик қилаётган Аҳмаджон ота Исоқовдир. У бешик-созлик хунарини ривожлантириб келаётган усталарнинг 14-авлоди.

— *Ривоятларга кўра, сулоламиз салкам минг йиллик тарихга эга. Чингизхон боққини пайтмида бир зуррў одамлар Андижондан қочиб сайхонлик, ҳамма ёғи очик жойи бўлган — Кўқонда ўрнашиб қолган экан, — дейди бешик-соз уста. — Шунинг учун биз яшаб турган жойларни ҳозиргача «Андижонлик» маҳалласи деб аташади. Шу заминда ўтқоқланиб қолган одамлар орасида 105 ёшли бешикчи бобомиз ҳам бўлган экан. Ўша замонлардан бешикчилик оилавий хунар бўлиб авлоддан-авлодга ўтиб келяпти. Яқинда «Исфарагузар» маҳалласидан бир киши бешикни таъмирлатиши учун олиб келди. Бир қарагандаёқ сездим — бобом ясаган бешик,*



Халқаро фестивалда иштирок этаётган қорақалпоғистонлик Олтиной Новбетова кўлда гилам тўқувчи хунармандларнинг тўртинчи авлоди саналади. Унинг, асосан, туя ва қўй жунидан тайёрланган маҳсулотлари ўзига хос кўриниши, ранг-тасвирга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Гиламини тайёрлашда маҳаллий халқларнинг урф-одат ва анъаналари, қадриятларига алоҳида эътибор қаратилаётгани эса кўхна хунарнинг ўзига хос жиҳатларини белгилаб беради. Фестиваль доирасида ўтказилган маҳорат дарсларида Олтиной томонидан жуңдан гилам тайёрлашнинг амалий иш услублари кўрсатиб берилди.

120 йиллик бешик

Кўқон миллий хунармандчилик мактабиде бешик-созлик алоҳида аҳамиятга эга. Бу ерда умрбоқий хунарни асраб-

120 йил бўлибди. Аммо бу хунар билан шуғулланиш, сақлаш, ривожлантириш осон бўлмаган. Собиқ совет тузуми даврида хунармандлар қувғин, тазйик остида бўлган. Тайёрлаган бешикларни қопларда яшириб сотишга, туңлари ишлашга мажбур бўлардик. Энди замон буткул бошқача. Президентимиз ташаббуси билан шаҳримизда Халқаро хунармандчилик фестивали ўтказилаётгани биз каби хунармандларни жуда қувонтирди. Ўйлайманки, ушбу саъй-ҳаракатлар ёшларимизни миллий урф-одат ва қадриятлар руҳида камол топтиришга катта ҳисса қўшади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда илк бор ўтказилаётган Халқаро хунармандчилик фестивали шукуҳли ва нутилмас онларга бой тарзда ўтмоқда.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»

ТАҚДИРНИ ҚЎЛ БИЛАН ЯРАТАР ИНСОН...

Кашқадарё вилоятида ногиронлиги бўлган 60 мингга яқин шахслар истиқомат қилади. Давлатимиз томонидан уларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада яхшилаш, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ҳуқуқ ва эркинликларини рўйбга чиқариш, жамиятдаги фаол позициясини шакллантиришга кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Биргина август ойида уларнинг 67 нафари квоталанган, 41 нафари вақант иш ўринларига жойлаштирилди. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси вилоят бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, ҳозирда 800 нафарга яқин ногиронлиги бўлган шахслар турли соҳаларда ўз меҳнат фаолиятини олиб бормоқда.

Интилган орзусига етади

Китоблик Севара Маннонова тиршоқ тadbirkor аёл. Ўн йилга яқин кўч-кўронини кўтариб, ижарама-ижара юрган пайтларида ҳам ҳеч кимга дардини дoston қилмади. Борига қаноат,




шукр қилиб яшади. Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги байрами арафасида Севара Маннонованинг муроди ҳосил бўлди, у имтиёзли уй-жойга эга бўлиб, турмуш ўртоғи Қамариддин, икки ўғли Аслиддин ва Суннатилла билан янги уйга кўчиб киришди.

Севара Маннонованинг бошқа тadbirkor аёллардан битта фарқи жихати бор. Бундан бир неча йиллар илгари, яъни 15 ёшида ҳаётида содир бўлган фожиа оқибатида ўнг қўли билангина кесиби ташланган.

— *Бошимга бу кўрғилик тушганида жуда тушқун ҳолатда қолдим, — дейди Севара Маннонова. — Яшашдан умидимни уздим. Тунлари билан энди нима қиламан, қандай яшайман, деб йиғлаб, ўйлаб чиқардим. Кейин ўзимни барча қийинчиликка тайёрлаб бордим. Аста-секин кўншиқдим. Шундан кейин мен кучлиман, бардошиман, ҳаммасини енгаман, деб ўзимни ишонтирдим.*

Унга она аъзолари, яқинлари, дўстлари мададор бўлишди. Мактабни тугатганидан сўнг онаси Гулсара опаанинг касби — тикувчиликни эгаллади. Бир қўли билан ҳар қандай кийим-кечакни бичишни ҳам, тикишни ҳам уддалайдиган бўлди.

— *Ўқидан бўи пайтларимда онаминг тикув чехида ишладим, — дейди Севара. — Ҳаттоки, бир қўл билан тиккан чокларим ҳам тўғри чиқди. Бир кун*



ўтириб, битта қуроқ кўрпача тиканимга ўзим ҳайрон қолдим. Аста-секин буюртмалар туша бошлади. Кейин қўйлақ тиканишга қарор қилдим. Онам матони бичиб бергач, уни тикдим. Яқин қариндошлар, кейинчалик доимий миқдорларга қўйлақ тика бошладим.

«Мақсадим — хотин-қизларни иш билан таъминлаш»

Севаранинг қўлидан нималар келмайди, дейсиз. Қўйлақ, кашта, дўппи тикади, пайпоқ, нимча тўқийди, совгабоп буюмлар, юмшоқ ўйинчоқлар тайёрлайди. Қийимлардан шунақа чиройли қуроқлар тайёрлайдики, хавасингиз келади. Хуллас, қўлигул, хунарманд...

— *Туманимизда ногиронлиги бор инсонлар анчагина, — дейди Севара Маннонова. — Тўғри, барчамиз ногиронлик нафақасини оляпмиз, аммо фақат унга қараб қолиш ҳам тўғри эмас. Ҳар бир инсон ҳаракат қилиши зарур. Шу қўнларда кўпроқ бешик ётиги тикаялман. Буюртма кўп. Иш ўргатинг, деб келувчи ёшлар ҳам талайгина. Мақсадим — каттароқ тикувчилик чехи ташкил этиб, ён-атрофимдаги хотин-қизларни иш билан таъминлаш. Чунки инсон доимо изланишида бўлиб, олдинга интилсагина ўз орзусига эришади.*

Эртанги кунга интилиб яшаш бахти

— *Ҳаётда тўрт мучаси сонпа-соғ бўла туриб, «Берсанг ейман, урсанг ўламан» дегувчилар қанча, — дейди Китоб тумани ҳокимлиги масъул ходими Лола Ҳроқова. — Севаранинг ҳаёти чинакамгина ҳам ибрат, ҳам жасоратдир. Бир қўл билан тикувчиликдек машаққатли касбини эгаллашининг ўзи бўладими?! Сабр, чидам, ирода, машаққат... Севара буларнинг ҳаммасини ениб ўтди, урдасидан чиқди. Олдига кийим тикиб беришини ёки хунар ўргатишини сўраб келганларни кўрса, қалби қувончга тўлади. Шу сабабли уйи ҳар доим сажвум. Уларнинг ҳар бирини меҳр билан қариши олади, кунт билан хунар ўргатади. Ўзини жамиятга, одамларга керак эканини ҳис этади. Бу унга руҳ баешилайди.*

Мустақиллик байрамини янги уйда кутиб олган фақат Севаранинг оиласи

ДАРВОҚЕ...

Жорий йил бошидан буён Қашқадарё вилоятининг ҳар бир туманида 70 тадан кам таъминланган оилаларга замонавий газ плиталари, газ баллонлари ва маиший техникалар берилди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, бундай тоифадаги фуқароларнинг уй-жой шароитини яхшилаш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилдики, бу пировардида айна йўналишда салмоқли ўзгаришларга замин яратди. Қарорга кўра, вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмалари ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан кам таъминланган оилаларнинг уй-жойлари таъмирлаб берилмоқда.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Давлат мулки объекти учун ижара тўлови кимларга 50 фоиз миқдориди белгиланади?

— *Икки йилдан буён тadbirkorлик билан шуғулланаман. Илгиларимдан 2 нафарининг имконияти чекланган. Бундан менга бирор имтиёз бериладими?*

Жуманазар БОЗОРОВ,
Қарши тумани бандликка кўмаклашиш маркази бошлиғи:

— *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 июндаги «Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бандлигини таъминлашни рағбатлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, 2018 йилнинг 1 августидан алоҳида тоифадаги тadbirkorларга қатор имтиёз ва преференциялар берилди. Жумладан, ногиронларни ишга оладиган тadbirkorларга давлат мулки объектлари «ноль» кийматда берилиб, ижара тўлови энг кам ижара тўловининг 50 фоизи миқдориди белгиланди. Шунингдек, уларга 3 йил муддатта имтиёзли кредитлар ажратилади.*

Ходимларининг 50 фоизини ногиронлиги бўлган шахслар ташкил этган корхоналар учун жами ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди учун ногиронлиги бўлган шахсларни захираланган (квоталанган) ишга қабул қилган ташкилотларга ҳар бир ходим учун ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдориди ҳақ тўланади. Шу билан бирга, уларнинг бандлиги 12 ой давомида сақланиб қолади. Иш бевувицларга бандликка кўмаклашиш марказларининг йўлланмаси бўйича ишга қабул қилинган ҳар бир ногирон ходимни касбга қайта ўқитиш ва малакасини оширишга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш учун энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдориди ҳақ тўланади.

Дилшод ЮСУПОВ,
Қарши шаҳри.

Ҳайвонларга шафқатсизларча муносабатда бўлиш қонунан тақиқланди.

Шохиста БОЗОРОВА
«Mahalla»

Нега дўппи киймай кўйдик?

ДўППИ КИЙИБ КИМГА НИМАНИ ИСБОТЛАМОҚЧИ ЭДИМ? КАДРИЯТЛАР УНУТИЛМАЙДИ, ДЕМОҚЧИМИДИМ? АММО ХОЗИР ИШГА ЁКИ ЎҚИШГА ДўППИ КИЙИБ БОРИШ ЭРИШ ТУЮЛАДИ. ОДАМЛАР БЕГОНАДЕК ҚАРАЙДИМИ-ЭЙ...



Мухаммад ЮСУФ

Дўппи

*Дўппи киймай кўйди одамлар,
Бир шоир, бир носирдан бошқа.
Сочлар силлиқ,
Силлиқ қадамлар,
У оғирлик қиляпти бошга...*

*Рост дўппилар,
Ёлгон дўппилар,
Киноларда қолгон дўппилар.
Чуст дўппилар,
Анжон дўппилар,
Мунчоқдек Марғилон дўппилар...*

*Дўппи киймай кўйди одамлар,
Бир шоир, бир носирдан ўзга,
Мен ҳам сизга бердим саволлар,
Шляпамни бостириб кўзга.*

*Дўппи киймай кўйди одамлар,
Кўнгил эса кўрмоқ тусайди.
Маданият гуллаган дамлар,
Каллага эътибор сусайди.*

*Дўппи киймай кўйди одамлар,
На уйда ва на кўчада.
Миртемирлар, Фафур Фуломлар
Ечган дўппи қолди тоқчада...*

*Бу қандайин кўргулик савдо,
Дўппи киймай кўйди халойиқ,
Бошга лойиқ дўппи йўқдир ё —
Бош қолмади дўппига лойиқ,*

Сухроб ЗИЁ.

ДАРВОҚЕ...

Шакли кўп жиҳатдан чуст дўпписига ўхшаш бўлган марғилон дўпписи гуллари (нисбатан ингичка ва узун қалампир шакли)нинг сидирға қопланмаслиги билан фаркланади.

рекламага ўхшаб қолганини сезаман. Аммо баъзан одам миллий ўзлигини реклама қилиши керак бўлар экан. Ёйдан чики кетмасдан, албатта.

«Шароф Рашидов яхши кўрарди...»

Кўчада кетяпман. Кексайиб қолган бўлса-да, барваста, сочлари оқариб қолгану юзидан ёшлик шижоати кетмаган бир рус кишиси узокдан қараб турганини сезаман. Қандайдир хаяжон бор юзида. Мен томонга юра бошлайди. Нима гапи бор экан? Келиб кўришади. Қаерданлигини сўрайди. Бошимда дўппига ишора қилиб гапирга бошлайди. Сўзларини уқиб олишга ҳаракат қиламан. У ўзбекча гапларини шундай қабул қилади:

— Ташкентда бундай дўппи кийишмайди. Қасрдансан?
— Қаршиданман
— О, Қарши...Биламан... Знаю-знаю,
— дейди ўзбекча сўзлашга уриниб. — Рашидовни биласанми? Шароф Рашидовни?..

— Ҳа, дейман.
— Ким, ким? — русий оҳанг билан.
— Ўзбекистоннинг раҳбарларидан...
— Великий человек. Катта-а... Шароф Рашидович яхши кўрарди (дўппимга ишора қилиб). Ёдимда. Унга хизмат қилганман. Дўппини ечма... Шароф Рашидович яхши кўрарди.

У шундай дедию яна йўлида давом этди... Унинг сўзларини қийналиб тушунаман. Ниманидир эслаб қувонганини сезаман.

Қачон ўзимизни «миллийлаштирамиз?»

Телеграм профилимга дўппи кийиб тушган суратимни кўйиб қўйсам, аям хавотир билан телефон қилади. Дадам сўкиб беради: «Уйга бундай келиб турма, кўрганлар бунинг кими ўлди экан, деб ўйлайди», дейди. Мана, адабиётга қаранг. Бир пайтлар Эркин Воҳидов: «Қайга борсам, бошда дўппим, ваз юрарман гердайиб...» деб ёзган. Ҳок ўтиб Мухаммад Юсуф: «Бошга лойиқ

Ҳаммаси Самарқанд шаҳрида бошланди. Туркий тилли ижодкорлар анжуманида ташкилотчилар барчага биродарлик рамзи сифатида ўзбек дўпписини тарқатишди. Туркнинг ҳам, озарнинг ҳам, туркманнинг ҳам бошида ўша қалампир дўппи! Бир чиройли-ей! Аммо баъзи тенгдошларимиз ўзини миллий бош киймини кийишдан уялгандек тугганига орим келди. Қарор қилдим: энди доим дўппи кийиб юрарман...

Шароф Бошбековнинг «Масхарабоз» фильмида масхарабоз Теша каттак еб, кейин уст-бошини қоқа туриб айтган гапи бор: «Кўл бутун, оёқ ишлапти, бош ҳам соппа-соғ. Ие, дўппи қани? Ҳа, мана экан, топдим. Бош омон бўлса, дўппи топилади, дегани шу бўлса керак...» Муаллиф халқнинг доно нақлини ўз ўрнида қўллаб, сўз ўйини қилган.

«Тинчликми? Дўппи кийибсиз?»

Кўҳна кентдан азим пойтахтга бошимда дўппи билан кайтдим. Кўрганлар бирдан сергак тортади. Хижолат тортибгина «тинчликми» деб сўрайди. «Ҳа» дейман, «дўппи кийгим келди» дейман, «ўзбек бўлгим келди» дейман. Университетга бораман, устозлар таажуб билан қарайди, курелдошларим кўнгил сўрайди. Мен қайта-қайта ниятимни тушунтираман: «Дўппи кийгим келди, ўзбек бўлгим келди». Гўё дўппи кийса, ўзбек бўлиб қолиш мумкинлигини ақлга сиғдирилмагандек қарайди нигоҳлар. Декан кўришгач, кўнгил сўрайди. «Дўппи кийишини урфга киритмоқчиман», дейман хонасининг бурчиди дўппи кийиб хаёллар оғушида тушган портретга тегиштириб. Қулиб кўяди. Факультетнинг интернетдаги гуруҳида барча йигитларни дўппи кийиб келишга чақираман. «Университет одоб-ахлоқ қондалари»га зид эмасдир, деб илмоқ ташлайман...

Автобуста бир онахонга жой бераман. «Ўғлим, сумкангизни бера қолинг», дейди. Бўм-бўш сумкамни кўтартириб кетиш малоли келади. Лекин у кўймайди: «Дўппингизнинг хурмати учун. Ўғилларимга кўп айтаман, қани бирортаси кийса, одамлар кулармиш. Мана, бўларкан-ку». Автобуста йиртик-ямок шим кийган иккита бола чиқади. «Кўчада юришга шулар уялсин», дейди онахон.

Таксига ўтираман. Ҳайдовчи дўппимга қарайди: «Водийда нима гаплар?» Мен вохали эканимни айтаман — ҳайрон қолади. Унда нега марғилон дўппи кийиб юрганганини сўрайди. Менга шунақаси ёқинимни айтаман. Вохалиқлар бундай дўппи киймас экан. «Бунинг ахамияти йўқ», дейман. У эса менга қандайдир қондани бузган одамга қарагандек қараб кўяди...

Ишхонага бораман. Яна ҳаммада ўша ҳайрон нигоҳ. Жабоим эса ўша-ўша. Ёши каттарок опа қувонганини яширмайди: «Одамларнинг кўзи дўппига ўрганмаган, шу даражага етдик», деб ёзгирди... Аслида қилган ишим

Жорий йилда 11 минг 939 та кўп тармоқли фермер хўжалиги фаолияти йўлга қўйилди.

Наима ПЎЛАТОВА:

«МЕН УЧУН ҲАР ДОИМ ЎЗБЕК АЁЛИНИНГ ИБОСИ, ЮЗИДАГИ ҲАЁСИ МУҲИМ»

ҲАР БИР ЯРАТИЛАЁТГАН ОБРАЗГА ЖОН
АТО ЭТИШ — АКТЁРНИНГ ВАЗИФАСИ



Президентимиз томонидан Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги муносабати билан мукофотланган бир гуруҳ маданият ва санъат соҳаси ходимлари орасида Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусикали театри олий тоифали солист-вокалисти, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Наима Пўлатова ҳам бор. «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланган 80 ёшли актриса ҳануз театр сахнасида турфа образларни жонлантиряпти. У киши билан дилдан суҳбатлашганимизда ёшларга хос шижоат билан ширали овозда «Муножат» қўшиғини қўйлаб бизни яна бир бор ҳайратлантирди.

Ўқитувчи бўлмоқчи эдим

— Ташкент шаҳрида санъаткорлар оиласида дунёга келганман, — дейди таниқли актриса. — Отам Қудратилла Тошхўжаев созанда эди, у най чалган. Онам Ҳалима Исмаилова ҳам актриса, ҳам хонанда эди. Менга илк бор қўшиқ қўйлашни онам ўргатган. Мактабда ўқиб юрган кезларим доим «ўқитувчи бўлман» дердим. Ўша пайтда устозларимга ҳавас қилганман. Айниқса, адабиёт дарсига меҳрим ўзгача эди. Мактабни тугатиш арафасида қўшнимиз Тошкент театр ва рассомлик санъати институтига қабул бошланганини айтиб қолди. Бирдан фикрим ўзгарди. Уйдагиларга айтмай, санъат институтига ҳужжатларимни топшириб келганман. Илмixonни халқ артистлари Раззок Ҳамроев ва Наби Раҳимов олишган. Аммо уйимдагилар буни билмасди. Санъат соҳасида ўқиганлар тушгача дарс

ўтиб, кейин амалиёт билан шуғулланишаркан. Ҳар куни уйга кеч бориб ота-онамдан гап эшитавергач, охири ҳақиқатни айтдим. Негадир ота-онамни қаршилик қилишди деб ўйлаганман. Аксинча, тўғри қабул қилишди. «Бизнинг йўлимиздан кетибсан, санъатни танлабсан-да», дейишди. Мендан кейин синглим ва укам ҳам санъаткор бўлишди.

Барча ролларим мен учун қадрли

Ўқиб юрган пайтимизда гуруҳимиз раҳбари Раззок Ҳамроев Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусикали театрига олиб келган. Ҳам ўқиб, ҳам ишлаганмиз. Назарий ва амалий билимлар биргаликда олиб борилган. Театр менга кўп нарса берди: шон-шуҳрат, мартаба, элнинг меҳри. Барча ролларим мен учун қадрли. Мени элга танитган ролим «Жон қизлар» спектаклидаги Ойсулув обра-

зи бўлган. Унғача устозларим — Эътиборхон Жалилова, Фароғатхон Раҳматова ўйнаган «Фарғона тонг отгунча», «Нурхон», «Паранжи сирлари», «Равшан ва Зулхумор» каби спектаклларда бош қаҳрамонларни гавдалантирганман. Кейин «Момо ер», «Зеби, Зебона», «Қизил дуррали нозик ниҳолим» каби спектаклларда ўз образларимни яратганман. Ойсулувни ўйнаганимдан кейин мени ҳамма шу қаҳрамонимнинг исми билан қаҳира бошлаган.

Театрда иш бошлаганимдан кейин 19 йил ўтгач, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, орадан 20 йил ўтиб, ижодимга 40 йил тўлганида 1997 йилда Халқ артисти унвонига сазовор бўлдим. Барчаси меҳнатимнинг рўёбидир. Чунки ҳар йили виллоятларда ойлаб ижодий сафарларда бўлиб, эл хизматида бўлганмиз. Сафарларга беш фарзандимни ҳам бирга олиб кетганман. Улар касбимизнинг машаққатларини биз

билан бирга кўришган. Шунинг учунми ҳеч бири санъат йўлини танламади.

«Келинлар кўзғолони»да ролим алмашган

Илк марта «Маҳаллада дув-дув гап» фильмида эпизодик роль ўйнаганман. Лутфиixonим ая Саримсоқова қурилишга бориб турган жойида газетадан шапка қилиб кийиб олган қурувчи киз ролни кўриганман. Бу фильмида ўзбек санъатининг афсоналари ишлаган десам муболага бўлмайди. Улардан жуда кўп нарсаларни ўрганганман. Кўпчилик мени «Келинлар кўзғолони» фильмида кичик эпизодик ролим орқали танишди. Аслида бу фильмида Клара Жалилова ўйнаган Лутфи ролини ижро этишим керак эди. Ётоқхонада ётиб галлашадиган сюжетни борлиги учун бу ролни рад этганман. Сўнгра ўша ўғли камалган она образида чиққанман. 60 йиллик ижодимда бирон марта беҳаё, енгилтабиатли ва бетарбия хотин-қизлар образида чиқмадим. Шунинг учун жуда кўп роллардан воз кечишимга тўғри келган. Мен учун ҳар доим ўзбек аёлининг ибоси, юзидаги ҳаёси муҳим бўлган. Кинода бош роллар учун жуда кўп таклиф бўлган. Аммо турмуш ўртоғим руҳсат бермаганини сездирмай, «театрда ишларим кўп, улгурмайман», дея рад этганман. Доим биринчи ўринга оиламни қўйганман.

Олдинлари битта фильм ййлаб ишланган. Ҳозир бир ойда битта фильм олиш мумкин. Сифат эса паст. Актрисалар илгари кинодаги оддий эпизодик ролларга ҳам ойлаб ўргатилган, қайта-қайта синовлардан ўтказилган. Бир фильм учун роль ўйнашга ойлаб тайёргарлик кўрганмиз. Ҳозирги фильмларда табиийлик етишмаяпти. Тоғашбинни эса алдаб бўлмайди.

Яна қайта касб танлаш имконияти туғилса...

Институтда бироз муддат дарс бердим. Ҳозир мен ўқиган талабалар ёнимда театрда билиш кераклигини уқтираман. Ҳеч қачон сахнага хиёнат қилманглар, чунки сахна актёрнинг ажралмас бўлаги, дейман. Мусикали театрда, энг аввало, арияларни маромига етказиб ижро эта олиш лозим. Ёдимда, талабалик пайтимизда Лола Хўжаева нутқ фанидан дарс ўтарди. У бизни шу қадар зўр ўқитганки, биз роль ижро этсак, охириги қатордагилар ҳам овозимизни эшитишди. Ҳозирги актёрларнинг гапини иккинчи қаторда ўтирган тоғашбинни зўр-эшитишди. Мен шу ҳолатдан доим ташвишланаман. Шу боис ёшларга баланд овозда гапириш ва нутқни ривожлантириб бориш кераклигини уқтираман. Овоз устида ишлашларини кўп тақдорлайман.

Актёр бўлиш осон. Аммо халқнинг юрагидан жой олиш, эл дарди билан ёниб яшаш мушкул. Ҳар бир яратилаётган образга жон ато этиш — бу актёрнинг вазифаси. Эса қоларли образлар шундагина яратилади. Яна қайта касб танлаш имконияти туғилса, албатта, актриса бўлардим. Театр — жонли санъат. Ҳар сафар сахнага чиққанымда ўзгача шукӯҳ бўлади. Тақрор-тақрор битта ролни ижро этсамда образда қайтадан яшайман.

Юртбошимиз томонидан меҳнатларим эътироф этилиб, орден билан тақдирланишим мен учун шараф. Диллимдаги кечинмаларимни сўз билан ифода эта олмаيمان. Ўша захоти кўзларимга ёш қуйилиб келди. Ҳали олдинда қиладиган ишлар кўп. Чарчадим дейишга эса эрта.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

МЕНДА САВОЛ БОР...

Биринчи ўзбек актрисаси ким бўлган?

— Биринчи ўзбек актрисаси ҳаёти фожияли яқун тоғани ҳақида айтади. Шу ҳақида маълумот берсангиз.

Нигора ЭРГАШЕВА,
Тошкент шахри.

Феруза ХОЛИҚОВА, Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусикали театри матбуот хизмати раҳбари:

— 1911 йилда Тошкентда тугилган Турсунои Саидзаминова биринчи ўзбек актрисаси сифатида танилди. У ўн тўрт ёшида ҳаваскорлар труппасига қўшилиди. Ўша вақтда республика ҳукумати ўзбек театрининг кейинги тараккиятини ўйлаб актёрларни сабоқ олиш мақсадида Москвага юборди.

Шу тарихи 1924–1927 йилларда Москва ўзбек драма студиясида ўқийди. 1927 йилдан Ўзбек драма труппасида актрисалик фаолиятини бошлади.

Қиска умри давомида ўзбек ва чет эл драматургиясидан ёрқин образлар яратди: Николай Гоголнинг «Ревизор»ида Мария Антоновна, 1927 йилда Карло Готссининг «Маликаи Турандот» асарида Турандот, Карло Голдонининг «Икки бойга бир малай» комедиясидаги Клариче образлари шулар жумласидан.

Тақдир тақозоси билан унинг ҳаёти фожияли яқун топди. 1928 йилнинг 10 майида 17 ёшида Бухородаги гастроль сафари чоғида ўз турмуш ўртоғи томонидан ваҳшиёна ўлдирилди. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий унга атаб «Турсунои марсияси»ни яратган.



«САОДАТ» сериали Евроосиё кинотелефестивалида бир неча мукофотга сазовор бўлди.

КАШАНДАЛИКНИ ГИПНОЗ БИЛАН ДАВОЛАСА БЎЛАДИМИ?

Чекиш нафақат кўпгина хасталикларга сабаб бўлади, балки тамакига қарамликни ҳам келтириб чиқаради. Чекишни ташлашга аҳд қилиш қийин ва масъулиятли қарор. Ҳамманинг ҳам бунга иродаси етмайди. Шу боис бу иллатдан қутулишни истовчилар осон йўллارни қидирадилар. Баъзан «фалон жойда кашандаликни тузатадиган дами ўткир мулла чиқибди», деган гапларни ҳам эшитиб қоламиз. Бунинг қанчалик рост ёки ёлгон экани эса кўпчиликка қоронғи.

Аммо тамакига қарамликни гипноз ёрдамида даволаш усули борлиги ҳақиқат. Чет элларда у «тамакихўр»ларга самарали даво чораси сифатида таклиф қилинади ва махсус тарзда даволаш олиб борилади. Юртимизда ушбу даволаш усули оммалашмагани боис кўпчилик у ҳақда яхши маълумотга эга эмас. Бир қарашда эътиборни тортқанидан бу усул кашандаликдан қутулишда энг қулай чорага ўхшаб кўринади. Аслида ҳам шундайми?

Тамакидан халос бўлиш қанчалик зарур?

— Чекиш, биринчи навбатда, ўпкани зарарлайди, — дейди олий тоифали шифокор Мухаббат Насвалиева. — Айниқса, ўпка альвеолалари ва майда бронхлар кашандалик-



дан энг кўп зиён кўради. Кислород етишмаслиги ва бронхлардаги яллиғланиш сабабли кашандани кучли, узок давом этувчи йўтал безовта қилади. Натижада обструктив ўпка бронхити — оғир сурункали ўпка касаллиги ривожланади.

Кашандалик саратон (рак)нинг ривожланишига кенг йўл очади. Тамаки тутунида 3 мингдан зиёд кимёвий модда-

лар бор бўлиб, улардан 60 таси ракни чақиради. Бошқа саратон касалликларига қараганда, кишилар кўпроқ ўпка ракидан вафот этади.

Чекишнинг хавфли жиҳатларидан бири шундаки, унинг зарари тезда билинмайди. У организмни аста-секин заҳарлаб, унинг қаршилик тизимини ишдан чиқариб боради. Чекиш оқибатида артериялар чўзилув-

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Дунё бўйича қанча одам

тамаки захридан вафот этади?

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ер юзиде 1,5 миллиард кашанда бор. Бу дунё аҳолисининг ҳар тўрт кишидан бири чекувчи эканлигини аниқлатади. ЖССТ маълумотларига келтирилишича, дунё бўйича ҳар йили 5 млн. аҳоли чекиш сабабли вафот этаркан.

чанлиги йўқолади, мўртлашади, томирлар тораяди. Тамаки таркибидеги курум ва сақич нафас йўлларида ўтириб қолади. Натижада лорингит келиб чиқади, овоз бўғилиб, хириллаш пайдо бўлади. Респиратор касалликлар хавфи ошади. Чекиш ўпка саратонининг 71, нафас йўллари сурункали касалликларининг 42 ва юрак қон-томир касалликларидан 10 фозининг сабабчисилади.

Чекиш, айниқса, ўсмирлар учун жуда хавфли. Чунки бу даврда организмда ҳали физиологик функциялар шаклланимаган бўлиб, никотин таъсирида улар патологик ҳолда шаклланади. Энг ёмони, ёшлиқда ўрганилган кашандаликдан кейинчалик қутулиш қийин.

чекишни ташлай олмайди. Бу усул, бошқалар сингари, ирода кучини талаб этади.

Эътиборли жиҳати, Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўтган йили тамаки қарамлигини даволашга ёрдам берадиган янги клиник тавсияларни тасдиқлади. Унда тамаки қарамлиги синдромини даволайдиган ва кузатадиган мутахассис шифокорлар рўйхати (оддий терапевтлар ва умумий амалиёт шифокорлари, кардиологлар, психиатрлар, наркологи) ва янги даволаш усуллари келтирилган ҳолда, бошқа даволоччи воситалар қаторида гипноз ҳам никотинга қарамликни даволашда тавсия этилмади.

Демак, тамакига қарамликдан кутқаришда гипнознинг устуликка эғалигини бўғтириш нотўғри. Уни оддий даволаш усули сифатида қабул қилиш ва кашандаликдан бир зумда халос бўлиш имконсизлигини тушуниш лозим.

Одатий усуллар қайсилар?

Чекишни ташлашга ҳеч қачон кеч бўлмайди. Бунинг қанча тез амалга оширсангиз, ўзингизга фойда. Бунинг учун баъзи бир қоидаларга амал қилиш жоиз. Биринчидан, уйдаги, ишдаги, машинадаги бarchа сигарет, кулдон, гугуртлардан халос бўлинг. Бошқаларга уйингизда, машинангизда чекишни ман қилинг. Иккинчидан, чекишдан ўзингизни чалғитишга ҳаракат қилинг. Агар қаттиқ хумор сизни тарк этмаса, ким биландир гаплашишга ёки ўзингизга ёқадиган машғулот билан шуғулланишга уриниб кўринг. Энг муҳим жиҳати, дори-дармон ҳақда дори воситаларисиз даволаш усуллари мурожаат қилинг. Қайси бир усул сизга тўғри келишини мутахассис-нарколог хал қилади. Қолаверса, яқинларингиз, дўстларингиз ва ҳамкасбларингиздан чекишни ташламоқчи эканингизни қўллаб-қувватлашларини сўранг. Яна яқинларингиздан сизни оқингизда чекмасликни илтимос қилинг.

Гипнотерапия қай даражада ёрдам беради?

Аслини олганда, гипноз муаммони осонгина хал қилиб берадиган восита эмас. Унинг ҳам ўзига яраша шартлари бор. Хусусан, кашанданинг ўзи тамакига қарамликдан қутулишни хоҳлаши муҳимлигини гипнотерапия мутахассислари ҳам тасдиқлайди. Уларнинг таъкидлашича, никотинга қарамликни гипноз билан даволаш тиббий муассасада ва фақат шифокор томонидан амалга оширилади. Бунда беморнинг чекувчилар билан мулоқоти машғулотдан 24 соат олдин тўхтатиши тавсия қилинади. Шифокор дам олиш ва машғулоти тартибга солишга ёрдам беради. Бемор транс ҳолатига тушганида шифокор қодлаш дастурига ўтади. Қодлаш дастуридан кейинги натижа барқарор бўлишини таъминлаш чекишни гипноз билан даволаш учун махсус лицензияга эга бўлган психиатр, психотерапевт томонидан олиб борилади.

Аммо маъмур даволаш усулини самарасиз дея баҳолайдиганлар ҳам бор. Уларнинг фикрича, гипноз одамнинг чекиш ҳақидаги фикрини ўзгартира оладиган даражада кучли эмас. Никотинга қарамлик, биринчи навбатда, психологик қарамликдир. Агар чекишни ташлагандан сўнг, одам азоб-уқубатларга олиб келадиган маҳрумлик ҳиссини бошдан кечирса, гипноз остида

ДАРВОҚЕ...

Ҳам соғлиққа, ҳам чўнтакка фойда

Шарқий Англия университети мутахассислари тамакига қарамликдан қутулишнинг янги усулини таклиф қилишди. Тадқиқот шунини кўрсатдики, чекишни ташлашда пул билан муқофотлаш катта ёрдам беради.

Никотинга қарам бўлган 20 мингдан ортиқ кўнгилчилар иштирокидаги тажрибаларда 40 еврога сигаретдан воз кечиш таклиф қилинди. Баъзида муқофот 1056 еврога ҳам кўпайиши мумкин.

Der Spiegel нашрининг ёзишича, чекишни ташлаш учун муқофот нафақат минглаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолади, балки чекувчилар тез-тез дуч келадиган касалликлардан даволаниш учун пул тежашга ҳам ёрдам беради.



КАДМИЙ
Кадмий бирикмаси захарли. Айниқса, унинг оксиди (СbO) бундан нафас олиш ўта хавфли ҳисобланади. Бундай буғ микродори 7,5 мл/гр/ни ташқил қиладиган ҳаводан 1 дақиқа давомида нафас олиш ўлимга олиб келади.

БУТАН
Бутан нафас қисқиси ва юрак аритмиясини келтириб чиқаради.

ИС ГАЗИ

ГЕКСАМИН
Унинг катта дозаларда қўлланиши ошқозон ёки қовуқда яллиғланишни келтириб чиқариши мумкин.

ЕЛИМ

АММОНИЙ

КОФӨЗ

НИКОТИН
Иккинчи даражадаги заҳарли модда ҳисобланади, нейротоксин сифатида таъсир ўтказиши. Нерв тизими фалажи (нафас олишнинг бирдан тўхтаб қолиши ёки юрак уришининг тўхташи)га олиб келади. Инсоннинг ўлимга сабаб бўладиган ўртача дозаси 0,5-1 мг/кг/ни ташқил қилади.

МЕТАНӨЛ
Асаб ва қон томир тизимига таъсир қилувчи заҳар. Организмга тушган 5-10 мл/гр метанол оғир заҳарланишга олиб келади, 30 мл/гр ва ундан юқориси ўлимга сабаб бўлади.

МЕТАН

БЎЕК

МАРГИМУШ
Инсон учун маргинушнинг ҳалокатли дозаси вазндан келиб чиқиб, 50-170 мл/кг/ни ташқил қилади.

Саҳифани
Тўлқин ШЕРНАЕВ
тайёрлади.



Бугунги кунда ҳар икки-уч бемордан бири гормонал восита қабул қилиб даволанаётганини айтади. Аммо одамларнинг ушбу дориларга муносабати турлича экани сир эмас. Биров уларни фойдали деса, бошқаси тескари фикрда. Аслида-чи? Гормонлар ўзи нима? Агар зарарли бўлса, нега айрим ҳолларда шифокорлар беморни даволашда гормонал воситаларга мурожаат этишади? Организмда гормонлар миқдорининг камайиши ва сунъий ортиши нималарга олиб келади? Ушбу саволларга жавоб топиш мақсадида тиббиёт фанлари доктори, профессор Тоҳир Иброҳимовнинг фикрлари билан қизиқдик.

ГОРМОНЛИ МУОЛАЖА ФОЙДАМИ ЁКИ ЗАРАР?

Организмнинг барқарорлиги нимага боғлиқ?

— Гормонлар (юнонча *hormano* – қўзғатаман) биологик юқори фаол моддалар бўлиб, ички секреция безлари томонидан ишлаб чиқарилади, — дейди Тоҳир Иброҳимов. — Улар бутун организмга тарқалиб, турли аъзо ҳамда тўқималарнинг фаолиятини бошқаради. Баъзилари муайян аъзоларга, масалан, тиреотроп гормон, асосан, қалқонсимон безга, адренокортикотроп гормон (АКТГ) буйрак усти безларининг пўстлок қаватига, эстрогенлар бачадонга таъсир этади ва ҳоказо. Бошқалари

(қалқонсимон без гормонлари, кортикостеронлар, Ушиш гормони ва бошқалар) организмнинг ҳамма тўқималарига умумий таъсир кўрсатади.

Сирасини айтганда, гормонлар организмнинг барқарорлигини қўллаб-қувватлайди, ташқи ва ички ўзгаришларга жавоб беради, шунингдек, репродуктив саломатлик ва ўсишни назорат қилади. Масалан, қалқонсимон без гормони кимёвий жараёнларнинг тезлигини аниқлайди. Буйрак усти бези гормони эса вужудни стресс учун тайёрлайди. Жинсий гормонлар — эстроген ва тестостерон репродуктив саломатлиқни тартибга солади. Гипофиз гормони мия ичидида жойлашган бўлиб, барча

Гормонал воситаларнинг ноҳўя таъсири, асосан, уларнинг миқдори нотўғри ҳисобланганда ва берилиш тартиби бузилганда келиб чиқади.

гормонларни бошқариб туради.

Гормонлар организмда юз бераётган барча жараёнларни назорат қилади. Ички аъзолар ва эндокрин тизим фаолияти (яъни гормон ишлаб чиқарувчи аъзолар) бир-бири билан ҳамма вақт боғлиқдир. Бу организмнинг физиологик хусусияти бўлиб, зарурият бўлмаса, бу ҳолатга аралашини керак эмас.

Аммо эндокрин без фаолиятининг бузилиши гормонлар фаолиятига ҳам таъсир қилиши мумкин. Гормонлар кўпинча турли ўсмавлар таъсирида, нотўғри турмуш тарзи, тартибсиз овқатланиш, уйқусизлик, стресслар сабаб бузилишга юз тутади.

Гормонал воситалар қачон қабул қилинади?

Баъзи хасталикларни даволашда гормонал воситаларга эҳтиёж сезилиши бор гап. Хусусан, гипотериоз, онкологик касалликлар, қандли диабет, пақаналик, климакс, бепуштлик ва бошқа касалликларда ушбу дорилар қўлланилади. Шифокор гормонал дориларни беморга тавсия қилишда, албатта, уларнинг ноҳўя таъсирларини ҳисобга олади. Бирок айрим ҳолларда беморлар гормонал воситаларни ўз билганича мустақил қабул қилаётганига гувоҳ бўламиз. Асло бундай қилиш керак эмас. Чунки бу дориларнинг фойдасидан кўра зарари кўп.

Гормонал воситаларнинг ноҳўя таъсири, асосан, уларнинг миқдори нотўғри ҳисобланганда ва берилиш тартиби бузилганда келиб чиқади. Чунки инсон организмда ишлаб чиқариладиган гормонлар доимо бир хил турмайди, уларнинг миқдори кун давомида, кайфиятта



боғлиқ ва бошқа омиллар натижасида ўзгариб туради. Шу боис гормонал воситаларни тавсия этишда инсоннинг индивидуал хусусиятлари, сутканинг вақти, эмоционал зўриқишлар эътиборга олинishi керак.

Қўркувлар қанчалик асосли, иложсиз ҳолатлар қайсилар?

Гормонлар туфайли вазн ортади, деган хавотир кўпчиликда бор. Аммо ҳаммаси ҳам семиришга олиб келмайди. Масалан, тизимли ГКС (глюкокортикостеронлар)дан узок вақт фойдаланиш натижасида инсон вазнининг ўзгариши кузатилиши мумкин.

Айрим гормонал дорилар узок вақт давомида қабул қилинса, организмдаги безлар ушбу гормонни камроқ миқдорда ишлаб чиқариши ҳам хақиқат. Мисол учун, бронхиял астма бўлган беморга гормонлар буюрилади. Дастлаб ўртача ёки юқори ИГКС (ингалияцион глюкокортикостеронлар) дозаси буюрилади, аммо кейин доза минимал даражага туширилади. Бу эса бронхиял астмани тўлиқ назорат қилади.

Баъзан гормонлар инсон ҳаётида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бронхиял астма ёки жиддий аллергия реакция (анафилактик шок) хужуми билан юзага келадиган патологик жараённи фақат гормонларни қабул қилиш тўхтата олади.

Қалқонсимон без бутунлай олиб ташланган бемор ҳаёти давомида гормон препаратларини қабул қилишига тўғри келади. Бошқа чора йўқ. Бундай ҳолатни диабет билан касалланган беморда ҳам кўриш мумкин, у инсулинсиз яшай олмайди.

Оздирувчи дорилар хавфлими?

Кўпчилик ортикча вазндан халос бўлиш учун парҳезга амал қилишади, тренажёр залларга қатнашади, бироқ бу усуллар уларга ёрдам бермайди. Ортикча вазн моддалар алмашинуви бузилиши билан боғлиқ бўлиб, метаболизм

бузилишидан келиб чиқади. Бу ҳолатда ортикча вазндан қутулишда қалқонсимон без гормонлари ёрдам беради. Чунки қалқонсимон без гормонлари метаболизмни яхшилайди. Унутмаслик керакки, бу гормонларни шифокор билан маслаҳатлашган ҳолда қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Ҳомиладорликда қўлласа бўладими?

Ҳомиладорлик даврида бола тушиб қолишининг олдини олиш мақсадида қўлланиладиган гормонал воситалар асосан аёл организмда ушбу гормонларни ишлаб чиқариш камайганда тавсия этилади. Прогестерон гормони камайганда хомиланинг ривожланиши бузилиб, хомила тушиб қолиши хавфи вужудга келади. Шу боис хомиладорлик даврида кўпинча «Дюфастон» ёки «Утрожестан» гормонал таблеткалари буюрилади. Бу дориларнинг хомилага зарари йўқ. Бирок бўлажак онага ноҳўя таъсирлари бор. Масалан, у бош айланиши, уйқучанлиқни келтириб чиқаради.

Тери касалликларида таъсири қандай?

Сурункали кечувчи айрим тери касалликларида бошқа дори воситалари ёрдам бермаганда гормонал малҳам ва кремлар қўлланилиши мумкин. Жумладан, аллергия тери касалликлари, дерматитлар, экзема, псориазда фойда беради. Бирок уларни узок муддат давомида (14 кундан зиёд) ёки ёш болаларда қўллаш тавсия этилмайди. Чунки бундай вазиятда аллергия ҳолатлар, хусусан, соч ва туқларнинг тўқилиши, терининг қуруқлашиши ва юпкалашиши, тери ранги ўзгариши, териға иккиламчи инфекцияларнинг тушиши, иммунитетнинг пасайиши, шишлар, артериал қон босимининг кўтарилиши ва бошқа салбий ҳолатлар кузатилади.

Саҳифани
Тўлқин ШЕРНАЕВ
тайёрлади.

ДАРВОҚЕ...

Энг асосий гормонлар қайсилар?

Қалқонсимон без гормони

— кальцитонин ва тиреоидитларга бўлинади. Кальцитонин организмни кальций билан таъминлайди ва у тиреоидит билан қўшилиб келади. Тиреоидитлар эса бизни йод билан таъминлаб беради ва улар Т3-Т4 турларига бўлинади. Айнан шулар қалқонсимон без фаолиятини бошқаради.


Эстроген — аёллик гормони бўлиб, у жинсий хусусиятларни ривожлантиришда фаол иштирок этади. Яъни, сут безларининг ўсиши, кенг тос, ингичка бел билан шаклланишида ўрни катта. Бу гормон жуда кам ҳолатларда ишлаб чиқарилади. Унинг фаоллашуви хомиладорлик пайтида рўй беради.

Тестостерон — эркаклик гормонидир. У жинсий истакка ва ҳатти-ҳаракатларга жавоб берадиган энг машҳур гормонлардан бири. Ушбу гормон метаболизм жараёнида фаол иштирок этади, унинг ишини тезлаштиради ва мушак тўқимасини шакллантиришга ёрдам беради.

Адреналин — буйрак усти ишлаб чиқарадиган гормондир. Улар адреналин ва ноадреналин турларига бўлинади. Адреналин кўпайиши қўркув ва стресс ҳолатини чақиради. Ҳатто, бу гормон психологик таъсир этиб, оғриқни камайтириш хусусиятига эга. Мазкур гормон хомиладорликда муҳим ҳисобланиб, кўкракда сут ажралиб чиқишига ёрдам беради.

Инсулин гормони — организмдаги қанд миқдорини белгилаб беради. У ошқозон ости безида ишлаб чиқарилади. Унинг кўпайиб кетиши қандли диабет касаллигини келтириб чиқаради. Камайиши эса қанд миқдорининг етишмаслигига олиб келади.

Кортизол — стресс гормони ёки очлик ва тўқлиқни назорат қилувчи гормон ҳам дейилади. Куёш нурида юриш, калориясиз, витаминлари кам овқатлар истеъмол қилиш оқибатида кортизол камайиб кетади. Кам бўлса, буйрак фаолиятига зарар келтиради. Кўпайиб кетиши буйракка ортикча босим ҳисобланади.



Қарғиш — инсон тилига илашган иллат

Беайб парвардигор, ҳаммамиз ҳам адашамиз, жаҳлга минамиз, гоҳида эса суяксиз тилимиз ноҳў гаплардан ҳам сўзлаб қўяди. Айниқса, аёлларнинг ғазаби қўзиса, қарғиш жумлаларни қалаштириб ташлашади. Бу борада эса ўзбек тили луғат бойлиги ниҳоятда «ранг-баранг». Қарғиш маъносидаги сўз бирикмаларининг аксарияти ўлим, бадбахтлик, фалокатга дучор бўлиш, нотавонга айланиш каби истакларни ифода этади. Афсуски, жаҳли чиқиб турганда энг оғир балони боласига сўраб қарғанаётган оналарнинг ҳаммаси ҳам баддуоси Яратганнинг даргоҳида ижобат бўлиши мумкинлигини, дилбандига мусибат етиши эҳтимолини билвермайди...

Айтилган сўз — отилган ўқ

Ривоятда нақл қилишларича, бир муштира аёлининг ёлғизгина ўғли бўлган экан. Бола жуда шўх, доим тенгдошлари билан уришар, кимгадир озор берар, дам-бадам онанинг хузурига ундан шикоят қилиб келишаркан. Аёл эса ҳар сафар ўғлининг бошини силаганча, унга бу қиликлари нотўғри эканини ётиги билан тушунтирар, босиқлик билан тарбия бераркан. Аммо одамлар бундан ранжиб, болани уриб-сўкиб туриш кераклигини, мулоимлик билан безори болани тарбиялаш мумкин эмаслигини таъкидлашаркан. Онаизор эса боласини сира қарғамас, шўхликлари ҳаддан ошганида эса: «Мақкага имом бўлгур!» дея койиб қўяркан, холос. Аслида онаизорнинг ушбу койиши Аллоҳга илтижо бўлгани, боласининг камолини сўрагани бонс йиллар ўтиб, бола улғайгач, илму урфон излаб Мақкага йўл олибди.

РИВОЯТ

Бир куни саҳобалар келиб, Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламдан ислом динидан юз ўттирган Давс қабиласининг ҳаққига дуойи бад қилишларини сўрадилар. Шунда Расули ақрам соллаллоху алайҳи ва саллам ўша қабилани дуойи бад қилмасдан, балки уларнинг ҳаққига Аллоҳдан хидоят сўраб дуо қилдилар.



ХАДИС

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда келтирилишича, Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам:

«Кимки зулм қилган одам ҳаққига дуойи бад қилса (уни қарғаса), бас, унга ёрдам бериб юборибди» деганлар.

Имом Абдурауф Муновий ушбу ҳадиснинг шарҳида:

«Унга (золимга) ёрдам бериб юборибди» дегани, золимнинг гуноҳидан бир қисмини ўзига бўлишиб олибди, мазлумга бериладиган савобни эса, иккига бўлиб, бир қисмини золимга ажратиб берибди» деган маънони англатади», дейдилар. Шунга кўра, адашган кимсага нисбатан ҳатто золимга ҳам, Яратгандан хидоят, тавфиқ ва инсоф сўраши, Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг суннатларига мувофиқ иш ҳисобланади.

Қарғиш — ёмон дуо қилишдир. Қарғиш теккан одам бу — ёмон тилаклар эшитиб жазоланган, лаънатга қолган одамдир. Қарғишлар моҳиятида иккинчи бир шахсга йўналтирилган ният-истаклар жамланади. Шунга кўра, қарғиш лаънатлашга яқин туради. Бировларни лаънатлаш эса гуноҳи қабилалар (катта гуноҳлар) сирасига қиради. Мусулмон киши ўзининг ҳаққига ҳам, бошқа мусулмон биродарининг ҳаққига ҳам дуойи бад қилиб қарғамоғи шаръан жоиз эмас. Айниқса, оиласи ёки болаларининг ҳаққига қарғиш айтиши оғир мусибатдир. Зеро, доно халқимизда «Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар омин дейди», деган нақл бор.

Бу нақл аслида Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг куйидаги ҳадисларидан олинган:

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар:

«Ўзингизни қарғаманг, болаларингизни ҳам қарғаманг, молнингизни ҳам қарғаманг! Аллоҳ таолодан сўралган нарса сўзсиз бериладиган (дуо ижобат бўладиган) вақтга мувофиқ келиб қолиб, дуонингиз ижобат бўлиб қолмасин... (Муслим ривояти).

Қарғишлар қарғанган кимсага ҳам яхшилик келтирмайди...

Одатда, тарбияли хонадонларда қарғиш сўзлари

ишлатилмайди. Чунки ҳар қандай қарғиш боланинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Аммо истайсизми-йўқми, баъзида ўзбек хонадонларида болаларини қарғатган ота-оналарнинг, катталарнинг овози эшитилиб қолади. Ҳатто, бундай нохуш сўзлар баъзан кўчадан ўтаётган кимсалар қулоғига чалинадиган даражада банд овозда «янграйди». Аслида ота-онанинг «ўлиб, йўқ бўлиб кетгур», «борингдан йўгинг яхши», «бало бўл, баттар бўл» қабилладаги қарғишларининг моҳиятида ижобат нияти бўлмаса ҳам, яъни чин юракдан чиқмаса ҳам, тавбеҳ ва тарбия жараёнида тилга эҳтиёт бўлмоқ даркор.

Ижтимоий одоб-ахлоқ мавзусида калам тебратган улаомлар бу иллатни инсон тилига илашган маънавий касаллик деб баҳолайдилар. Шу маънода бўлар-бўлмасга тилга эрк бериб, бировларни ўринсиз қарғаш нафақат қарғиш эшитган одамга, балки қарғанган кимсага ҳам яхшилик олиб келмайди.

Абу Дардо (р.а.)дан ривоят қилинадики: «Расулulloх (с.а.в.) айтдилар: **«Агар банда бирон нарсани лаънатласа, лаънат осмонга кўтарилади. Бирок осмон эшикларининг қаршисига ёпилади. Сўнг ерга қайтади. Бирок унинг қаршисига ер эшикларининг ҳам ёпилади. Кейин ўннга-сўлга юради. Агар бирон имкон (кўнимгоҳ) топмаса, мабодо лаънатланган киши муносиб бўлса, унга қайтади. Лаънатланган кимса шунга муносиб бўлмаса, лаънат айтган одамнинг ўзига қайтади.»**

Шунга кўра, қарғиш қарғовчининг ўзига қайтиши, ўзини уриши ҳам мумкин. Зотан, халқимизда ноҳонж қарғишларга нисбатан: «Оғзингдан чиқиб, ёқанга ёпишин», деган ибора ҳам бор. Аслида, инсон боласи кўнглини пок тутиб, тилига эҳтиёт бўлиб, ён-атрофидаги одамларга нисбатан ҳар қандай вазиятда фақат яхши ният ва эзгу тилак билдириши унинг гўзал одоб эгаси эканлигидан дарак беради.

Муҳиддин
НЎҒМОНЖОНОВ,
Тошкент шахридаги
«Абу Хурайра» жоме
масжиди имом-хатиби.

Такроран умра зиёратига борганлик учун виза тўлови бекор қилинди.

АҚШ ва Афғонистон: тинчлик битими имзоланадими?

Афғонистон расмийлари АҚШ ва Толибон ўртасида «деярли имзоланган» тинчлик битими юзасидан ўз хавотирларини изҳор этди. Президент маъбуот котиби Сидик Сидиқкий шартнома нуҳаси билан танишиб чиққанини, аммо унинг таркиби ва шартлари қандай бажарилиши ҳақида саволлар туғилганини маълум қилди.



АҚШнинг Афғонистон бўйича махсус вакили Залмай Халилзод 2 сентябрь куни Толибон ва АҚШ ҳукумати «деярли келишувга келганини» билдирган эди. Шартномада Толибон ўз бошқарувидаги ҳар қандай ҳудудни АҚШ ва унинг ҳамкорларини нишонга олувчи террорчилар учун бошпанага айлантирмаслик мажбуриятини ўз зиммасига олган. Икки тараф, шунингдек, Афғонистондан ғарб кучларини босқичма-босқич олиб чиқиш кетишга келишиб олган. Келишувга эришилгани ҳақидаги хабар тарқалиши ортидан тўққиз нафар АҚШ собиқ элчиси Америка кўшинлари мамлакатдан чиқиб кетса, Афғонистон фуқаровий уруш қаърида қолиши ҳақида огоҳлантирди. Улар бунинг олдини олиш учун Афғонистон ҳукумати ишгирида «ҳақиқий тинчлик битими»га эришиш кераклигини айтишди.

АҚШ президенти Доналд Трамп мамлакат кўшинларининг Афғонистондан олиб чиқилиши ҳақидаги Толибон билан келишувни шахсан имзоламайди.

Афғонистоннинг нуфузли «Жадаи Абрешом» («Ипак йўли») ҳафтаюмасида АҚШ ҳамда «Толибон» ҳаракати (ҳужжат лойиҳасида «Афғонистон Ислому Амирлиги») ўртасидаги эҳтимол тутилган келишув матни чоп этилди.

АҚШ ва Толибон ўртасидаги тинчлик шартномаси лойиҳаси 11 модалдан иборат бўлиб, «Афғонистон бўйича Доха тинчлик келишуви» (Америка-Толибон музокаралари Қатар пойтахти Дохада ўтказилгани учун) деб номланади.

Келишув муқаддасида айтилишича, «Афғонистон Ислому Амирлиги (Америка томонидан расман тан олинмаган, бироқ у Афғонистоннинг объектив реаллиги деб ҳисоблайди) ва Америка Қўшма Штатлари Афғонистондан Америка ва НАТО кўшинларини олиб чиқиш мақсадида, Қатар пойтахти Дохада ўтказилган икки томонлама музокаралар натижасида мазкур келишувни туздилар».

Лойиҳанинг биринчи моддасида шундай дейилади: «Америка томони ҳеч қандай шартларсиз ўз кўшинларини, маслаҳатчиларини, Афғонистоннинг турли соҳаларида фао-

лият кўрсатаётган шартнома асосида ишлаётган хизматчиларини олиб чиқиш мажбуриятини олади». Иккинчи моддада «Афғонистон Ислому Амирлиги (АИА) яна бир бор Афғонистон мустақил давлати ҳудуди бошқа мамлакатларга қарши ишлатилмайди, шу билан бирга, АИА бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмайди». «Афғонистон барча афғонлар учун умумий уй ҳисобланади ва АИА Афғонистон ҳудудидан ҳеч бир хорижий давлатларга бошқа мамлакатлар ёки дунёга таҳдид солишга руҳсат бермайди ёки уларнинг ички ишларига асосиз аралашмайди», дейилади келишув лойиҳасининг учинчи моддасида.

Хаводан туриб толибларни бомбалашмайди

Тўртинчи моддада «АҚШ 14 ой мобайнида босқичма-босқич ўз кўшинлари ва НАТО кучларини Афғонистондан олиб чиқиш мажбуриятини олади»; «Босқичма-босқич олиб чиқиш тартиби ва жадал-лашу ушбу келишувнинг ажралмас қисми ҳисобланади». Ўз навбатида, бешинчи моддада «АИА мамлакатдан олиб чиқилаётган пайтда Америка кўшинлари, техникаси, аяжонларига ҳеч қандай зиён етказмаслик, Америка кўшинларига қарши ҳарбий операциялар ўтказмаслик мажбуриятини олади»; «Америка томони ҳам Афғонистондан кўшинларини олиб чиқиш даврида «Толибон»га қарши ҳарбий операциялар ўтказмайди, хаводан туриб толибларни бомбаламайди ва бошқа қидирув операцияларини ўтказмайди. Америка томони бу пайтда Афғонистон ҳукумати билан ҳарбий ҳамкорликдан тийилиб туради».

Доха ҳужжати лойиҳасининг бешинчи моддасида айтилишича, «мазкур келишув имзоланган пайтдан кўшинлар тўла олиб чиқилгунича томонлар ўртасида ўт очини тўхтатиш эълон қилинади»; «Ўт очини тўхтатиш афғон ҳукумати ва унинг қуролли кучларига тааллуқли эмас. Мазкур келишув имзоланиши билан бир вақтнинг ўзида Афғонистон ҳукумати ва АҚШ ўртасида эришилган хавфсизлик тўғрисидаги келишув ўз

қучини йўқотади».

«АИА Афғонистондан хориж кўшинлари олиб чиқилганини эълон қилиш билан бир вақтнинг ўзида хорижий давлатлардан бирида афғонлараро мулоқотни йўлга қўйиш бўйича фаол амалий ҳаракатларга қўл уради. Афғонлараро мулоқотнинг биринчи босқичи бир ой мобайнида юз бериши керак», — дейилади келишув лойиҳасининг олтинчи моддасида.

Еттинчи моддада «Толибон», «бутунафғон ҳукумати»ни ташкил этиш борасидаги ўзининг доимий қарашларига амал қилиб, жамиятнинг барча қатламларини, мамлакатнинг барча халқларини ва мамлакат ичкарисидаги барча долзарб сиёсий кучларни қамраб олган, ҳар бир афғон ўзини бундай ҳукуматда кўра оладиган ҳукуматни тузиш мажбуриятини олади».

Саккизинчи моддада толиблар «ҳар бир афғоннинг индивидуал ва ижтимоий ҳуқуқларига риоя қилиш» мажбуриятини ўз зиммаларига олади: «Шундай қилиб аёлларнинг барча ҳуқуқлари муқаддас ислом дини арконлари, мамлакатдаги анъана ва урф-одатлар асосида тақдим этилади. Сўз эркинлиги ва ОАВ эркинлиги олий миллий давлат манфаатларига мувофиқ ва ислом асосида қафолатланади».

Афғонистонда янги бошқарувни шакллантириш қачон туғайди?

Келишув лойиҳасининг тўққизинчи моддаси асирлар ва гаровдагилар билан алмаштириш масаласига бағишланган: «Хорижий турмаларда ёки Афғонистон ҳукуматида тегишли камокхоналарда қолаётган АИА тарафдорли бўлган, уларга нисбатан фуқаровий талаблар ва жиноий таъбиқ йўқ бўлса, шунингдек, уларга қўйилаётган жиноятлар исботланмаган тақдирда яхши ният тамойилларига амал қилиб ва ўзаро ишончини мустаҳкамлаш мақсадида ҳеч қандай шартсиз озод қилинади»; «Шундай ҳолатда Америка ҳарбийлари, шу каторда бошқа хорижий мабусулар, жумладан, АИА турмаларида қолаётган Афғонистондаги Америка университетини ўқитувчилари сўзсиз озод қилинади».

Келишув лойиҳасининг ўнинчи моддасида «Толибон» «Америка кўшинларининг Афғонистондан олиб чиқилиши якунлангунига қадар (тартиби мазкур келишувнинг тўртинчи моддасида белгиланганидек) афғонлараро мулоқот ҳамда мамлакатда янги бошқарувни шакллантириш жараёнини якунлайди, охири-оқибат, Афғонистон халқи ва халқаро ҳамжамиятни мамлакатда мустақил исломий тартибот шакллантирилганига ишонтириши керак».

АҚШ Афғонистонда шармандаларча мағлуб бўлди

Америка ва «Толибон» ўртасидаги келишув лойиҳаси тахлили бир неча ҳулосалар килишга асос беради.

Биринчидан, очик кўрииб турибди, ушбу ҳужжат Американинг мисли кўрилмаган камситилиши ҳисобланади, шу қадар улкан ҳарбий, иқтисодий ва сиёсий қулатишга қарамай, Америка СССР ва Буюк Британияга ўхшаб шармандаларча Афғонистонда мағлуб бўлди. Ундан ҳам каттароқ ҳақорат 2011 йил 11 сентябрда «Ал-Қоида» террорчи ташкилоти томонидан амалга оширилган, ушунда террорчилар етакчи давлатнинг Нью-Йоркдаги осмонўпар ва Пентагон биноларини қаршиликсиз нишонга олишганди. Ундан кейинги деярли 20 йил давом этган Афғонистондаги уруш АҚШга самарали империя репутациясини қайтара олмади. Вашингтон «Толибон» билан сиёсий таслим бўлиш ҳақидаги битимни имзолашга тайёргарлик кўрмоқда. Давлат котиби Майк Помпео Дохада мулла Биродар билан ҳужжат остига имзо қўйса дунё аввалгидек бўлмайди.

Дўппи тор келганида...

АҚШ 14 ой муддатда ўз аскарларини Афғонистондан олиб чиқади, толибларнинг келишувнинг еттинчи моддасида қўзда тутилганидек, «мустақил афғон ҳукумати»ни шакллантириш жараёнига бошчилик қилишига йўл очиб беради. Бу билан Вашингтон оғир пайтларда иттифоқчиларини ташлаб кетишини намоён этди, негаки, хозирги афғон

ҳукуматини Доха келишувларига қўшмаслик борасидаги толиблар талабига рози бўлди, бошқа томондан, хавфсизлик тўғрисидаги аввал Кобул билан имзоланган келишувларни бекор қилиш оstonасида турибди. Агар шартнома лойиҳаси матнига ишонилса, яқин 14 ой ичида америкаликлар ўз ҳарбий базаларидан туриб, «Толибон» жангарилари ва афғон ҳарбийлари ўртасидаги биродарқушлик урушини томошабин бўлиб кузатишади. Толиблар «ўт очини тўхтатиш» стратегияси доирасида 2020 йил октябрда АҚШ ва НАТО аскарларига ҳужум қилмайди, бироқ миллий армия ва полициядаги афғон ҳарбий хизматчиларига қарши қирғин давом эттиришга тайёр.

Ҳужжатга президент Доналд Трамп ва толиблар етакчини шайх Хайбатуллоҳ ўз имзоларини қўйишга тайёр эмас. Балки улар Доха конвенциясининг реал амалга ошишига ишонинмас? У кейин бир варақ керакисиз матоҳга айланб қолмасмикин? Хавотирлар биров ўзини оқлади. Трампнинг Твиттерда ёзилишича, у яқинда кўни Афғонистон Президенти Ашраф Ғани ва Толибон раҳбарияти билан учрашиш керак бўлган. Бироқ Толибон жангарилари Америка аскарни ўлимга олиб келган яқиндаги ҳужумга жавобгарликни зиммасига олган, Трамп Кэмп Дэвид қароргоҳида бўлиб ўтиши керак бўлган махфий учрашувни бекор қилди.

Д. Трамп: «Тинчлик музокараларини тўхтатдим»


Толиблар билан асосий музокарачи Залмай Халилзод афғон пойтахтига Доха музокараси лойиҳасини келтириб бўлганди. Кейин у эришилган «отуқлар» билан НАТОдаги иттифоқчиларини хурсанд қилиш учун Брюсселга жўнаб кетди. Сўнгра Халилзодни Ослода қутушаётганди, айнан Норвегия пойтахтида келишув лойиҳасининг 5-ва 10-моддаларига мувофиқ, «афғонлараро мулоқот»ни бошлаш режалаштирилмоқда. Бироқ Трамп қарорига қарамай, алақибат тинчлик битими яқин кунларда имзоланиши мумкин.

Абдували САЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.

ФАРМАКОЛОГИЯДАН ТЎҒРИ ФЙДАЛАНИШ СПОРТЧИНИ ҒАЛАБАЛАР МАНЗИЛИГА ЕТАКЛАЙДИ

СПОРТЧИЛАР ФАОЛИЯТИДА ДОПИНГ МОЖАРОЛАРИ БЎЛМАСЛИГИ УЧУН СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИДА ИШЛАР БОШЛАБ ЮБОРИЛГАН

Бугунги кунда спорт тиббиёти ва фармакологиясини ривожлантириш лозимлиги хусусидаги фикрларга тез-тез дуч келямиз. Бу хусусда Президентимиз ҳам жорий йилнинг 4 сентябрида ўтказилган видеоселектор йиғилишида «Спортчиларнинг тез тикланиб олишлари учун фармакологик кўмак зарур. Лекин юртимизда спорт фармакологияси бўйича ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш, янги дори воситаларини яратиш юзасидан илмий изланишлар олиб борилмаган. Бу соҳада малакали мутахассислар ҳам йўқ. Кўпчилик атлетлар допинг бўлмаган қандай моддалардан фойдаланиш мумкинлигини билмайди», дея алоҳида таъкидлаб ўтди.



марказга кечиктириб олиб келинмоқда. Ачинарлиси, спорт федерацияларининг бирортасида терма жамоа аъзоларининг мусобакага тайёргарлиги ва тикланиш жараёнини мониторинг қилиш бўйича комплекс лаборатория мавжуд эмас.

Допингнинг олдини олиш учун

— Спортчилар фаолиятида допинг можадолари бўлмаслиги учун спорт тиббиёти илмий-амалий марказида ишлар бошлаб юборилган, — дейди А.Содиқов. — Марказнинг илмий сектор ва илмий лаборатория ходимлари томонидан спортчиларга мумкин бўлган дори воситаларини рўйхати тузилди. Шунингдек, ҳар бир федерациядаги мураббий ва шифокорларга услубий қўлланма тарқатилмоқда.

Бундан ташқари, сумбула (*Ferula moschata*), трибулус (*Tribulus terrestris*), мандрагора (*Mandragora officinarum*) ўсимликларидан биологик фаолликларга эга кимёвий моддалар экстракция қилиб олинди. Ҳозирда ушбу экстрактларнинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институтида клиник олди синовларини ўтказиш ишлари олиб борилмоқда. Буларнинг барчаси андодинг бўйича спорт федерациялари ва ассоциациялари шифокорлари билан ҳамкорликда амалга ошириляпти.

Шунингдек, бугунги кунда ҳар бир спортчига индивидуал ёндашилди, «спортчи паспорти» яратилди. Унинг болаликдан то ҳозирга қадар ўтказган касалликлари, машғулотлар тартиби, эришилган ютуқлари ўрганиб чиқилмоқда. Бу, ўз навбатида, спортчи соғлиги, ҳолати ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш имкониятини беради. Қолаверса, саломатлиги борасида оқсаётган жиҳатга кўпроқ эътибор беришга, уни бартараф этишга ёрдам беради. Спортчиларимиз мусобакалар олдида бу ерда чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтишди. Марказ мутахассислари спортчиларга фармакология ва витаминлардан тўғри фойдаланиш бўйича ўз тавсияларини беришди. Бу спортчиларимизни Токио — 2020 Олимпиадасига муносиб тайёрлаш йўлида муҳим аҳамият касб этади.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

Хўш, бугунги кунда спорт тиббиётида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Шу мавзуда мутахассислар билан фикрлашдик.

Олимпиадада қатнашиш имконияти кам қолмоқда

— Ҳозирда биз учун энг долзарб масала — Токио — 2020 Олимпиадаси ва унга тайёргарликни кучайтириш, — дейди Миллий Олимпия кўмитасининг оммавий ахборот ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи Зафар Имомхўжаев. — Шу асосда спорт федерациялари мунтазам машғулотлар олиб боришмоқда. Атлетларимиз юқори натижа кайд этишларида фахрийларнинг ҳам ёрдами кўл келади. Шу боис ҳар бир федерацияга фахрийлар тўлиқ бириктирилиб, уларнинг имконияти даражасида терма жамоа билан ишлаши йўлга қўйилган.

Дарҳақиқат, ҳозиргача Токио Олимпиадасида қатнашиш

МАЪЛУМОТ УЧУН МАВЗУ:

Спорт тиббиёти илмий-амалий маркази мутахассислари томонидан енгил атлетика бўйича профессионал спортчиларнинг амалдаги овқатланиш ҳолати ўрганилди. Объект сифатида Тошкент шаҳридаги «Меҳнат» ва «Динамо» резервларига қарашли спорт мажмуалари базасида шуғулланувчи 16-35 ёшдаги 140 нафар енгил атлетикачи олинди. Статистик таҳлил замонавий овқатланишга мўлжаллаб тузилган 1260 та таомномага асосланиб олиб борилди. Таҳлил жараёнида 2700 та анкета материаллари қўлланилди. Яқиний хулосалардан спортчилар тўғри овқатланмаслиги маълум бўлди.

учун бор-йўғи 3 та спорт тури бўйича 4 та лицензия қўлга киритилган, ҳолос. Шунинг учун Олимпиадага тайёргарлик кўришда мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган тизимли чоралар кўрилмоқда. Олимпиадага қатнашиш учун чим устида хоккей, от спорти, волейбол бўйича лицензияларни қўлга киритиш имконияти бой бериб бўлинди. Худди шундай ҳолат давом этса, футбол ва сув полюси бўйича ҳам лицензияларни олиш масаласи шубҳа остида қолиши мумкин. Енгил

атлетика спорт турлари бўйича ўтган Рио Олимпиадасида 16 та спортчимиз иштирок этган бўлса, Токио Олимпиадаси бўйича атиги 6 та лицензияни олиш мўлжалланмоқда.

Спорт фармакологияси нимани ўрганади?

Мамлакатимизда спорт соҳасига эътиборнинг кучайиши спорт тиббиёти йўналишига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсата бошлади. Жумладан, Тошкентда Марказий Осиёда ягона бўлган Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази фаолият олиб бормоқда. Марказ барча диагностика, лаборатория ва реабилитация учун зарур бўлган тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

— Давлатимиз раҳбарининг спорт тиббиёти хусусидаги фикрлари айни муддао бўлди, — дейди Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази раҳбари Абдушуккур Солиқов. — Чунки спорт тиббиёти ва фармакологияси бўйича дунёнинг етакчи давлатлари билан ҳамкорлик ишлари йўлга қўйиш керак. Спортдаги фармакология, биринчи навбатда, танани зўриқишга мослаштириш ва энг юқори спорт ютуқларига эришишга қаратилган. Кўпинча

фармакология туфайли спортчи максимал имкониятларига боглиқ бўлган натижаларга эришиши мумкин. Экстримал машғулотлар ва мусобакалар жараёнида дори воситаларидан (спорт фармакологиясида дори воситалари деганда, дорилар ва парҳез воситалар тушунилади) ўринли фойдаланиш спортчиларнинг ўз натижаларини янада яхшилашига кўмаклашади. Шу боис спорт фармакологияси дориларнинг инсоннинг жисмоний, психологик қувватини ошириш, организмнинг қувватини тезда қайта тиклашга бўлган таъсирини ўрганади. Ҳозирда терма жамоа аъзоларининг тиббий кўриқдан ўтиш жараёнилари бўйича атиги олиб борилмоқда. Ҳар бир спорт федерация ва ассоциациясига марказнинг малакали мутахассисларидан иборат координаторлар бириктирилган.

Шу билан бирга, психология ва диетология-нутрициология йўналишлари бўйича ишчи гуруҳлар тузилиб, улар томонидан спортчиларнинг психологик тайёргарлиги ва рационал овқатланиш учун қулик, ҳафталик менюлар қайта кўриб чиқилмоқда. Спортчиларнинг машғулот даврида функционал ҳолатини ўрганиш мақсадида «мобил лаборатория» ташкил этилган. Патологик ҳолат аниқланган, жароҳат ёки текширувлар хулосасига кўра тикланиш етарли даражада бўлмаган спортчилар учун стационар даволаниш учун барча шароитлар яратилган. Спортчида юқоридаги ҳолатларнинг бири аниқланган куннинг ўзидаёқ даволаш чора-тадбирларини бошлаш ва энг қисқа муддатларда машғулотга соғлом қайтишини йўлга қўйиш уларга янада дадиллик бағишлайди.

Аmmo айрим федерациялардаги мутасадди ва мураббийларнинг ишга совуққонлик билан ёндашиши сабаб, спортчилар

ДАРВОҚЕ...

Фармакология — лотинча сўздан олинган бўлиб, «дорилар тўғрисидаги таълимот, фан» маъносини беради. Фармакология турли кимёвий ва бошқа моддаларнинг, шу жумладан, дори воситаларининг ҳам тирик ҳайвонлар ва одам организмига таъсири, шу туфайли улар организмда содир бўладиган ўзгаришларни тадқиқ этади, ўрганади. Ушбу ўзгаришларнинг келиб чиқиш сабабларини ёки кимёвий моддалар таъсирининг механизмини аниқлайди ва илмий томондан тушунтиради. Янги дори моддаларини яратиш, текширишдан ўтказиш, ўрганиш ва уларни тиббиёт амалиётига жорий этиш билан шуғулланади.



Қиличбозлик бўйича Марказий Осиё конфедерацияси очиқ турнири ниҳоясига етди.

ВАТАН МАНЗУМАСИ

Дарват

*Кундуз юриб ёздим, тун туриб ёздим,
Ёзганда кўксимга тиг уриб ёздим.
Дардларимга сиёҳ қор қилмай қолгач,
Қаламни қонимга ботириб ёздим.*

*Кон асли ёруғлик. Ёруғлан, тиз чўк,
Асл мард Ватанга тиз чўкиб ўтар.
Қанча қонинг бўлса — Ватан унун тўк,
Қанча шонинг бўлса — Ватанин кўтар!*

Она элим

*Она элим, дўстингга дўсту
Душманингга хавфу хатарман,
Жилгалардай чулдираб ўсдим,
Илдизингдан келган хабарман.*

*Ёнган они ё сўнган они
Кетган борми меҳрингга қониб,
Тонгтарда сен деб, уйғониб,
Кунботарда сен деб, ботарман.*

*Болам, дединг ҳар қоримда ҳам,
Қувончиму озоримда ҳам.
Бир кун... бир кун мазоримда ҳам
Сени суйиб ўйлаб ётарман.*

*Сув сўрасам сен узатдинг бол,
Бир гунчанг ҳам кетмасин увол.
Билмагин деб тоабод заво
Богларингга бўйлаб ётарман.*

*Камон, ўқли бўлгин, бўлма кам,
Гўдақларинг кўрмасин деб гам,
Ёнимдаги шерикларга ҳам
Пичир-пичир сўйлаб ётарман.*

Халима ХУДОЙБЕРДИЕВА

**ЎЗБЕКИСТОНДА БОБУР МИРЗО
АВЛОДЛАРИ ЯШАЯТТИМИ?**

Юртимиз тарихида ўчмас из қолдирган Заҳириддин Муҳаммад Бобур меросини ўрганиш, асраб-авайлаш, унинг Ватан ишқи ва соғинчи билан йўғрилган ҳаёт йўлидан ибрат олиш бугунги авлоднинг бурчи экани шубҳасиз. Ўзбекистонда бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Бобур номидаги халқаро жамоат фонди ва илмий экспедицияси фаолият олиб боради. Бобуршуносликдаги янгиликлар хусусида жамғарма ва экспедиция раҳбари Зокиржон Машрабов билан суҳбатлашдик.



Иккинчи жаҳон уруши тугагач Боёвута қайтиб, Ховос тумани солиқ маҳкамасида бошлиқ бўлиб ишлади. Бу пайтда кийинчилик, очлик, тазйиқлардан силласи қуриган Ҳадыон оғир хасталикка чалинган. Бу шижоали, мард аёл эрига: «Сиз подшо авлодсиз, сиздан кўп зурриётлар қолиши керак» деб, Махбубахон исмли бошқа аёлга уйлантиради. Насриддин кейинги хотини билан 14 йил яшаб, Рисолатхон, Зайниддин, Адолат, Хайриддин, Баҳриддин, Шамсиддин, Нажмиддин ва Назокат исмли фарзандлар кўради. Ва 1959 йилнинг 14 декабрида вафот этади.

Буюк бобомиз изидан

— Мен Бобурни ўзим учун маънавий пир деб биламан, — дейди З.Машрабов. — Улуг аждодимиз қиска умри мобайнида улкан илмий, бадиий мерос қолдирди. Ҳарбий жасоратларга йўғрилган ҳаёт кечирди. Кейинги йилларда бобуршуносликда қатор янгиликлар кўзга ташланмоқда. Жумладан, Ғарб ва Шарқдаги 11 та давлатда фондизминг бўлимлари очилиб, илмий-маърифий, маданий алоқалар географияси кенгайяпти. Россия Фанлар академиясининг Туркология институти ҳамда фондизминг ҳамкорлигида Россия ФАнинг муҳбир аъзоси Анна Динбо ва андижонлик арабшунос олим Шокирхон Рустамхўжаев ҳаммуаллифлигида «Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бабуриды. Библиография» китоби чоп этилди. Жамғармадас томонидан «Бобур энциклопедияси» яратилиб, икки марта нашр этилган эса бобуршунослик фани ривожига муҳим воқеалардан бири бўлди. Экспедициямиз аъзолари 1992 йилдан буён 420 минг километрдан зиёд йўл босиб, 40 дан ортик мамлакат бўйлаб сафар уюштирди. 600 га яқин нодир кўлэмга ва китоблар, кинматли манбалар, археологик ва меъморий ёдгорликлар аниқланди. Уларнинг бир қисми музейимиздан ўрин олган. Илмий сафарларга бағишланган 30 дан зиёд хужжатли фильм, ўнлаб илмий-оммабоп китоб, юзлаб мақолалар эълон қилинди.

Бобурийлар бугун ҳам шеър ёзмоқда

Ўзбекистонда бобурийлар бугун ҳам борми, деган саволга мен бошқача ёндашаман. Бугун Ўзбекистон халқи, хусусан, Андижон аҳли мирзо Бобурнинг авлодими десак хато эмас. Гап қондошлиқда эмас, жондошлиқда, аждодлар руҳига эътиқод ва эҳтиромни унутмасликда, уларнинг башарият тамаддунига қўшган муносиб хиссаларини садақат билан давом эттиришда, деб биламан. Биз ҳар йили 14 февраль кунини бобомиз таваллудини кенг нишонлаймиз. Ўтган йилги анжуманимизга ўзини Бобурнинг Ўзбекистондаги авлоди деб таништирган сирдарёлик Зайниддин Мавлонов ҳам келди. Ҳасби ҳоли ва шажараси билан таништирди.

Фондизминг музейида Бобурнинг ҳиндистонлик авлодлари тухфа этган яна 3 та шажара нусхаси бор. Экспедициямизнинг дастлабки сафари чоғида хайдарободлик Тусийлар оиласининг топилиши натижасида бобурийларнинг бугунги авлодлари ҳақида илк маълумотга эга бўлган эдик. Зиёвдин ва Масихиддин Тусийлар 1994 йили Андижонга ташриф буюрди. Фондизминг ташаббуси билан бу каби алоқалар давом эттирилиб, ғоят қизиқарили ва тарихимизга ойдинлик киритадиган илмий суҳбатлар ташкил этилган.

Кейинчалик Покиза Султон бегим билан танишдик. Тарихий хужжатлар, суратлар, чоп этилган мақолалар, эсдаликлар бу

аёл Ҳиндистоннинг инглизлар истилосига бўлган сўнги подшо, бобурийзода Баҳодиршоҳ II нинг авлоди эканини тасдиқлайди. Унинг Лондонда яшаётган синглиси Тоҳира Султон бегим эса шоира. Покиза Султон бегим бизга синглисининг урду тилида нашр этилган шеърый китобини тухфа қилган.

Баҳодиршоҳ II нинг қабри қаерда?

Покиза Султон бегим Ҳиндистон озодлиги учун курашган Баҳодиршоҳ II нинг аянчи қисмати, сургунда умрининг сўнги дамигача она шаҳри Дехлида талпиниб яшагани ҳақида гапириб бераркан, бобокалонининг мусофир юрда жон таслим қилгани, ўша даврларда унинг жасадини Дехлига дафн этиш тўғрисидаги васиятини амалга ошириш имкони бўлмагани, лекин кейинчалик Рангундаги қабри тупроғидан олиб келиб Дехлидаги Қутб минор мажмуаси худудига қўйилганини афсус билан айтиб ўтди. Манбаларда учратилмаган бу хабар биз учун янгилик эди. Афсуски, Қутб минорни зиёрат қилиш асносида ушбу хабарнинг исботини тополмадик. Қутб минор хибобон-ҳовлиснинг ҳар жойларида қабрлар бор эди, лекин бу ёдгорлик мутасаддилари ва бошқа шахслар Баҳодиршоҳ II қабридан олиб келинган тупроқ ҳақида аниқ маълумот айтиб беришолмади.

Минхожиддин Тусий, Муҳаммад Абдул Шамил, Му-

ҳаммад Абдул Одил, Муҳаммад Муаззам, Муҳаммад Аброр ва Муиниддин Тусий каби Бобур авлодлари Ўзбекистондаги ўқув юртларида билим олишган. Муҳаммад Аброрни ўқиши давомида Фондизминг моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турган.

Сўнги шахзодалар тарихий ватанда паноҳ топган

Зайниддин Мавлонов ҳақида эса тарихчилар фикр айтгани маълум. Биз у киши ҳақидаги маълумотларни ўргандимиз. Бобоси — Баҳодиршоҳ Зафарнинг ўғли Мирзо Муҳиддин 1852 йили Дехлида туғилган. Инглизлар истилоси даврида олти ёш бўлган шахзода бувилари паноҳида аввал Кашмир, сўнг Мозори шариф, Термиз орқали Мовароуннаҳрга келиб қолган. Уни Бухоро амири Музаффар илик қарши олган. Бир муддат амир Абдуллаҳон, амир Олимхон хизматида юрган. Бухоро амрининг девонбегиси билан куда бўлган. Большевиклар амирликни маҳв этгач, кўп қатори у ҳам Афғонистонга қочади. Аммо манзилга етиб бўрмай Касби туманининг Қамашни қишлоғида вафот этади.

Унинг ўғли Мирзо Насриддин 1930 йили қулқоқ сифатида хотини Ҳадыон ва ўғли Аслиддин билан Тошкент вилоятининг Ховос туманига кўчирилди. Кейинроқ Россиянинг Архангельск вилоятидаги қамокка жўна-

Хозир Сирдарё вилоятида истиқомат қилаётган Зайниддин Мавлонов бобурийларнинг ана шу тармоғидан эканини айтиб келмоқда. Мазкур илмий жамоатчилик эътироф этиши учун астойдил ҳаракат қиялпти.

Суҳбатимиз сўнггида Зокиржон Машрабов Нобель мукофоти совриндори, машҳур физик Пьер Кюрининг сўзларини келтирди. У шарқ алломаларининг жаҳон цивилизацияси ва маданиятига қўшган бемисл хиссасини эътироф этиб, «Муҳаммад Андалусиясидан бизга бор-йўғи 30 дона китоб етиб келди. Ўша китобларни ўқиб, атомни парчалашга эришдик. Агар биз ўз вақтида Андалусиядаги галлактикалар орасида сайр қилиб юрган бўлар эдик» деган экан. Шунинг учун ҳам бугунги кунда давлатимиз раҳбари тарихни англашга, китобга муҳаббат қўйишга, ёшларни миллий маънавият ва қадриятларимизга эҳтиром руҳида тарбиялашга алоҳида урғу бермоқда. Чунки Ўзбекистон тарихи ва маданиятига оид бойликлар — бу башарият мулки. Уларни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодларга безавол етказиш — барча зиёлиларнинг муқаддас бурчидир.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ
«Mahalla»

НОТАРИАТ

Ишончномалар бекор қилинди

— Акамга тегишли автомашинани ишончнома орқали бошқариб келаман. Эшитишимча, яқинда бундай тартиб бекор қилинбди. Шу тўғрида маълумот берсангиз.

Нуриддин АЛИҚУЛОВ.

Тошкент вилояти Бекобод тумани.

Ойбек БОЗОРОВ,

Чирчиқ шаҳар 2-чи нотариал идора нотариуси:

— Дарҳақиқат, яқинда Президентимиз «Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолади.

Унга кўра, келаётган йилнинг 1 январидан эътиборан қурилиши тугалланмаган уй-жойларни сотишда ҳокимликларнинг рухсати, васийликдаги шахс номидан турар-жойни ижарага (арендага) беришда васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги талаб этилмайди.

Шунингдек, бир қатор нотариал ҳаракатларни мажбурий нотариал тасдиқлаш талаби бекор қилинмоқда. Хусусан, 2019 йил 1 октябрдан бошлаб яқин қариндошлар ўртасида нотариал тасдиқланган автотранспортно бекор қилинади. 2020 йил 1 январдан бошлаб корхона ижарага, текин фойдаланишга бериш, бирламчи бозорда мол-мулкни лизингга бериш ва гаров (ипотека) шартномаларини мажбурий нотариал тасдиқлаш тартиби бекор қилинади.

ТИББИЁТ

Энди дорихоналарда видеокузатув камералари бўлиши шарт

— Сир эмас, кучли таъсир қилувчи, таркибидан наркотик моддалар мавжуд дори воситаларини рецептсиз ва жисмоний шахслар томонидан сотилиши ҳолатларига гувоҳ бўлганмиз. Жумладан, «Лирика», «Трамодол» каби таблеткалар тўғрисидаги шов-шувлардан барча хабардор. Айни пайтда бундай дорилар истеъмолни тартибга солиш учун қандай ишлар амалга оширилади?

Гулнур ОЛИМОВА.

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри.

Фурқат САНАЕВ,

Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати раҳбари:

— Жорий йилнинг 6 сентябрь куни «Дори воситалари ноқонуний айланганининг олдини олиш чораларини кучайтириш тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди. Унга кўра, 2019 йил 1 декабрдан бошлаб кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига киритилган дориларнинг чакана савдоси фақат ижтимоий ва тегишли лицензияга эга бўлган дорихоналар томонидан амалга оширилади. Бундай дори воситаларининг рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Қарор билан кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига киритилган дорилар учун ёзилган рецептлар дорихоналарда бир йил давомида сақланиши белгилаб қўйилди. Беморга рецептли дориларни рецептни расмийлаштиришдан тайинлаш тақиқланади.

Шунингдек, 2020 йил 1 январдан бошлаб дорилар ва тиббий буюмларнинг савдо жараёнини узлуксиз равишда видеога ёзиб олиш ва бир ой давомида видеоёзувларни сақлаш мазкур фаолият учун лицензия талаби ҳисобланади. Талабнинг бир йил давомида бир мартадан кўп бузилиши лицензиянинг амал қилишини тугатиш учун асос бўлади.

Соҳада электрон ҳисобот юритиш тизими ҳам амалга киритилмоқда. 2021 йил 1 мартдан Тошкент шаҳрида, 2022 йил 1 мартдан бошлаб эса республиканинг барча ҳудудларида мажбурий равишда электрон тарзда рецепт бериш ахборот тизими жорий этилади.

АТРОФ-МУҲИТ

Корхоналар энди ҳавони заҳарламайдими?

— Эшитишимча, яқинда аҳоли яшаш пунктларидаги корхоналар учун янги экологик тартиблар жорий этилбди. Шу тўғрисида маълумот берсангиз.

Акбаржон МАМАЖОНОВ,
Фарғона вилояти Риштон тумани «Хуррамобод» маҳалласи раиси.



Эркинжон АБДУЛЛАЕВ,
Адлия вазирлиги етакчи мутахассиси:
— Дарҳақиқат, жорий йилнинг 5 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги Хукумат қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, 2021 йил 1 январдан атроф табиий муҳитга таъсир қилиш хавфи юқори бўлган янги ишга тушириладиган ҳўжалик субъектларининг ҳавони ифлослантириш манбаларида намуналарни олиш ва таҳлил қилиш бўйича автоматик станциялар мажбурий тартибда ўрнатилди. Шунингдек, 2021 йил 1 январга республика ва вилоят даражасидаги барча идоровий таҳлил лабораториялари аккредитациядан ўтказилди. 2021 йил 1 декабрдан республикада ҳавони ифлосланиши мониторинги автоматлаштирилди.

ҲУҚУҚ

Алимент тўлашдан қочиб бўлмайди

— Уч йил илгари расман никоҳдан ўтмасдан қилган эдим, бир йил яшаш ажрашиб кетдик. Собiq турмуш ўртоғим ушбу пайтда мендан фарзандли бўлди. Орадаги икки йил учун алимент тўламанми?



— Конституциямизнинг 64-моддасига му-

Дилшод ПЎЛАТОВ,
Тошкент шаҳри.

Дилшода МИРЗАЖОНОВА,
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши раисининг диний-маърифий масалалари бўйича ўринбосари:

вофиқ, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар. Оида кодексининг 64-моддасида эса ўзaro никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган болалар ўзaro никоҳда бўлган шахслардан туғилган болалар билан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга экани белгилаб қўйилган. Ушбу Кодекснинг 99-моддасида вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан, алимент ундирилиши белгиланган. Алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб ундирилади. Агар таъминот учун маблағ олиш чоралари судга мурожаат қилинганга қадар қўрилганлиги, аммо алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг уни тўлашдан бош тортганлиги оқибатида алимент олинмаганлиги суд томонидан аниқланса, ўтган давр учун алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб уч йиллик муддат доирасида ундириб олинishi мумкин.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Нафақа қандай ҳолларда тўхтатиб қўйилади?

— Бола парвариши бўйича нафақа олардим. Аммо орадан уч ой ўтиб тўлов тўхтатиб қўйилди. Шундай бўлиши мумкинми?

Сурайё СОЛИЖОНОВА,
Сурхондарё вилояти Ангор тумани.



— Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тўлаш тўловнинг конун ҳужжатларида белгиланган муддати тугаган, болалар болали оилаларга нафақа ва бола парвариши бўйича нафақа олиш ҳуқуқини истисно

этувчи ёшга тўлган, бола парвариши бўйича нафақа олувчи она ишга чиққан, доимий яшаш жойи ўзгарган, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан оиланинг ушбу тўловларга эҳтиёжмандлиги йўқлигидан далolat берувчи ҳолатлар аниқланган, фуқаролар йиғинининг (Комиссиянинг) тегишли тўловларни тайинлаш тўғрисидаги қарорига таъсир кўрсатган, бузилган ва ишонсиз маълумотлар аниқланган ҳолларда тўхтатилади.

Ушбу ҳолатда асоссиз тўланган маблағ конун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг тегишли ҳисоб рақамига қайтарилиши керак.

Тўловларни тўхтатиш, тўловнинг белгиланган муддати тугаган ёки болалар тегишли ёшга тўлган ҳоллардан ташқари (бола парвариши бўйича нафақа учун — икки ёш, болали оилаларга нафақа учун — 14 ёш), фуқаролар йиғинининг (Комиссиянинг) тегишли баённомаси билан расмийлаштирилган қарори асосида амалга оширилади.



МУАССИС:
ФУҚАРОЛАРНИНГ
ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ
ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ БЎЙИЧА
РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

MAHALLA — ADOBLAT TAPQOVI

Mahalla

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
ГАЗЕТА

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 6 сентябрда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

ISSN 2020-7033

7120307030000

Бош муҳаррир
Бахтиёр
АБДУСАТТОРОВ

Нашр навбат-чиси: Р. Юсупов
Мусаҳҳиллар: Н. Азимова,
М. Назарова

Навбатчи: С. Эшмуродов
Дизайнерлар: И. Болтаев
Ш. Бароқов

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳқўчаси, 59-уй. Индекс: 100192

Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Котибият: 71 237-56-80,
Факс: 71 233-10-73.

Баҳоסי келишилган нарҳда.

«Шарқ» наشريёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.
Формати — А-3, 8 босма
табоқ.
22 660 нусхада чоп этилди.
Буюртма G-945
Топширилди — 0050

Нашр кўрсаткичи: 148

Газета таҳририят компьютер марказида
саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

123456